

ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИ

ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу. Психология тарихи фанига кириш

Режа:

1. *Психология тарихи фанининг предмети*
2. *Психология тарихи фанининг вазифаси*
3. *Психология тарихи фанининг ривожланиш босқичи*

Психология тарихи бошқа фанлар сингари қизиқарли ва мазмундор билимлар соҳасидан иборат. Психология тарихи инсоният томонидан ҳайвонларга ва инсонларга хос бўлган психик ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги билимларнинг аста-секин тўпланиб бориши тарихидир. Инсоннинг ўзи ҳақидаги билимларни тўплаб ҳамда чуқурлаштириб боришидир. Биз психология тарихи билан танишар эканмиз, инсон ва ҳайвонлар психик ҳаётини ўрганишга бўлган интилиш кишилар ҳаётини ҳар хил тарихий босқичларда уларнинг қандай назарий ва амалий эҳтиёжлар билан тақозо қилинганлигини, баъзи қонуниятлари қандай очилганлигини билиб оламиз. Психология тарихи тарихий ҳаётнинг босқичларида, фан ва маданиятнинг умумий тараққиёти муносабати билан психологик билимлар соҳаси қандай кенгайиб борганлиги ҳамда дастлабки яккаю-ягона бўлган психология қай тарзда тараққий этиб, бутун бир психология фанлар системаси даражасига кўтарилганлиги ҳақида ҳам маълумот берилади. Психология тарихи психиканинг янада чуқур ва аниқ билиш имкониятини беради. Психология фани тараққиётга кўмаклашадиган фойдали илмий текшириш методларини изланиш ва яратишда катта ўрин тутди.

Психологиянинг бутун тарихи давомида идеализм ва материализм ўртасида кураш кечган. Бу кураш психология моҳиятини турлича тушунади, инсондаги психик ва физиологик ҳодисаларни ўзаро муносабатларини тушунишда ҳамда психология предметини тушунишда ифодаланган. Албатта психология тарихида турлича қарашлар ва йўналишлар бўлишига қарамасдан бу фаннинг предмети, яъни инсон ва ҳайвонга хос бўлган психика, психик ҳаёт бир хиллигича қолаверади.

«Биз ўзимизни ўтмиш билан бирга кўришимиз керак», чунки биз унга таянамиз. Умумий психологиянинг предмет ва методларидан фарқли равишда психик воқеликни эмас, унинг ривожланиш тарихи ҳақидаги фикрлар турли даврларда қандай бўлганлигини ўрганади. Психологик фикрнинг ўзи ўз тарихига эга. Бу тарихнинг вазифаси психика ҳақидаги илмий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини анализ қилиш психологик фикрлар тараққиёти давомида психология фаннинг предмети бўлиб, аввал рух, кейин онг, кейин хулқ-атвор ҳисобланади. Охирги фан ҳозирги турган босқичда, аввалги босқичларда ажратиб ташлаган психика, хулқ-атвор ва фаолият бирлиги тикланди. Умуман психологияда фикрлар тараққиёти ҳеч қачон бир текисда кечмаган. Баъзи даврларда у зигзаklar билан характерланган бўлса, баъзида ортга қайтган ёки бир жойда туриб қолган. Ҳар бир босқич ўз ютуқ ва камчиликларига эга бўлган. Эббенауз айтганидек, «Психология узок ўтмишга ва қисқа тарихга эга».

Психологияга оид билимларни ривожланишини ҳар хил даврлаштириш мумкин. Даврлаштириш ишига хронологик жиҳатдан ёндашилса XVII аср психологиясига, ҳудудий территориял жиҳатдан ёндашилса Мексика психологиясининг тарихи, Америка психологиясининг тарихи қабилаарга ажратиш мумкин. Демак, ҳар қандай даврлаштириш нисбийдир. Шунинг ҳисобга олиб қуйидаги даврлаштириш схемасини ҳам навбатдаги вариантлардан бири деб ҳисоблаш керак.

Психология тарихи 2 та даврга ажратилади. Улар ўз навбатида кичикроқ даврларга бўлиниш принципига асосан тузилган.

1-давр. Психология фанининг фалсафа таркибида ривожланган даври. Бу даврда Э.р.ав. VI асрдан XIX аср ўртасигача 2,5 минг йил давом этган даврдир.

2-давр. Психология фанининг мустақил фан сифатида ривожланган даври. Бу давр XIX аср ўртасидан ҳозирги кунгача давом этиб келаётган даврдир.

Психологиянинг фалсафа таркибидаги тараққиёти:

Эраизгача VI асрдан эраизнинг V асригача. Психика ҳақидаги дастлабки илмий тасаввурларининг пайдо бўлиши ва уларнинг дастлабки тараққиёти.

V-VIII асрлар, Рух(жон) ҳақидаги таълимотнинг фалсафий таълимотлар ва тиббий билимлар базасида ривожланиши.

XIV-XVI асрлар. Рух(жон) ҳақидаги таълимотнинг анатомио-физиологик билимлар ва XIV-XVI асрлардаги буюк кашфиётлар таъсирида ривожланиши.

XVII-XIX асрлар ўрталарида онгнинг психология предмети сифатида ажратилиши, психология назарий асосларини шаклланиши.

Психологиянинг мустақил фан сифатида тараққиёти.

XIX асрнинг бошидан XIX асрнинг 60-йилларигача. Психологиянинг мустақил фан сифатида табиий шаклланиши.

XIX асрнинг 60-йилларидан XIX асрнинг охиригача. Психологиянинг мустақил фан сифатида пайдо бўлиши ва дастлабки тараққиёти.

XX асрнинг 10 ва 30-йиллари ўрталарида. Психологияда очик кризис.

XX асрнинг 20 - 30 йиллари. Собик совет психологиясининг шаклланиши.

30-йиллар охири 50-йиллар. Психологияда кризиснинг пасайиши. Собик совет психологияси назарий соҳаси тараққиёти. Ўзбекистонда психология фанининг шаклланиши.

60-йиллардан шу давргача психологияда янги назарий ёндашишларни излаш даври.

Психологиянинг фалсафа таркибида ривожланиши

Хронология	Босқичнинг мазмуни	Натижа
Э.р.ав. V-VI асрлар	Психика ҳақидаги дастлабки илмий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши	Рух ҳақидаги фаннинг пайдо бўлиши ва унда 2 йуналиш. Материалистик ва идеалистик йўналишларнинг пайдо бўлиши. Психик жараёнлар сезги идрок, хотира, тафаккур,

		аффект, ирода ҳақидаги илк эмпирик билимларнинг пайдо бўлиши. Тана ва руҳ муносабатига ҳар хил ёндашиш.
V-VIII аср	Рух ҳақидаги фаннинг фалсафий таълимоти доирасида тиббӣ билимлар асосида ривожланиши	Томистик психологиянинг пайдо бўлиши.
XV-XVI аср	Рух ҳақида фаннинг анатомик-физиологик билимлар асосида ривожланишини давом эттириш.	Тадқиқот объекти сифатида руҳни инкор этиш, «Психология» терминини киритилиши.

Психологиянинг мустақил фан бўлиб ривожланиши

Хронология	Босқичнинг мазмуни	Натижа
XIX аср бошидан XIX асрнинг 60-йилларигача	Психология мустақил фан эканлигини таъкидловчи илк билимларнинг пайдо бўлиши.	Нерв системаси ва сезги органи фаолиятини экспериментал метод билан ўрганила бошлаши психофизика ва психогеометриянинг пайдо бўлиши, сезиш ва идрок этиш назарияларининг кашф этилиши
XIX асрнинг 60-йилларидан XIX асрнинг охиригача	Психологиянинг бевосита мустақил фан сифатида ривожланиши	Экспериментал методлар психологиядан мустақил ўрин эгаллаши психологияда амалий тадқиқотларни пайдо бўлиши фанда янги тармоқларни вужудга келиши
20 асрнинг 10-30-йиллари	Психологияда очик кризис (инқироз)	Чет эл психология мактаблари, Бихевиоризм
30-50-йиллар	Инқирознинг тугалланиши	Янги тармоқлар: генетик психология, шахс психологиясининг пайдо бўлиши, янги мактаблар, необихевиоризм, неофрейдизмнинг вужудга келиши
60-йиллар	Янги назарий ва амалий қидириш	Янги йўналиш: гуманистик психология, логопедия, когнитив психологиянинг пайдо бўлиши, психология предметини таҳлил қилиниши, онгсизлик масаласига катта эътибор, социал психология масалаларини чуқурлаштириш

Психологик билимлар тараққиётининг бутун тарихида психология предметининг учта таърифи мавжуд; рух (жон) ҳақидаги фан, онг ҳақидаги фан ва хулқ ҳақидаги фан. Психологияни рух ҳақидаги фан сифатида талқин қилиш, рухни изоҳий принцип деб унинг фаолият доирасини ниҳоятда чеклаб қўйган. Онгни психологиянинг предмети сифатида талқин қилиш ва психиканинг онгли қисмини тадқиқот объектига айлантириб, бир вақтнинг ўзида онг, онг ҳам предмет, ҳам изоҳий принцип бўлиб хизмат қилган. Психология предмети сифатида хулқнинг танланиши онг психологияси субъект тизимини енгиб, психологияни объектив тадқиқот йўлига олиб чиқди. Лекин айти пайтда психология психика ва онгни ўз тадқиқот предмети сифатида йўқотди. Кейинги тараққиёт онг ва хулқ (фаолият) бирлиги принципи асосида онг ва фаолиятнинг тарихий бузилган алоқаси тикланмоқда. Ҳар қандай бошқа фанда бўлганидек, психология ҳам мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла, баъзан турғунлик, баъзан воз кечилган фикрларга қайтиш каби босқичларни босиб ўтган.

Бошқа фанларда ҳам бўлганидек, психология тарихи фанлари ҳам шартли бўлиб, у баъзан ўрганилаётган муаммога, тадқиқотчининг шахсий ёндашишига ва бошқа сабабларга боғлиқ бўлган.

Илмий психологик билимлар тарққиётининг умумий ва асосий қонунияти бу ғоялар курашидир. Бу кураш узок вақт материализм ва идеализм ўртасидаги кураш кўринишида талқин қилиниб келинди.

Психология фани тараққиётнинг муҳим қонунияти унинг ягона назарияни ишлаб чиқишига йўналганлигидир. Бу тенденция психологиядаги очик кризис даврида янада яққол кўзга ташланди. Чунки бу даврда психология учун ягона изоҳий принципнинг топилиши унинг фан сифатида сақланиб қолишини таъминлар эди. Шу даврда пайдо бўлган барча мактаблар: психоанализ, гештальтпсихология, бихевиоризм ва бошқалар ҳаммаси ана шу ягона назария ўрнига даъвогарлик қилдилар. Л.С.Виготский бу ҳолатни шундай таърифлайди: «Аниқ соҳалардаги хусусий кашфиётлардан умумий принципларнинг пайдо бўлишига ва уларнинг бутун психологияга ёйилишига ва ниҳоят фалсафий системага, хатто дунёқарашга айланишига даъво қилинган бу ғоялар психологияда ягона назария мақомига унча мос келмайди. Психологик ғоялар тарихий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучлари ва сабаблари ҳозирги пайтда илмий ғоялар у ёки бу фан тараққиётини белгиловчи омиллар, илмий билимлар детерминацияси ҳақида жуда кўп мунозаралар мавжуд.

И.Лакотос фаннинг «ички» ва «ташқи» тарихи атамасини қўллашни таклиф қилган. Бунга кўра фан фақат ўзининг ички стандартлари, илмийлик мезонлари асосида ривожланиб боради. Бошқача айтганда, фаннинг ривожланишига фақат когнитив факторларгина таъсир кўрсата олади. Бундай интерналистик ёндашишга экстерналистик ёндашиш қарама - қарши қўйилиб, унга кўра фан тарихини ижтимоий факторларсиз ўрганиб бўлмайди, ижтимоий факторлардан фан тарихини назарий қайта тиклашда фойдаланилиши лозим. Шунга кўра психологик билимлар тараққиёти

тарихини таҳлил қилиш биринчидан тарихий фан ҳолатни яхши билишни, иккинчидан ўрганилаётган даврда фандаги алоҳида ҳолатни ҳисобга олишни талаб қилади. Бошқа фанлар математика, физика, астронимия, тилшунослик, физиология, биология, этнография, логиканинг психология тараққиётига таъсири турлича. Биринчидан шу фанлар доирасида психик ҳодисалар ҳақидаги билимлар тўпланган, иккинчидан, психологияда шу фанларнинг методларидан фойдаланилади. Учинчидан илмий методологиядан ҳам фойдаланиш ҳоллари бўлади. Психологиянинг бошқа фанлар билан бундай алоқаси психология ҳеч қачон тўла ажралган ҳолда ривожлана олмаслигини кўрсатади. Лекин айтиш пайтда Ж.Пиаже айтганидек, «психологиянинг келажаги биринчи навбатда унинг ўз тараққиётига боғлиқдир».

Тарихий психологик тадқиқотнинг битта вазифаси диалектика билан тўла бўлмаган билимни тўла билимга айланиш жараёнини очиқ беришдан иборатдир. М.Т.Ярошевский тарихий психологик метод сифатида категориал ёндашиш принципини ишлаб чиқди. У фанда уч қатор концептуал бирлик - эмпирик маълумотлар (фактлар), назарий ва амалий категорияларни фарқлаб психик воқеликнинг ҳар хил томонларини қайта тиклайдиган конкрет - илмий категорияларни ажратади. Булар образ, ҳаракат, мотив, руҳий-ижтимоий муносабат, шахс. Шу категориялар мажмуининг трансформация қилиниши психологик билимлар босқичма - босқич тараққиётни акс эттиради.

Тарихий психологик таҳлил принциплари

Тарихий тадқиқотлардаги энг муҳим принцип - тарихийлик принциpidир. Бу принцип тадқиқотчидан ўрганилаётган ҳодисанинг шу даврнинг ҳамма ўзига хосликлари, ижтимоий-маданий алоқалари, унинг бутун конкрет мазмуни билан бирга ўрганиб, ўрганиладиган ҳодисанинг қайтарилмаслиги ва ноёблигини кўрсата олишни талаб қилади.

Тарихийлик принципининг тузилиши презентизм ва антикваризмда кўринади. Презентизм - тарихий тадқиқотни ўрганилаётган даврдан фақатгина ҳозирги замон тасаввурларига мос бўлган кўринишларинигина ажратиб олиб ўрганиш билан чекланишдир. Антикваризм - аксинча тарихий ўтмишни ҳозирги замон талабларига боғлиқ бўлмаган, қотиб қолган ҳодиса сифатида ўрганади. Ўтмиш ҳодисаларни тасвирлашдаги ҳар қандай бир ёқламалик, схематизм тарихийлик принциpidан чекинишдир. Шу билан тарихий тадқиқотлар ўрганилаётган ҳодисаларнинг умумий қонуниятларини топишни талаб қилади. Бу талабни бажаришни асосан мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлигига таяниш таъминлайди. Бу принципга кўра тарихчи ўтмиш ҳодисасини шунчаки тасвирлаб қўймай, балки уни назарий жиҳатдан тасаввур эта олиши керак, яъни бу ҳодисаларда қандайдир доимийликни топа олиши керак. Тарихий психологик ғояларни ижтимоий, сиёсий йўналишни ғоявий моҳиятини аниқлашни талаб қилади. Бундай ёндашиш илмий концепцияларнинг жамиятдаги ижтимоий ролдан ажратиб ўрганувчи объективизм ва субъективизмдан фарқ қилади.

Тарихий психологик тадқиқотларда М.Т.Ярошевский таъкидлаганидек, детерминизм - сабабийлик принципи катта аҳамиятга эга. Унинг фикрича, тарихда детерминизмнинг кўплаб турлари пайдо бўлган. Механикадан олдин,

механик, биодетерминизм, психодетерминизм, социодетерминизм. Буларнинг ҳар бири психик ҳодисалар ўз - ўзидан пайдо бўлади деб талқин қилувчи индетерминизмга қарши туради.

Материализм ва идеализм кураши

Баъзи таълимотларга кўра икки дунёқараш материалистик ва идеалистик дунёқарашлар тўқнашувига таъсир этади. Психология ижтимоий фанлар ва табиатшунослик фани тўқнашувида экан, унда ана шу тўқнашув аниқ кўринади. Ижтимоий ривожланишни бир даврда одамлар рефлексларига эга бўлишди, ўз хулқини анализ қила олгач, идеализм фикрини махсус бирламчи ҳақиқат деб қабул қилди. Психика хусусиятларини идеализм бошланғич, ҳеч нима билан аниқланмайдиган, бошқа ҳамма нарсани тушунтира оладиган деб қабул қилди. Материализм онг ва объектив ҳақиқат ўртасида умумийликни ахтариб, онгни объектив ҳақиқатдан чиққан деб ўргатади.

Диалектика

Ҳақиқатни ўрганиш қийин ва қарама-қарши характерга эга. Ўрганиш диалектикасининг кўринишларидан бири кризис ҳолати ва илмдаги революциядир. Психология ҳам шу кризис ва революциялардан ўтди.

Узоқ вақт буржуазия тарихшуносларида икки хил ёндашиш ҳукмронлик қилган: «персоналистик» ва «контекстик».

Персоналистик ёндашиш

Илмий гипотезалар, кашфиётлар, адашишлар ўз авторларига эга, уларни номаларини тарих сақлаб қолади, шунинг учун фактни ривожланиши охириг нуктаси айрим шахсларни ақл идрокига боғлиқ, деган фикр пайдо бўлди.

Контекстик ёндашиш

Кўп фактлар шуни билдирадики, илмий ғояларнинг йўналиши объектив қонунга тобе, якка омил - ўз замонини намоёндаси, у ўз замонини интеллектуал иқлимида чегараланиб қолган. Кашфиёт - уни тайёрловчи ғояларсиз бўлмайди.

Контекстик ёндашишни тарафдорларидан кўзга кўринган америкалик психолог Э.Борин, илм-фан тарихи Л.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарида улуғ кишиларни: «тарих қуллари» деганини қўллаб-қувватлайди. Уларни номлари даврни, мактабларни, оқимларни, муҳим тарихий эпизодларни фарқлашда ишлатилган тамғалардир. Яна бир америкалик психолог «персоналистик» ва «контекстик» ёндашишлар бир-бирини тўлдиради, деб ҳисоблайди. Тарихда улуғ кишилар бор, аммо улуғ воқеалар ҳам бор. Икковлон бир-бири билан чамбарчас бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Аммо замон руҳини роли катта, чунки инсон қанчалик улуғ бўлмасин, замон иқлимидан узоқроқ бўлса, ном-нишоноиз йўқ бўлади. «Контекст» концепцияси унинг асосий тушунчасини ноаниқлигидан муҳим тушунтириш аҳамиятига эга эмас: «Интеллектуал иқлим», «Замон руҳи», «Социал маданий атмосфера» бундай ноаниқ детерминантларга мурожаат қилиш бизни на илмий фикр ривожлантириш ҳаракатини ва на объектив тарихий логикани тушунтиришда олға силжитади. Бир контекстни иккинчиси билан алмаштириш илмий натижани йўқ қилиб, «контекст» ёндашишдан

кониқмаслик психологияни ўрганиш тарихини бошқа усуллар билан ахтаришни мажбур қилади.

«Жуфтларни қарама-қаршилиги» принципи

Психологик ғоялар ҳаракатини умумий чизиқларини аниқлашда схемаларга асосланилса ҳаракат қарама-қаршиликка эга дейилади. Буни америкалик тарихшунос «қарама-қаршилиқ жуфти» деб атади. Бир неча назариялар таклиф қилинди. Г.Мерфи психологик ўрганишларни XX асрнинг 10-20-йилларида тўрт «қарама-қаршилиқ жуфт» ларга бўлди:

1. «структура - функция»
2. «қисман бутун»
3. «сифат - сон»
4. «экспериментал - статистик»

XX асрнинг 10-йилларида биринчиси ҳукмронлик қилган, 20-йилларда иккинчиси деб ҳисобланган. Америка психология журналинин 50 йил давомида босилиб чиққанини анализ қилиб Д.Брунер ва Г.Олберт назарияларини умумлаштириб:

- 1.«рационал - эмпирик»
- 2.«теологик- механик»

3. «сифат - сон» деб ажратдилар. Улар ҳар жуфтни иккинчи қисмини вазни босиб чиқишини ҳулоса қилдилар. Кейинчалик Г.Олберт назарияларни икки гуруҳга ажратди:

- а) детерминизм принципига амал қилувчилар;
- б) шахсни келажагига ориентация қилишга акцентрация қилганлар.

Психологик системалар суперназария сифатида

Психологияни ривожлантиришда олимлар бир хусусиятни аниқладилар, шунинг учун унинг фактини ва характеристикасини тасвирлаш билан бирга системалар тўғрисидаги тушунчани киритиш керак деб ҳисоблашди. Психологик системалар «суперназария» (суперназария) деб номланади. Уларни пайдо бўлишини бир қатор муаллифлар психологияни теоритик етилмаганлиги билан боғлайдилар. 1933йилда америкалик психолог Эдна Хайдбредер «Фан спекуляциядан ўзини тияди, факт билан тасдиқланмагани керак эмас. Аммо психология фанига ягона мустаҳкам системани яратиш учун умуман фактлар етарли эмас» - деб ёзади.

40 йилдан кейин бу фикрни яна эслаб америкалик психологлар Мелвин Маркс ва Вильям Хилкс у хали кучдалигини тасдиқлашади. Бу муаллифлар фикрича, система функцияси «директивдир». Бу система психологга қайси объектлар билан ва қайси метод билан ишлаш кераклигини кўрсатади. Ўз-ўзича системаларни характеристикасини «суперназария» сифатида тасвирлаб беради холос, уни келиб чиқишини, ролини очмайди. Қарама-қаршилиқ ҳолатида системаларнинг ҳар бири ўз фанини тасдиқлар, ўз ишлаш усулига эга эди. Шундай қилиб ўрганилаётган қисмларнинг бирлиги йўқ бўлар эди. Психологияни бирлик сонида гапириш мумкин эмас. Мариенсон томонидан босилган китоблар «1930 йил психологиялари», «1925 йил психологиялари» деб аталади. Ўша даврда психологлар кўп эди ва уларни сони ҳам кўпаяётган эди.

Парадигмал ёндашиш.

Кун Томас «Илмий революциялар структураси» китобида кўпчилиكنи ўзига жалб қилган илмий ғояларни табиий ҳаракати системасини кўрсатди, унда ҳаракат бир неча даврга бўлинган. Бошланғич даврда баъзи омиллар чегараси, муаммоси усулида умумий келгани йўқ. Аммо фан онг юқори етилиш даражасига борганда парадигма пайдо бўлади, бу парадигмани актуал илмий амалиётини умум қабул қилган намунаси деб танилади. Парадигма Кун Томаснинг айтишича, етарли кучга эга, шунинг учун узоқ вақт олимларни аклини асир қилади, олимларни альтернатив йўналишларини ахтаришда адаштиради. Педагогика ўзга қонунларни, теоритик ҳулосаларни ва уларни янги масалаларини киритади. Вақти келгунича шу фанда ишламаётганлар ушбу парадигмага амал қилиб келдилар. Тўғри келмайдиган фикрларни эътироф этадилар ёки шу қонунга мослаштирадилар. Аммо бу фактлар уни кучсизлантиради ва кризис яратади. Предпарадигмал даврга ўхшаш даврга келиб қолинади: мактаблар келишмовчилик, теоремаларини тўкнашуви, «нормал фан» даври тугайди. Революция бўлиб янги парадигма ҳукмронлик қилади. Парадигма тушунчаси илмий ҳамжамият билан боғлиқ. Мактаб ва системаларни пайдо бўлиши, Кун Томаснинг фикрига кўра, ҳамжамиятни ва парадигмани бузилиши демакдир.

Д.Палермо психологияга Кун Томаснинг анализини ишлатиб уни тарихий йўлини икки парадигмага ажратди; «интроспекционистик» ва «бихевиористик» деган фикрни айтди. Биридан иккинчисига ўтиши илмий революция демакдир. Ҳозир бихевиоризм кризис ҳолатида, навбатда уни бошқа парадигма алмаштиради, эҳтимол «**Хомикей**нинг парадигмаси» дир, дейди. **Л.Брикман** психологияни энг янги тарихини бундай таърифлашга қарши чиқиб, интроспекционизм ҳам бихевиоризм ҳам умуман олганда илмий даражада эмас, улар психологлар учун текширувчи практика модели бўлиб қолмайди дейди. Психологияни «парадигмал фан» деб аталишига М.Маркс ва В.Хилкслар сабаб бўлди. Улар бу фанда бир неча парадигма ҳаракат қилади ва уларни ичида америкалик бихевиорист Скиннернинг «оперант шартлашиш» парадигмаси олдинда деган фикрни билдиришди. Бир асрда бир неча парадигмаларнинг ҳаракат қилиш ғояси Кун Томаснинг «нормал фан» образини бузади, парадигма тўғрисидаги тушунчани ҳам бузади. Бу тушунчани мазмуни шундаки, жамият намунасини ажратиб чиқариб уни атрофида ҳамма омилларни бир жамиятга бирлаштиришдир. Кун Томас концепциясида ижтимоий-иқтисодий омилларни фанни ривожлантиришга таъсир қилиши ҳамда илм фаннинг ривожланиш даврида ворисликни тан олмагани учун ҳаққоний танқид қилинди.

«Буйруқлар концепцияси»

Роберт Уотсон Куннинг парадигмал критериясини қабул қилиб психологияни предпарадигмал фанларга қўшди, чунки психология бу критериялар таъсирига чидамади. Шу билан бирга Уотсон психологик ўрганишни тузилишида ва динамикасида бошқа вариантларини топишга уриниб кўрди.

Бруневик схемаси

Баъзи психологик системаларда «концепциал фокус» деган фикрда Этан Бруневик «организм ва уни муҳити» умумий схемасидан чиқиб келиб асосий психологик концепцияларни классификация қилишни таклиф қилди. Бу схемани асосий компонентлари шундан иборат:

- А- организмнинг узоқ ўтмиши;
- В- организм атрофидаги физик моддалар;
- С- проксимал стимуллар;
- Д- организм;
- Е- тўқималар ҳаракати;
- Ј- организмнинг муҳитини ўзгартириши;
- З- фаолиятни узоқ, кейинчалик фаолияти;

Бу умумий схемани **Бруневик** алоҳида тарихий шаклланган йўналишлар билан мослаштиради. Структурализм (психологияни вазифасини онгнинг асосий элементларини таниб улар орасидаги боғланиш структурасини аниқлаш концепцияси) ва гештальтизм (онгни бутун ўзгаришини тушунтирувчи концепция) проксимал стимуллар-организм муносабатлари билан чегараланиб қоладилар.

Классик бихевиоризм (психология предметини стимулларга ҳаракат реакцияси деб ҳисобловчи) «проксимал стимуллар - проксимал реакциялар» боғланиш билан чегараланади (а-А). Фрейдизм организмни узоқ ўтмишга боғлиқлиги билан чегараланади (С-0). Функционализм муҳит объектларини улар билан операция қилиш муносабатини назарга олади (в-А). Бу схемани эътиборга олиб Бруневик ҳар бир саналган назария бутун жараёни бир фрагменти деб ҳисоблайди, аммо психология тарихини англаш учун Бруневик схемаси талабга жавоб бермайди: генетик сабаби ва назариялар бузилишини тушунтириб бермайди.

«Систематология» даниялик олим **К.Мадсен** фанни ўзини илмий анализ қилиш кераклигини гапириб психологик назарияларини солиштириб ўрганиш кераклигини, уни «систематология» қилишни таклиф қилади. Назария деб у швед файласуфи Г.Гернебодан сўнг «илмий текст» ёки фикрлаш (ёзма, оғзаки), метоназария деб - шу текстни теоритик анализини тушунамиз дейди. Текстни яратганда бир неча даражани таклиф қилади:

- а) дискриптив (тасвирловчи);
- б) гипотетик (тушунтирувчи);
- в) метастрата, бунда текстнимуаллифи билим, ҳақиқат, метод, модел тўғрисида ўз фикрини билдиради.

«Систематология» асосига Мадсен «фикрлаш эканомикасини» қўйди. Бу адаштирувчи ишонч, чунки кўз билан кўрилган ҳақиқатни билдиради, ҳақиқат илмий билимни мазмунини ташкил қилади деб адаштиради. Материалистик диалектика позициясидан психологик ўрганишни илмий категориал анализ қилиш имконияти пайдо бўлади. Категориялар - фикрни энг умумий бузилмас, ўзаро боғланган иш ташкилотчилари ҳисобланади. Улар ҳақиқатни фаол тасвирланишидир. Фалсафий категориялар илми (форма ва мазмун, сон, сифат ва бошқалар) грамматик категорияларга ўхшаб узоқ тарихга эга.

Конкрет фаннинг категориясига келганда бир фан соҳасида ҳам яхши ўрганилмаган. Илмий категория усуллари ҳали ишлаб чиқилмаган. Категориал ёндашиш илмий ғояларни ўрганиш динамикаси келажакда кенг имкониятлар очади. Фан тарихини муаммоларини ўрганишда категориал ёндашишни куйидаги антитезаларга тўлдирувчи сифатида тушунтиради.

Мазмунан - формал.

Олимнинг ўз улушини илмга қўшиши қайтарилмас бўлганлиги учун тарихчини вазифаси бу улушни махсус хусусиятларини тасвирлашдан иборат. Конкрет воқеаларни қайтадан ўзгартириб тарихчи уларни бошқалар билан солиштирмай, разрядга тақсимламай баҳолай олмайди. Бу икки бўлинмас тарихий фикрни операция қилиш назарияларда ўхшаш эмасликлари билан акс эттирилган. Назарияларда мазмунига ёки «формасига» эътибор кучайтирилган. Буларда мазмун тарихий қайтарилмас воқеаларни мослаштирган, формал эса принциплар ва конструкциялар билан мослаштирган.

Индивидуал - социал.

Илмий ўрганиш бошидан социалдир. Шу билан бирга ҳар бир ўрганувчи шахс ўз дастурига эга ва ҳеч ким етолмаган мақсадга интилади. Аммо ҳаммани бошқачалигини тан олиш маъносиз бўлар эди, агар умум қабул қилинган ҳисобот системаси бўлмаса категория системаси жамоани ижоди ва бойлигидир. Назариялар муаллифини санаб бориши мумкин, аммо категориялар «тилга» ўхшаб номсиз, улар бутун олимлар томонидан қабул қилиниб ҳар бирини фаолиятига раҳбарлик қилиб турган принцип таркибига ва тушунтириш нуқтасига киради.

Фан категорияси тарихий натижадир. Уларни мазмуни асрдан асрга ўзгаради. Категориал қурилиш ўз ривожланишида қатор даврларни ўтади.

Психология тарихининг методлари

Психология тарихидаги энг катта хавф бу тарихий материални тасвирлаш билан чекланадиган эмпиризмдир. Тарихдаги эмпиризм фактларга мурожаат қилинганлиги билан эмас, балки фактлар олдида ожизлик қилиб, уларни системага сололмаганлиги, тушунтира олмаганлиги, текшира олмаганлиги туфайли уларнинг ўз сифати, илмий қийматини йўқотиб қўйиши билан хавфлидир. Тарихий тадқиқот метод ва методикаларининг асосий вазифаси манбаларни қидириб топиш, тадқиқот мазмунини белгилаш, факт, назария, конун тушунчаларидан иборат ўрганилаётган материалларни системалаштиришдан иборатдир.

Психология тарихининг асосий методи ўтмиш илмий системаларини тасвирлаш ва уларни таҳлил қилувчи назарий реконструкция методидир. Назарий реконструкция илмий концепциялар, муаммолар, тадқиқот методларини предмет мантиқига мос равишда тарихий кетма-кетликда репроспектив қайта тиклаш имконини беради. Тарихий тадқиқот йўналишининг битта тури илмий мактаблар ҳисобланади. Архив материалларини ўрганиш, изланиш, шарҳлаш, изоҳ бериш, йўналтиришни талаб қилади.

Психология тарихида интервью методидан ҳам фойдаланилади. Биографик ва автобиографик методлар ҳам психология тарихида кўп қўлланилади. Илмий ишлардан цитаталар келтириш частотасини таҳлил қилиш ҳам тарихий психологик методлардан бири ҳисобланади. Тарихий психологик факторга муносабатини аниқлаш ва уларга баҳо бериш учун анкета методидан ҳам кенг фойдаланилади.

Психология тарихининг манбалари

Психология тарихининг манбалари бўлиб психологик билимларни тўплашни акс эттирувчи барча материаллар энг аввало ўтмиш психологларнинг файласуфларнинг асарлари ҳисобланади. Тиббиётга айникса, психиатрия соҳасига оид билимлар, шунингдек бошқа фанлар табиатшунослик, жумладан физика, химия, астрономия, тилшунослик, этнография, антропология каби фанларнинг маълумотлари ҳам психология тарихининг манбаи ҳисобланади.

Психологик билимлар тўпланишини тарихий жараёнини ўзида акс эттирган ҳар қандай материал психология тарихи манбаи бўла олади. Булар ўтмиш файласуфлари ва психологларининг илмий ишлари бўлиши мумкин. Психология тарихининг муҳим манбаи ижтимоий практика яъни тиббиёт, таълим ва тарбия, ҳуқуқий практика, моддий ишлаб чиқариш ва ҳақозо ҳисобланади. Яна бир манбаа бошқа фанлар табиатшунослик, тилшунослик, этнография, антропология ва бошқалар ҳисобланади. Бундан ташқари халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт, диний фалсафий оқим ва мактаблар ҳам тарихий психологик факторларни аниқлашда, психологик билимлар тарихий тараққиётини қайта тиклашда манбаа бўлиб хизмат қила олади. Психологик таълимот инсонга ўхшаб қадимдан маълум. Инсон ўз яқинларининг характер ва хулқиға мослашмай яшай олмас эди. Эмпирик англашдан теоретик англашга ўтиш табиий сабабларга ҳамма назорат қилинган ҳолатлар тобелиги билан боғланган. Бу принцип детерминизм деб аталади ва психикани тушунтиришда илмий характер берган. Психологик тушунчаларни биринчи системаси Аристотелни «жон тўғрисида» деган трактатида тасвирланган. Аммо мустақил фан бўлиб психология юз йил илгари шаклланган, илгари психология фани фалсафа деб ўрганилар эди. Дастлаб унга бошқа номлар ҳам берилган:

а) ментал фалсафа

б) пневматология

Психология ўтмишни фақат бу номлар остидаги китобларда, яъни фалсафадан ахтариш хатодир, чунки психология билими концентрацияси инсониятнинг ақлий ишларини кўп томонларида учратиш мумкин эди. Шунинг учун психология тарихи (мустақил фан бўлгунга қадар бўлган давр) қалб тўғрисидаги фалсафа илмига мос келмайди.

Психологиянинг ўтмиши тўғрисидаги маълумотни фақат бир-бири билан алмашган фалсафа системаси сақлаб қолмай, уни табиий фанлар айникса биология медицина, педагогика, социология каби фанлар ҳам сақлаб қолган.

XX асрда психологияни ўтмишига бир неча бор қизиқиш кучайди. XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида қизиқиш тобора кучайиб борди. Бу йиллар психологиянинг уйғониш даври деб ҳисобланади.

XX аср 10-йилларида психологияни ўша пайтда ҳукмрон бўлган метод ва фан сифатида ўрганиш системаси қаттиқ танқид қилинган. Бу фаннинг предмети бўлиб феноменлар ёки онг актлари, методи эса ўз-ўзини экспериментал назорат қилиш тўғрисидаги тушунчадан иборат бўлган. XX асрнинг 30-йиллари бошида психология капиталистик мамлакатларда яна кризисга учради. Бундан олдинги даврни асосий мактаблари тарқалди. Аммо у мактабнинг синиқ парчаларида кўплаб янгилари пайдо бўлди. Психологик ўрганишни методологик муаммоларига қизиқиш кучайди ва бир неча йирик тарихий психологик ишлар пайдо бўлди. Собиқ совет психологларининг ишларида психологик фикрни ўсиши америкалик ва бошқа чет эл тарихчиларига қараганда бошқа ғоявий - теоретик позицияда кўринган.

Таянч тушунчалар: материализм, идеализм, тенденция, бихевиоризм, интерналистик, экстерналистик ижтимоий фактор, категориал ёндашиш.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар:

1. Психология тарихи фанининг вазифалари
2. Психология тарихи фанининг даврларга бўлиниши
3. Психология тарихи фанининг принциплари

2-мавзу. Қадимги Шарқда психологик қарашларнинг пайдо бўлиши

Режа:

1. Қадимги Шарқ мамлакатларида жон ҳақидаги таълимотлар.
2. Муқаддас китобларда жон ҳақидаги таълимотлар.
3. Қадимги Ҳиндистонда Ведалар мактаби.
4. Хитойда психологик фикрларнинг пайдо бўлиши.
5. Эрампиздан аввалги V-VI асрларда психика ҳақидаги тасаввурлар.

Эрампизгача бир неча минг йиллар олдин Шарқда Миср, Ҳиндистон, Хитой каби буюк цивилизациялар пайдо бўлди ва айнан шу ерларда бошланган ғоялар тараққиёти, ҳозирги замон илмий тизимининг шаклланишига олиб келди. Айнан шу мамлакатларда жоннинг ўлмаслиги, вужудни ташлаб хоҳлаган томонга йўл олиши ҳақидаги дастлабки тасаввурлар вужудга келди.

Даставвал вужудга келган руҳ ҳақидаги тасаввурлардан бири тирик вужуд ташқи муҳитга боғлиқдир, жоннинг фаолияти эса ўз навбатида вужуднинг ҳаёти билан боғлиқ деган тасаввурлар эди. Эрампизгача IV минг йилликнинг охирида Мисрда яратилган "Мемфис теологияси ёдгорликлари"да психик фаолият механизмлари қуйидагича тасвирланади: бутун дунёнинг яратувчиси худо Птах одамлар нимани ўйлашмасин ва нимани сўзлашмасин, уларнинг

юраклари ва тилларини У идора қилади. Лекин У бундай бошқаришни вужуддаги органлар тизими орқали амалга оширади. Сезги органларининг аҳамияти шуки, "Худолар кўзнинг кўришини, кулоқнинг эшитишини, буруннинг нафас олишини юракка хабар юборишлари учун яратишган". Юрак эса онгнинг ҳар қандай турини пайдо қилади. Бошқача айтганда, айнан шу даврдан бошлаб онгли фаолиятнинг маркази юрак деган дастлабки тасаввурлар пайдо бўла бошлади.

Одамларнинг билиш фаолияти марказини аниқлаш учун юқори даражадаги эмпирик тадқиқотлар керак бўлган. Шу билан бирга "Ёдгорликлар"да сўз ҳақида айтилган фикрлар ҳам диққатга сазовордир. Маълумки, қадимда сўз буюмнинг эгизаги сифатида тасаввур қилинган, сўзга эга бўлиш, буюмга эга бўлиш билан тенглаштирилган, сўзнинг илоҳий қудрати борлиги ҳақида тасаввурлар мавжуд бўлган.

Лекин "Ёдгорликлар"да "тил - юрак ўйлаган нарсани такрорлайди" дейилади. Бундан шундай мазмун чиқадики, тил сўз орқали юракка хабар беради, юракнинг ўйлаган нарсасини такрорлайди. Бундай сабабий боғланиш "периферик-марказ" тушунчасини аслида организмнинг ички тузилиши билангина изоҳлайди. Изоҳлашнинг ушбу шакли эса қадимги Шарқ медицинаси ютуқлари билан боғлиқдир.

Сўзнинг илоҳий қудрати ҳақидаги фикрлар кейинчалик турли диний тасаввурлар доирасида янада кенгайди. Масалан, насронийларнинг муқаддас китоби "Инжил", мусулмонларнинг муқаддас китоби "Қуръони Карим"нинг Тарик сурасининг 13-оятида буни кўришимиз мумкин. "Шак-шубҳасиз у (Қуръон ҳақ билан ботилни) ажратувчи сўздир" дейилади. Ҳеч кимга сир эмаски, ижтимоий муҳитнинг шаклланаётган инсон шахсига таъсири, таълим-тарбия тизими ҳам асосан сўз ёрдамида амалга оширилади.

Ҳамма қадимги Шарқ мамлакатларида, кейинчалик қадимги Грецияда ҳам фаолиятнинг асоси сифатида қон айланиши ва ундаги ҳаво таркибига алоҳида эътибор берилган. Қадимги Миср медицинасида одам жон ато қилувчи пневмадан қувват олувчи жонзот деб таърифланади.

Хитой медицинасининг манбаи ҳисобланадиган "Ички аъзолар ҳақида" деб номланувчи китобда айтиладики, вужуднинг ҳокими мутлақи юрак бўлиб, ҳаёт фаолиятини, шунингдек психик фаолиятни ҳам таъминловчи қувват ҳавосимон бирикма ЦИ ҳисобланади. ЦИ инсонга ўйлаш қобилиятини ва ҳиссиётни ато қилади. Ўйлаш юрак функцияси, ҳиссиёт эса жигарда жойлашгандир.

Ҳинд ва Хитой табиблари темпераментни учта асосга кўра фарқлаганлар: ҳавосимон бирикма (пневма ёки ЦИ), сафро ва шиллиқ модда. Хитой медицинасида шунга кўра учта типдаги одамларни ажратишган:

1. Сафро ёки қони кўп одамлар - кучли ва йўлбарсдек жасур.
2. ЦИ кўп одамлар-ҳаракатчан, тез йиғлаб, тез қуладиган ўзини тута олмайдиган, хулқ чегараси бўйича маймунга ўхшайдиган.
3. Шиллиқ моддаси кўп одамлар - кам ҳаракатли, журъатсиз.

Ҳиндистон ва Хитойда фалсафий йўналишлар эрамикча биринчи минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўла бошлаган.

Ҳиндистон учун фалсафий фикрларнинг асоси сифатида Ведалар хизмат қилган. Ведаларда жон муаммоси биринчи навбатда ахлоқ нуқтаи-назаридан муҳокама қилинади. Инсоннинг ўз-ўзини камолотга етказиб, тўғри хулқ орқали комилликка етишиши жон муаммосининг асосий мағзини ташкил қилади. Жоннинг кўчиши ҳақида Ведаларда атрофлича фикр юритилади.

Ҳиндистонда Жайнизм ва Буддизм каби диний таълимотлар шу йўсинда шаклланган. Жайнизм вужудни жон эрксизлигининг манбаи деб билса, Буддизм жонни алоҳида мавжудлик деб тан олмайди. Уларнинг таълимотига кўра психик ҳолат бу бир-бирини такрорламайдиган дақиқалар оқими, бир-бирини алмаштирувчи ҳолатлардан иборатдир. Кейинчалик пайдо бўлган Санкхя, Веданта, Йога, Миманса, Вайшешика каби фалсафий мактабларда ҳам жонни ўрганиш асосан метафизик - ахлоқий масалаларга боғланади.

Веданта таълимоти бўйича "мен"- алоҳида интуитив онгдир, унда объект ва субъект йўқ, у чексиз фазовий онг, дунёнинг асосидир.

Йога мактаби эса илоҳиёт билан бевосита мулоқотда бўлиш учун психик фаолиятнинг ҳамма шаклларида фойдаланиш керак деб таълим беради. Йога ички психик актларни ва вужуд функцияси (вужуднинг фазодаги ҳолати, нафас ва бошқаларни) бошқаришни ўз ичига олувчи усуллар тизимини ишлаб чиқди.

Психик фаолиятни талқин қилишдаги ахлоқий йўналиш Хитой фалсафий мактаблари: даосизм асосчиси Лао-Цзи ва конфуцийчилик асосчиси Конфуций (эрамизгача 451-479 й.) мактабларида ҳам яққол кўринади.

Даосизм инсон ўз хулқ-атворини дао постулатлари асосида кўриши керак деб таълим берса, конфуцийчилик - урф-одат, анъана, ахлоқий тушунчаларга эътибор беради. Конфуций биринчи марта инсон психологиясидаги туғма ва ўзлаштирилган хусусиятлар муаммосини кўтарди. Унинг фикрича билим ва психик сифатлар туғма бўлади. Инсон ўз табиатига кўра меҳр-шафқатли бўлади, уни ташқи муҳит бузади. Демак муҳитнинг зарарли таъсирини йўқотиш учун инсон фикрини жамлаши, ўз-ўзини такомиллаштириши керак. Шу фикрни Конфуцийнинг издоши Мин-Цзи (эрамизгача 372-289 й.) ҳам ҳимоя қилган. Лекин кейинчалик бошқа шу йўналиш вакили Сун-Цзи (эрамизгача 298-238 й.) камтарлик меҳр-шафқатлилик каби ижобий ахлоқий сифатларнинг туғмалигини рад этиб, инсон ўз табиатига кўра шафқатсиз, фақат тарбиягина уни меҳр-шафқатли қила олади дейди. Унинг фикрича, агар инсон табиатан хушфёъл бўлса, унда тарбиянинг нима кераги бор? Сун Цзи инсон характери кулол лойдан ясаган кўзага ўхшайди, деб таъкидлаган.

Ахлоқий масалалардан ташқари Ҳинд ва Хитой фалсафий таълимотларида билиш фаолияти ҳақида ҳам эътиборга сазовор фикрлар шаклланган.

Ҳинд фалсафий адабиётида идрокнинг ноаниқ ва аниқ турлари ажратилади. Биринчиси предметнинг органга бевосита тегиши натижасида юзага келадиган сенсор-идрок бўлса, иккинчиси сўзда ифодаланган, бўлақларга бўлинган идрокдир.

Буддистлар аниқ идрок ақл таъсири билан бузилганлиги, субстанция, тур категорияларига амалий мақсад кўзлаб киритилганлиги туфайли ҳам энди идрок бўлмай қолади, деб ҳисоблашган.

Ҳинд психологик таълимотларида идрок иллюзияси, галлюцинациялар, туш кўриш, шунингдек юқори сезувчи идрок масалалари алоҳида ўрин эгаллаган. Миманса мактабининг вакили Бхатта таълимотича, образ реаллиги ва иллюзияси ташқи объект билан сезги органи ўртасидаги муносабатлар характеридан келиб чиқади. Агар муносабат бузилса иллюзия пайдо бўлади. Бузилиш периферик (сезги органида) бўлса иллюзия марказий бўлса галлюцинация пайдо бўлади. Туш эса онг остидаги хотираларнинг жонланишидир.

Қадим замонлардан бери турли маданиятлар ўртасида ғоялар айирбошлаш мавжуд бўлган, шунинг учун у ёки бу илмий тасаввур айнан қайси халқ томонидан яратилганини аниқ тасаввур этиш қийин. Психологик ғоялар тараққиёти қонуниятлари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бир хил. Ҳамма ерда илмий тасаввурларнинг туғилиши ва эволюцияси организмни табиатнинг бир бўлаги сифатида, тажриба йўли билан ўрганишдан бошланган. Ҳамма ерда бу тасаввурлар ғоявий курашнинг қийин босқичларини босиб ўтган.

Идеализм (фр. idealisme) – идеализм: фалсафанинг бош масаласи – онгнинг борлиққа муносабати масаласида материализмга қарама-қарши ўлароқ онг, руҳ бирламчи, моддий дунё, борлиқ эса иккиламчи, онг сезги, тасаввур ва тушунчаларнинг маҳсулидир деб даъво қилувчи ғайри илмий фалсафий оқим.

Идеалистлар материалистларга қарама-қарши ўлароқ, психика тан билан яширин йўсинда бирлашган, инсон ўлгач, танани ташлаб «нариги дунёга», ғоялар дунёсига кетиб, у ерда абадий яшайдиган моддий бўлмаган қандайдир илоҳий субстанция ёки моҳиятнинг намоён бўлишидир деб тушунадилар.

Материализм (лот. materialis – моддий) фалсафасидаги икки асосий оқимдан бири, яъни идеализмга қарама-қарши ўлароқ, бирдан бир илмий, тарихан прогрессив дунёқарашдир. Фалсафа тафаккурнинг борлиққа муносабати ҳақидаги бош масаласини ҳал қилишда материализм дунё ўз табиатига кўра моддийдир, материя, табиат, борлиқ, инсон онгидан ташқари унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, материя бирламчи ҳамда сезгиларнинг манбаидир, онг эса иккиламчи, ҳосила нарсадир, дунёни ва унинг қонуниятларини тўлиқ билиш мумкин, деб таълим беради.

Материализм фалсафий оқим сифатида эрампдан бир қанча асрлар аввал қадимги Ҳиндистон, Хитой ва Грецияда пайдо бўлган.

Эрампдан аввалги бир неча минг йиллар илгари Шарқда қадим цивилизациялар – Миср, Ҳиндистон, Хитой цивилизацияси таркиб топган. Улардаги ғоялар асосида замонавий фанлар ривожланади.

Милоддан аввалги бир неча минг йилликнинг ўрталарида Ҳиндистон ва Хитойда 2-минг йилликда пайдо бўлган «Веда» матнларига асосланади. Ведаларнинг якуни сифатида кейинчалик эр.ав 1-минг йилликда Упанишадалар пайдо бўлган. Уларда руҳ муаммоси кўпроқ этник муаммо сифатида шахсни етукликка эришишининг нуқтаи назаридан таҳлил қилинди

ва қабул қилинган умумий ғоялар, яъни руҳнинг учиб юриши унинг абадийлиги ушбу манбаларда ўз аксини топган. Шу асосда эр.аввалги 3-асрда жайнизм ва буддизм дини таълимотининг мазмуни шаклланди ҳамда руҳий ходисаларнинг тана билан бўлган муносабатига доир ўз қарашларини ифода этди. Жайнизмда тана руҳ эркинлигини сабабчиси деб таърифланган бўлса, буддизмда умуман руҳни алоҳидалигини инкор этган. Кейинчалик пайдо бўлган Санья Веданта, Йога, Миманса фалсафа мактаблари ҳам руҳни ўрганишга метафизик этик томондан ёндашдилар. Ведантада Упанишадаги идеалистик ғоялар илгари сурилди. Уларда Атаман ва Брахман ҳақида фикр юритилди. Бу фикрга кўра руҳ доим тананинг интилишлари ва ҳиссий кечинмалари ортида яширинган бўлади. Қатъий интизом орқали руҳ булардан халос бўлиб, абадий Брахман даражасига етади. Йога таълимотида эса ҳақиқий юксакликка эришиш учун психик фаолиятга тўсқинлик қилаётган томонларни бартараф қилиш керак бўлади дейилади. Бунинг учун йогалар махсус 8 оламини: аввал тана ҳаракатларини (нафас олиш гавда ҳаракатлари, кейин психик актлар) диққат тафаккурини бошқариш услубларини ишлаб чиққан. Йогалар томонидан ишлаб чиқилган сезги чегараларида нарсаларни идрок этиш, кўриш, галлюцинация, идрок иллюзияси ҳиндларнинг психологик таълимотида катта ўрин эгаллаган.

Психик ҳаёт давомида ўтиш даврлари муаммоси Ғарбий Европа файласуфларини кўпроқ қизиқтирган. Ҳеч кимни ҳиндлар каби «мен» муаммоси бунчалик кўп ўйлантирмаган. Масалан, Лаката маълумотида умуман «мен» муаммоси инкор қилинади. Улар шунга асосланадики, сезги аъзоларимиз бизга «мен» ҳақида ҳеч нарсани маълум қилмайди. Хулоса чиқариш йўли билан олинган маълумотлар эса нотўғри бўлиши ҳам мумкин.

Хитойдаги материалистик оқимнинг йирик намоёндаси Ван Чун эди. У ўзининг машҳур «Танқидий мулоҳазалар» номли асарида табиатшунослик ва медицинанинг ўша даврдаги ютуқлари асосида диний теологик ғояларни танқид қилади. Табиат қонунлари инсон руҳиятини билишда бирдан бир усул эканлигини хитойлик мутафаккир Фань Чжен ҳам ўз даврида илгари сурган. У руҳнинг абадий эмаслиги, аксинча моддий тананинг функцияси бўлгани учун ажралмаслиги ва у билан бирга йўқолиши ҳақида ўз трактида ёзган. «Тана – деб ёзади у, – руҳнинг материяси, руҳ тананинг функциясидир. Материя учун руҳ пичоқдек ўтқирдир, ўтқирлик бу пичоқ эмас. Пичоқ мавжуд бўлмай ўтқирлик бўлиши мумкин эмас. Худди шундай равишда тана ўлиб руҳ қолиши мумкин эмас» – деб таъкидлайди Фань Чжен. Шу билан бирга у руҳ фақат маълум тарзда тузилган материяга хос эканлигини айтиб ўтган.

Маълумки, эр.ав. 4-5 асрларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши жамиятнинг табақаланиши ва кулдорлик давлатларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу давлатларда руҳнинг абадийлигини, у танани тарк этиб бемалол ҳаракатланиб юриши мумкинлигини таъкидловчи диний идеология ҳукмрон эди. Шу билан бирга бизгача етиб келган манбаларда нафақат диний балки табиий билимларнинг асослари ҳам таърифланган. Нарса ва ходисаларни теологик, мифологик жихатдан тушунтиришга ҳаракат қилувчи тасаввурлар аста-секин рационализацияга учраб янги тушунчалар

билан алмаша бошлади. Худо ҳали ҳам олий ҳукмрон бўлиб ҳисобланса-да, одам ҳаётига ўтказиладиган таъсири ҳақидаги қарашлар аввалгидан ўзгариб борган.

Таянч тушунчалар: "Мемфис теологияси ёдгорликлари", пневма ёки ЦИ, Санкхя, Веданта, Йога, Миманса, Вайшешика, Даосизм, Лао-Цзи, Конфуцийчилик.

Мавзуни мустаҳкамловчи саволлар

1. Қадимги Шарқ мамлакатларида психологик қарашларнинг пайдо бўлиши.
2. Қадимги Ҳиндистон ва Хитойдаги психологик фикрлар.
3. Йога, Миманса фалсафа мактаблари

3-мавзу. Антик давр психологияси. Жон ҳақидаги психологик билимларнинг вужудга келиши

Режа:

1. Антик психология ҳақида тушунча
2. Буюк алломаларни антик психологияга қўшган ҳиссалари
3. Антик дунёда жон ҳақидаги тасаввурлар
4. Афлотун психология ҳақида
5. Арасту таълимотида жон тушунчаси

Қадимдан маданий фикр ва руҳиятлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ва ривожланган. Шунинг учун қадимий грек-римликлар ривожланишини Шарқ халқларидан ажратиб алоҳида ўрганиб бўлмайди. Инсон онги ривожлана борган сари турли ўзгаришлар содир бўлади. Секин-аста ишлаб чиқариш революцияси бўлади. Секин-аста шаҳар қишлоқдан, хунармандлар қишлоқ хўжалигидан ажрай бошлайдилар. Инсоннинг ҳаёт тарзи ўзгариши, кулларнинг кўпайиши, дарё йўлларининг очилиши қадимий греклар онгини бир неча баробар ўстиради. Қадимий афсоналарга ишониш, бир неча табиий фанлар (математика, география, астраномия, тиббиёт) билан танишиши улар онгининг ўсишига, фикр юритишига туртки бўлади.

Материалистик фикрлайдиган бир неча файласуф ва олимлар етишиб чиққан. Буларга Демокрит, Гиппократ, Анаксиманларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг изланишлари катта аҳамиятга эгадир.

Эрампдан аввалги V асрда фалсафий фикрлар марказидан бири Афина эди. Шу вақтларда донишмандликка ўргатувчи ўқитувчилар, софистлар йўналиши ривожланган. Турли муассасаларда софистлар одамларни доноликка, билимдонликка, ўз сўзларини ўтказишга ўргатишар эди. Улар ўз дарсларида инсоннинг психологик сюжетларини, инсонни бошқа инсонларга муносабатларини муҳокама қилар эди. Уларнинг фикрига қарши Сукрот ўз фикри билан чиққан. Эрампдан аввалги IV асрда Платон ва Аристотеллар илмий асарларида фалсафий психологик фикрлар системаси инсон фикрини ўсишига катта таъсир қилиши ҳақида ёзганлар.

Платон Европа идеализмини бошловчиси ҳам ҳисобланади.

Аристотель фалсафасидаги психологик фикрларда биологик йўналишлар бор эди. Аристотель дунёни ақлий фикрлари алоҳида инсонларда ер юзида бўладиган ҳодисаларда юзага келади деб тасдиқлайди.

Эллинистик йўналиши грек маданияти билан Шарқ халқлари маданиятини яқинлаштиради. Эллинистик йўналиши фалсафасига кўра жамият турмуш тарзини ўзгартириб юборади. Инсон ўзини шахсий ўрнини жамиятда топиб олади. Бир неча маданият марказлари юзага келади. Фанлар, техника, тиббиётнинг ривожланиши психологияни фан сифатида ривожига катта таъсир кўрсатади. Лукреций ва Гален каби буюк алломаларни таъсири катта бўлган. Тарихда пайдо бўлган христиан дини инсонларни илмий қарашларига қарши чиқишда эксплуататор синфга катта қурол вазифасини бажарган.

Психик табиатга оид қарашлар.

Рух ҳақида афсонавий тушунчалар ҳукмронлик қилган. Ҳар бир конкрет нарсаларни 2 та ёки ундан ортиқ руҳи бор деб тушунилган. Инсонни атрофидаги олам шу руҳлар билан боғлиқ. Рух ҳақидаги фикрлар психологик тарихга эмас, балки бутун табиатга қарашлар билан боғлиқдир. Секин-аста табиатга илмий қарашлар орқали психологик фикрлар ҳам ўзгарди ва ривожланди. Инсонлар дунёни тушунишда афсоналардан воз кеча бошлади.

Эрампиздан аввалги VI асрга келиб табиат ва инсонни тушуниш психологик фаолиятда катта бурилиш ясади. Қалб ҳақидаги греклар таълимоти, психологик қарашлар ва улар ҳақидаги билимлар жуда қизиқарли эди. Қадимги файласуфлар руҳ ҳақидаги афсоналарга бошқача йўл билан таянишар эди.

Гераклит қалбни таърифлаши бўйича: ҳаводаги намликни худди шароб ичган одамни қалбига ўхшатади. Қанчалик қалби қуруқ бўлса у кучлидир ва ақллидир. Гераклит биринчи бўлиб психология тарихида организмдаги руҳий ҳолатнинг ўзгаришини аниқлаб беради. Руҳий ҳолат ўзида ички тушуниши ва ўйлаш, шу билан биргаликда тушуниш чегарасини, ҳақиқий ҳаётни тушунишини белгилаб беради.

Гераклит изланишлари нафақат янги ҳаёт мазмунини, балки инсонни ривожини тушунтириб беради. Анаксагор (эр.ав. 500-428) оламни бир неча сифатли ҳар хил қисмлардан тартибга солинади деб ҳисоблар эди ва булар онг томонидан тартибга солинади деб таъкидлар эди. У инсон ва табиатни ўз-ўзини бошқаришига эътибор беради.

Анаксагор онгни, ақлни нарсалардан ташқари ёки фазодан ташқари ҳаракат қилади деб таъкидлаган. Лекин бунга Платон қарши чиққан. У - «Анаксагор онг ҳақида гапирганда бошқа йўлга кириб қоляпти» деб айтган. Лекин Анаксагорнинг илмий асарларида бундай чекинишлар йўқ. Анаксагор шундай ҳисоблар эди: қанчалик инсон танаси ривожланган, тўлиқ бўлса шу организмда ақл - онг мукамал бўлади.

У «Инсон жонзотлар ичида энг ақлли ҳисобланишига сабаб уни 2 та қўли борлигидадир» деб айтиб ўтган. Лекин бу таълимотга Аристотель қарши чиққан. Анаксагор фикрича, «ақл», «онг» ўзида танани кўрсатади. Шунинг

учун қалб материалистик томондан иккинчидир. Анаксагор детерменизм принципини тўлиқроқ тушунтириб берган.

Демокрит (э.р.ав.460-370) Левкиппдан кейин оламнинг атомистик моделини яратди. Бутун коинотда, кенгликда, бутун оламда ўзгармас қонунларга биноан шарсимон бўлинмас ўт атомлари ҳаракатдадир, қайсики улар қалбни яратади. Шундай қилиб қалб моддалар ичида унинг бир туридир.

Тарқалиш, йўқолиш ҳақидаги физик қонун танага тегишлидир, шунга кўра Демокрит қалбнинг барҳаётлигини тан олмайди.

Бу йўналишларга қарши қалбни барҳаётлигини ёки бошқа қалбга айланишини афсонавийликка яқинлигини ёқлаб бир неча мактаблар чиқди. Қадимги Римда икки мактаб Пифагор ва Платон мактаблари. Бу мактаблар қалбни доим барҳаётлигини, доимо айланиб юришини, яъни диний томондан ҳам таъкидлашар эди. Буларни фикрича қалб танага бир жазо сифатида маҳкамлаб қўйилган. Оламни яратилиши Пифагор томонидан шундай таърифланади: олам нарсалардан эмас, балки арифметик-геометрик структурага эга. Ер юзида барча нарсалар - ҳаракатдаги нарсаларни ҳаммаси рақамли ҳолатларни, қиёфани кўрсатади. Қалб ҳам-гармония-танача қарама-қаршилиқ гармониясидир. Пифагор мактаби 200 йил яшади. Бу мактаб фикрловчилари сон ёки рақамни нарсалардан ажралмас деб ҳисоблар эдилар. Лекин сонлар нарсалардан алоҳида ажралди.

Сукрот (э.р.ав. 470-399) у кўчадами, бозордами қанақа вақт бўлишига қарамай, инсонларни қизиқтирган саволларига жавоб берарди. Сукрот бошқа файласуфлардан фарқ қилиб, берган маслаҳатига пул олмас эди. Унинг мухлислари турли касб эгалари бой ёки камбағал синфидан эди. Сукрот фаолиятида суҳбатдошига ўзи танлаган бир неча саволлар билан мурожаат қилар ва саволларга аниқ тўғри жавоб беришга ёрдам берар эди.

Сукротни шиори «Ўзингни ўзинг ўрган, бил» бўлган, лекин бу фикри билан Сукрот психологияда биринчи бўлиб тан олиш методикасига таянган эмас. Ўз таълимотига кўра Сукрот ўз ички ҳис-туйғуларни билишга эмас, балки инсон ўз қилмишларини ўз юриш-туришини анализ қилишни тушунтириб беришни тушунган эди. Сукрот фикрига кўра, инсонни ўз-ўзига муносабати интеллектуал ахлоқий сифатларни намоён қилади.

Платон (э.р.ав. 428-348) қалбни янгича талқинини яратди. Платон материализмга қарши қарашлари фалсафий қарашларида сиёсий тус олган. Ёшлар материализмдан худосизликка йўлиқди ва жамият дарз кетади деб таъкидлар эди. Платон ҳақидаги бир неча асарлар тўлиғича етиб келмаган. Платон асос солган фалсафий ғоя бошқа заминда ривожланди.

Платон академиясига киришда шундай сўзлар ёзилган эди. «Геометрияни билмайдиган бу ерга кирмайди». Геометрик фигуралар бир томонда сезилади, ҳис қилинади ва кўрилади. Платон ўз устози Сукрот ўлиmidан кейин Сукрот юртига Жанубий Италияга саёҳат қилди. Сукрот мактабларида бўлиб диалектик метод суҳбат қилишни ўрганди.

Ғоялар биринчидан қайсики инсон яшаётган воқеаликда, иккинчидан реал эмас. Ғоя-инсон ақл - заковати меваси эмас, балки ақл - заковати ғояга тақлид

килади. Платон фикрича: ғоялар, фикрлар фазовий онгга қарашлидир, қалб олами эса буларни ҳаммасини - ғоялар ва материяларни бирлаштиради.

Аристотель (эр.ав. 384-322) Платоннинг шогирди булган. У Кичик Осиё шаҳарларида илмий ишлар ва ўқитиш билан шуғулланган. Аристотель биология билан шуғулланар эди. У организмга биологик, генетик ёндашди ва табиатни психик томонидан тушунди. Аристотель «қалб» ҳақида шундай фикрга келди: қалб тирик жонзотларнинг бошланиши, танани ҳаётга тайёрлигини белгилайди. Уни талқини бўйича «қалбни танадан ажратиб бўлмайди». «Қалб-бу тўлиқ ишловчи организмдир». Аристотель «Қалб ҳақида», «Ҳайвонлар қисми ҳақида» асарларида ва кичик психологик иншоларда «хотира ҳақида», «туш кўриш ҳақида» ўзини психологик тушунчаларини ёзиб кўрсатди.

Уни фикрича, рух ҳаёт принципи сифатида биринчи ўринда туради. Рух орқали бошқариладиган органик ҳодисалар, ноорганик дунёга қарама-қарши қўйиларди. Бошқа қутбда эса қайсики ҳодисалар улкан қобилият, яъни идрок ақлга қарама-қарши қўйилган эди. Бу икки йўналишни бирлигини тикламоқ учун Аристотель издошлари курашишди. Бу изланишлар қадимги Римда фалсафий-психологик таълимотларда катта ишлар қилинишига сабаб бўлди. Энг катта ютуқлардан бири психологик ҳодисаларни тушунтиришда Аристотель биопсихологияси катта ютуққа эгадир, қайсики у ўзида учта йўналишни бирлаштирди: Гераклит, Демокрит, Анаксагор. Аристотель жонли табиатни организмни турли даражада ривожланишига ўхшатди. Демокритни шогирди, издоши Эпикур Демокритга тушунча, қалбни, умумбиологик ҳодисадан психологик ҳодисаларни бир-биридан ажратиб берди. Қалб 4 элементдан ташкил топган. Уларни ҳар бирини ўз вазифаси бор.

Олов-иссиқлик манбаи

Буғланиш-ҳаракат

Шамол-совуққонлик

Номсиз элемент-қалб

Булар ҳаммаси психологик фаолиятни намоён қилади. Эпикур шогирди Лукреций номсиз материяни номлаш учун термин топди. Бу-рух қалбдан фарқ қилади. Бу тушунчани Лукреций «Аёллар табиати ҳақида» асарида ҳаракат турини, фарқини бир бутун «атомли» дунёда тушунтириб берди. «Қалб» Лукреций таърифи бўйича: актив фаолиятли танани ўзига бўйсундира олади унинг бундан идрок келиб чиқади.

Кейинги қадамлардан бири бу «онг» тушунчасининг келиб чиқиши. Римлик врач Гален онг тушунчасини ҳар томонлама тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Нерв-психологик фаолиятни анализида бизга таниш «пневма» бўлади. Стоиклар (таъсирида тарбияланган Гален) пневмани 2га ажратишар эди. «Психик» ва «ўсувчи» сезги органларига таъсир органидаги «психологик пневмани» ҳолатини ўзгартиради, лекин бу шахсни ўз-ўзига ҳисоб беришига камлик қилади. Қалб юқорига худога ёки пастга материал дунёга йўналмайди, балки ўзига-ўзи, ўз қобилият фаолиятини қабул қилади деб таъкидлаган эди Платон.

Августин фикри ҳам Платон фикрига яқин туради. Унинг фикрича, қалбни мустақил ҳаракати бадандан ташқари, лекин уни қуроли сифатида қўлланилиши психик тана бўлишидир. Қадимги вақтда қалб ҳақида бир неча катта изланишлар бўлди. Қалб-бу олов, ҳаво рақам ҳаракатланувчи. Қалб деганда инсон яшаш учун керакли нарсалар эмас, балки бутун тирикчилик, ҳаёт тушунтирилган. Ҳозирги замон тили билан гапирганда психология физикани бир қисми деб тушунилган. Инсонни фазо билан узлуксиз боғлиқлиги куйидаги тушунчани аниқлар эди.

Психика-онг-идрок.

Хотира зехн эмас, бу эсталиклар холос, балки қалбни олдинги ўзини ҳаракатларини эслашдир. Лекин қалб бажарган ҳаракатларни эслашга эга эмас. Қалбга ҳозир бажариладиган вазифалар, сезиш ва интеллектуал ҳаракатлар ҳам хосдир. Шу билан бирга Платоннинг фикрича, афсоналар биз учун қимматлидир.

Бизга психология тарихи курсидан маълум бўлишича, қадимги грек-римликлар ҳаёт тарзи секин-аста ишлаб чиқариш революцияси муносабати билан уларни онги ривожлана борган сари турли ўзгаришлар содир бўла бошлади. Афсоналарга ишониш эса бир қатор табиий фанлар билан танишиш уларни онгини янада ўстиришдир. Ҳар бир даврнинг ўзига хос файласуф ва олимлари бўлгани туфайли, мана шу даврда Демокрит, Гиппократ, Анаксиманлар изланишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари Платон ва Аристотель илмий асарларида фалсафий психологик фикрлар системаси инсон фикрини ўсишига фикрлари алоҳида, аниқ инсонларда ер юзида бўладиган ҳодисаларда юзага келади деган фикрлар мавжуд эди.

Ҳар бир олимни «қалб» ҳақида берган тушунтиришлари ҳар биримиз учун қимматлидир. Чунки психология тарихида фақат «руҳ», «қалб», «онг» талқинларигина ўрганилмаган, балки ўша қадимги даврдан то биз яшаб келаётган давримизгача инсонлар ҳаётида қандай психик (руҳий) ҳолатлар содир бўлганлиги баён этилган. Бизнинг вазифамиз эса мана шу психология тарихига асосланган ҳолда бундан ҳам кўпроқ изланишлар олиб бориш деб ўйлаймиз.

«Психология фан сифатида руҳ ҳақидаги таълимотдан бошланиши керак эди. Руҳ ҳақидаги таълимот одамзот томонидан илгари сурилган биринчи илмий гипотеза»дир деб ёзади Л.С. Выготский. Анита - руҳ ҳақидаги қарашлар ибтидоий жамоа давридаёқ мавжуд бўлган бўлсада эр. ав. асрда табиат ва инсон ҳақидаги тасаввурлар туб бурилишга учраб, антик оламда дастлабки руҳ ҳақидаги илмий фаразлар пайдо бўла бошлайди. Илмий психология ва ундаги барча муаммоларнинг боши шу ердадир.

«Қайси йўллар билан бормагин, барибир руҳнинг чегарасига боролмайсан» деган афоризм билан эфеслик Гераклит (эр. ав. 530-470) индивидуал руҳ ва коинот бирлиги ғоясини илгари сурди. Унга кўра барча нарса асосида олов ётаркан. Организмдаги олов учқуни психологиядаги - руҳдир. У «оловли ва нам» ҳолатда бўлади ва маст одам қаерга кетаётганини билмайди, чунки унинг психикаси намдир» - деб ёзади Гераклит. Унинг таъкидлашича руҳ намини умумий логос қонунлари билан белгиланади. Бу

фикр билан Гераклит барча психик ҳодисалар моддий дунё қонунларига бўйсунганини таъкидламоқчи бўлади. Детерминизм принципини жуда содда кўринишда таърифламоқчи бўлади. Лекин унинг ғоялари психик ҳаётни ҳамма эшикларни очишга калит бўла олмас эди. Гераклит ўзидан олдин ўтган милет мактаби файласуфлари Фалес, Анаксимандр, Анасименларнинг руҳ бўлинмаслиги тўғрисидаги фикрларини издоши ҳисобланади.

Гераклитдаги руҳ учкунлари кейинчалик Демокрит (э.р.ав.400-370)нинг таълимотида «оловли атомларга» айланди. Демокрит ва унинг устози Левкипп (э.р. ав. 500-440) атомик материализм назариясини илгари сурдилар. Унга кўра барча нарсалар 2 та асосдан - бўлинмас ҳаракатчан, шарсимон ва енгил атомлардан ва бўшлиқлардан пайдо бўлади. Бу атомнинг энг ҳаракатчанлари, яъни олов атомлари руҳни ҳосил қилади. Яна бир грек мутафаккири Анаксагор (э.р. ав. 500-428)нинг барча нарсалар гамеомерий номли майда моддалардан ташкил топганлиги ва уларнинг ақл билан ва яъни руҳ билан бошқарилиши тўғрисидаги фикри ҳам Демокритнинг атомик қарашларига ўхшайди. Сочилиб кетишидан иборат физик қонунни тана учун ҳам тааллуқли деб ҳисоблаб, Демокрит руҳнинг абадийлигини инкор этади. Демокрит руҳнинг тана ҳаракатининг сабаби деб билади. Унинг ёзишича, руҳ оғир танага кириб ҳаракатга келтиради. Тана ўлгандан кейин эса у фазода тарқалиб кетади. Биз нафас олганимизда руҳни ташкил этувчи атомларни ютиб нафас чиқарганда руҳимизни бир қисмини ташқарига чиқариб юборамиз. Шу тариқа руҳимиз доимо енгиллашиб туради, деб ҳисоблайди Демокрит. Унинг фикрича ҳамма нарсанинг ҳатто ўликнинг ҳам руҳи бор, фақат жуда кам. Демокритнинг бундай фикри панпсихизмга яқинлашиб қолади. Танадан ташқари руҳ бўлиши мумкин эмас, деган умумий ҳукм чиқарди. У нафақат тана ва руҳ бирлиги балки руҳнинг ўзи тана эканлигини таъкидлайди. «Агар руҳ танани ҳаракатлантирса, демак унинг ўзи тана қисми» деб ёзади. Демокрит, Эпикур, Лукреций, кабилар Демокрит руҳ ҳақидаги тасаввурларни ривожланишини давом эттирдилар. Лекин Эпикурга кўра руҳ атомлардан эмас, ўзгармас 4 элементлардан: олов - иссиқлик асоси, буғ - ҳаракат асоси, шамол - совиш, номсиз 4-элемент - руҳдан иборат. Эпикурнинг номсиз элементини Лукреций «А», деб атади. Шунингдек, Эпикурнинг фикрича фақат сезиш хусусиятига эга нарсалардагина руҳ бўлади.

Руҳни қанотли арава извошчига ўхшатиш мумкин. Извошчи ва отлар ўртасидаги муносабат, тана ва руҳ ўртасидаги муносабат кабидир. Платонга кўра инсон руҳининг 3 та асоси бор: 1. Ҳайвонлар ва ўсимликларга хос ақлсиз асос. У туфайли тирик мавжудот ўзининг тана эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Руҳнинг мана шу қисми билан одам сезади, очлик ва ташналикни сезади. Бу асос инсон руҳининг катта қисмини ташкил этади. 2. Асоснинг интилишларига қарши чиқади. 3. Асос азоб ва қийинчиликлар асосидир. Бу қисм билан “одамнинг жаҳли чиқади, ғолиб чиқиш учун қийинчиликларга тайёр бўлади”. Платон фикрига кўра, доим мана шу асослар ўртасида кураш кечиб, унинг оқибатлари тушларда намоён бўлади. Платоннинг тушларни тушунтириши кўп жиҳатдан замонавий фикрлардан бири фрейдизмга ўхшаб кетади. Чунки Платон ҳам уларнинг асосида майллар

шу жумладан ҳақиқий майллар ётишини таъкидлаган. Платон руҳ тана ўлгандан кейин ҳам ҳаёт бўлади деб фикр юритади. Унинг ёзишича: "Агар руҳ абадий бўлса, унда руҳ ҳақида нафақат бу дунёда балки кейинги унинг ҳаёти ҳақида ҳам қайғуриш керак. Платоннинг руҳ ҳақидаги ғоясининг етакчи қисми хиссиётлардир. Унда Платон биринчи ўринда одамлар учун роҳатланиш хисси турмаслигини айтади. Қорамол, от ва бошқа ҳайвонлар учун шундайдир, лекин одам учун 1-ўрин у ёқда турсин, 2-ўринда ҳам турмайди, хатто 3-ўринда ҳам эмас. Платон ўзининг «Филеф» диалогидида роҳатланиш, азобланиш ва ҳар иккисининг бўлмаслиги руҳнинг 3 хил ҳолатидир деб айтиб ўтади.

Антик психологиянинг энг юқори чўққиси Аристотелнинг руҳ ҳақидаги машҳур таълимоти ҳисобланади. Машҳур файласуф Гегель айтганидек, «биз психологияда эга бўлган яхши нарсалар - бу Аристотельдан олган нарсаларимиздир. Аристотель «О душе» яъни «Жон ҳақида» номли трактида руҳ муаммосини системали ўрганишга бағишланган ўз ғояларини ёритиб беради. Шимолий Грециянинг Старига шаҳрида табиб оиласида таваллуд топган Аристотель 17 ёшда Платонга шогирд бўлиб тушган. Аммо Платоннинг қарашлари йўлидан бормаган. Аристотелга кўра, руҳ органик тананинг шакли. Бу танани Аристотель куйидаги метафора билан тушунтиради: «Агар кўз алоҳида тирик мавжудот бўлса, кўриш қобилияти унинг руҳи бўлар эди. Кўриш қобилиятини йўқотган кўз аслида кўз бўлмайди, у фақатгина кўз деган номни сақлаб қолади, холос. Бундай номни чизилган ёки бирор нарсадан ясалган кўзга ҳам бериш мумкин. Тириклик руҳсиз бўлмайди. Руҳ танани тирик қилади. Тананинг барча хусусиятлари ўсиш, нафас олиш, фикрлаш асосида руҳ туради. Бошқача айтганда тана ва бошқа органлар руҳ хизматидаги қуролдир. «Тана руҳ учун мавжуддир», деб ёзади. Аристотель руҳни танадан ажратиб бўлмайди» деган қатъий хулосага келди. Аристотель барча руҳнинг характер ва хусусиятларни «энтелэхия» деган махсус тушунчага бирлаштиради. Руҳ ҳаракат қилмайди, тана ҳаракат қилади, лекин бундай тана руҳлидир. Шу тариқа Аристотель Платоннинг тана ва руҳ ажралиши, руҳнинг қисмларга бўлиниши ҳақидаги ғоясини ўткир танқид қилади.

Материализм ғоялари антик психологияда анатомия ва медицинадаги ютуқлари билан мустаҳкамлаб қўйилади. Эр.ав. 6-асрда яшаган табиб ва файласуф Олкмсон Кротонский фан тарихида биринчи бўлиб, фикрларнинг бош мияда туғилиши тўғрисидаги тахминни илгари сурди». «Медицинанинг отаси» Гиппократ (эр. ав. 460-377) Ликсеон каби тафаккур ва сезги органи мия эканини таъкидлайди. Унинг ёзишича мана шу қисм билан биз фикрлаймиз, яхши ва ёмонни ажратамиз, танамизнинг мана шу қисми билан кўрамиз. Мия соғ ҳолатда бўлгандагина биз соғ фикрлаймиз». Гиппократнинг ишлари орасида энг катта шуҳрат келтиргани темперамент ҳақидаги таълимотдир. Унга кўра, инсон темпераментини организмдаги 4 хил суюқлик: миядаги шилимшиқ модда, жигардаги сафро, қора талокдаги қора сафронинг нисбатини белгилаб беради. Қоннинг устунлиги - сангвиник темпераментига (лот. - қон), шилимшиқ модда устунлиги - флегматик темпераментига (грек - шилимшиқ модда), сафро устунлиги - холерик темпераментига (грек - сафро,

ўт), қора сафро устунлиги меланхолик темпераментига (грек - қора сафро, ўт) тўғри келади. И. П. Павловнинг айтишича, Гиппократ сон-саноксиз вариантлар ичида инсон хулқини тушунтирувчи капитал назарияга асос солди.

Александрияда маълум вақтгача ўликларни ёриб ўрганишга рухсат берилиши Александриядаги 2 та йирик табиб олим Герофил ва Эразистрантнинг янги кашфиётларига сабаб бўлди. Птолемейнинг шахсий табиби Герофил биринчи бўлиб, нервлар, пайлар ва боғламлар ўртасидаги фарқни аниқлади, кўзнинг тузилишини батафсил тарифлаб берди. Эразистрат бош миянинг тузилишини таърифлаб, катта ярим шарлардаги эгри ва бугриликларнинг кўплигидан одам ақлий жихатдан ҳайвонлардан устун туради деган фикрга келди.

Бу барча анатомио-физиологик маълумотларни римлик табиб Клавдий Гален (эр. ав. II аср) умумлаштирди ва янгилари билан бойитди. Унинг асарларидан 17 асргача кенг фойдаланилди. Ҳар хил мускулларга боровчи нервларни кесиш билан Гален хулосага келдики, тананинг нервсиз бирорта қисми йўқ, бирорта ҳаракат, бирорта ҳиссиёт уларнинг иштирокисиз кечмайди.

Экспериментлар орқали Гален орқа миянинг функцияларини ҳам аниқлади. Агар орқа мияни кўндаланг кесса, кесилган жойдан пастда жойлашган барча тана қисмлари ҳаракатчанлиги ва сезувчанлигини йўқотади, деган хулосани олим асослаб берди. Гален Гиппократнинг темперамент таълимотини янада ривожлантирди. У барча нарсаларнинг 4 хил ҳолати – илиқ, совуқ, қуруқ, ва нам ва 4 хил суюқлик 13 та темпераментни келтириб чиқаради, деган фикрда эди. Шу темпераментларнинг биттаси нормал бўлиб, 12 тасида нормадан четга чиқиш мавжудлигини Гален тушунтирмоқчи бўлди.

Кўриш гидрокини ўрганишга афиналик табиб Александр Вфродийский (139-211) катта ҳисса қўшди.

Антик мутафаккирлар томонидан тўпланган руҳ ҳақидаги таълимот кейинчалик фаннинг шаклланиши учун замин яратди.

Таянч тушунчалар: софистлар, идеализм, греклар таълимоти, детерминизм принципи, материалистлар.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Антиқ давр мутафаккирларининг психологик қарашлари?
2. Аристотель асарларидаги психологик қарашлар?
3. Гиппократнинг темперамент ҳақидаги таълимоти?

4-мавзу. Ўрта аср мутафаккирларининг психологик қарашлари. Марказий Осиёда психологик таълимотларнинг ривожланиши. Билиш жараёнлари ҳақида таълимотлар

Режа:

1. Ўрта аср мутафаккирларининг рух ва рухий ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари
2. И.Дамаскин таълимоти
3. Марказий Осиё мутафаккирларининг психологик қарашлари
4. Билиш жараёнлари ҳақида таълимотлар

Платон билан Аристотель яратган рух ҳақидаги таълимот ўрта асрларда Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ҳукмрон бўлиб қолди. Психологиядаги бу оқим кейинчалик (XVIII асрда) метафизик ёки рационалистик психология деб ном олади.

Психология шунинг учун ҳам метафизик деб аталадики, унинг текшириш предмети бўлган – рух психик жараёнлар – физик ҳиссий дунё чегарасидан ташқарида мавжуд моҳият, ғайри жисмоний бир нарса деб тушунтирилади; шунинг учун ҳам рационалистик деб аталадики, унинг текшириш методи тажрибадан ажратилган фақат қуруқ мулоҳазадан иборат эди.

Ўрта аср мутафаккирларининг рух ва рухий ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари, асосан, рухнинг моҳияти ҳақидаги, унинг кучи, қобилиятлари ва келиб чиқиши ҳақидаги, унинг тана ўлгандан кейинги тақдири ҳақидаги, рухнинг танага бўлган муносабати ҳақидаги масалаларга қаратилган эди.

Рухнинг моҳияти ҳақидаги масала, одатда, Платон ва Аристотелларда қандай ҳал қилинган бўлса, худди шундай ҳал қилинар эди. Рух ўз табиатига кўра барча моддий ва жисмоний нарсаларга қарама-қарши қўйилар эди. Рух ўз табиатига кўра алоҳида қобилиятларга эгадир, деб фикр юритиларди.

Шунингдек, ўрта аср мутафаккирлари ирода масаласига ҳам алоҳида эътибор бердилар.

Масалан, Августин Иппонский (353-430 й.) биринчи бўлиб кишининг бошқа рухий қобилиятлари орасида ироданинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида фикр юритган. Ироданинг устунлиги ҳақида, айниқса, Дунс Скотт (1265-1308 й.)нинг таълимоти жуда яққолдир. Унинг айтишича, ирода ақлдан ҳам юқори туради.

Бутун ўрта аср тарихи мобайнида, ундан кейинги вақтларда ҳам, фалсафа ва психологияда ирода эркинлиги ҳақидаги тортишув жуда катта ўрин эгаллади. Бу масала бўйича V асрдаёқ иккита оқим – детерминизм ва индетерминизм пайдо бўлган.

Детерминистлар (лат. *determinare* – белгиламоқ) инсон иродаси дунёдаги ҳамма нарсалар сингари сабабият қонунига бўйсунди, бинобарин, инсоннинг барча иродавий ҳаракатлари ҳам эркин эмас, балки зарурият билан, ўз сабаблари билан белгиланади деб таълим берадилар.

Индетерминистлар аксинча, инсон иродаси ва унинг хатти-ҳаракатлари ҳар қандай сабабиятдан холи ҳамда заруриятга боғлиқ эмас, деб таълим берадилар. Индетерминизм соф идеалистик таълимот эди. Детерминизмда эса идеалистик тенденциялар ифодаланган эди.

Умумий ва мавҳум тушунчалар ҳақидаги масала ҳам ирода эркинлиги ҳақидаги масаладан кам тортишувларга сабабчи бўлмайди. Бунда икки оқим – реалистлар билан номиналистлар ўртасида тортишув кетади.

Реалистлар – умумий тушунчалар («универсаллилар» ўша вақтда шундай деб аташарди) реал, объектив ҳолда мавжуддир ва инсон ақлида якка нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда акс этади, деб даъво қилдилар. Шундай қилиб, реалистлар фақат Платоннинг нариги дунё идея (ғоя)лар дунёси ҳақидаги, ҳар бир киши ақлидаги бу ғояларнинг туғма эканлиги ҳақидаги таълимотини такрорладилар, холос.

Анзельм Кентербенский (1033-1109 й.) ва Шамполик Вилгельм (1121-1170 й.) лар реализмнинг энг кўзга кўринган вакиллари эди.

Номиналистлар (лат. *nominalis* – ном, от) умумий тушунчаларни фақат предметларнинг номларидир, деб ҳисоблайдилар. Реалистларга қарама-қарши ўлароқ, номиналистлар фақат индивидуал сифатларга эга бўлган алоҳида-алоҳида нарсаларгина реал мавжуддир деб даъво қилганлар. Умумий тушунчалар эса фақат биз бутунликка кирадиган предметларнинг ҳаммасига татбиқ қилинадиган сўзлардир. Номиналистларнинг таълимотларида баъзи бир ўрта аср мутафаккирларининг материалистик тенденцияларида ҳам ифодаланган. Номинализмнинг энг кўзга кўринган вакиллари И.Росцелин (1050-1125 й.), Дунс Скотт (1265-1308 й.), Вильям Оккам (1200-1349 й.)лар эдилар.

Айрим психик жараёнларни тушунтиришда ҳам баъзи бир психологларда материалистик элемент ва тенденциялар намоён бўлди. Масалан, Ўрта Осиёлик шифокор ва файласуф Ибн Сино (980-1037 й.) ва араб мутафаккири Ибн Рашид (1125-1198 й.)лар Аристотелга эргашиб, «сезувчи руҳнинг ҳаракатланувчи ва жозибадор кучларини» ўрганиш учун ҳаракат қилдилар. Улар сезгиларни келтириб чиқарган кўзғовчилардан фарқ қилиш зарурлиги ҳақидаги масалани кўядилар, онг фаолияти билан физиологик жараёнлар ўртасида яқин алоқа ва боғланишлар ўрнатишга интиладилар.

Қадимги Россияда китоб маданияти бошланиши билан (X-XI асрларда) психология соҳасида Ғарб ва Шарқ мутафаккирларида қандай таркиб топган бўлса, худди ўша ҳолда фикр ва билимлар тарқала бошлайди.

Бу билимларнинг энг муҳим манбаи Византия мутафаккирлари Иоганн Дамаскиннинг (673-777 й.) грек тилидан славян тилига таржима қилинган «Диалектика» ва «Ҳақиқий имон ҳақида» номли асарлари эди.

И. Дамаскин таълимотига кўра, руҳ алоҳида илоҳий субстанциядир. У сўз, ақл-идрок ҳамда эркин иродага эга бўлган ғайри жисмоний, оддий, тирик ва абадий моҳиятдир. Айни вақтда руҳ инсон танаси билан бирикиб битта мавжудотни ташкил қилади. Уни инсоннинг ўсиш ва кўпайиш каби функцияларидан ажратиш мумкин эмас. Руҳ тана органларидан ўз қуроллари сифатида фойдаланади ва хулқ ҳамда хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Дамаскин руҳ танага боғлиқ: масалан, у биологик ўсишга ва бошқа ташқи сабабларга қараб ўзгаради деб таъкидлайди.

Бироқ Дамаскин руҳ ва тананинг бирлигини яширин, қандай бирлашганлиги сирли бир ҳодиса ва инсоннинг ақли буни билишда ожизлик қилади, деб ҳисоблайди. Бу фикрларда Аристотелнинг таъсири ва ҳиссаси кўриниб турибди.

Рационалистик психология фан тараққиётидаги босқичлардан биридир. Ҳозирги вақтда бу психологияни билиш тарихий жиҳатдан қизиқарли, холос. Бу психология қандайдир илмий ёки амалий аҳамиятга эга эмас. Шу психология негизида ишлаб чиқилган терминологиянигина ундан қолган мерос деб ҳисоблаш мумкин.

Ўрта асрларда психология фалсафанинг бир қисми эди. Фалсафанинг эса мустақил аҳамияти йўқ эди: у йотеологиянинг – диннинг хизматкори деб ҳисобланарди. Психологик таълимотлар ҳам шулардан келиб чиққан эди, чунки фақат мулоҳаза қилиш йўли билан диннинг баъзи қонун-қоидаларини – руҳнинг абадийлиги, одамнинг келиб чиқиши, нариги дунёдаги ҳаёт ва ҳоказоларни асослаш мумкин эди.

Биобарин, капитализм тараққиёти ва шу мунособат билан илмий методларнинг келиб чиқиши мукаммаллашуви туфайли схоластик фалсафа билан бирга рационалистик психология ҳам ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотган.

VII асрнинг охирларида Моварауннаҳр халқлари аста-секин араб халифалиги қармоғига ўта бошлайди. Исломнинг ҳар жиҳатдан мустаҳкам жорий этилиши эса асосан IX асрнинг I чорагида бошланган. Шунинг учун ҳам Моварауннаҳр алломалари араб мусулмон маданияти билан фақат IX асрнинг бошидан таниша бошлаганлар. Чунончи, Муҳаммад ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғоний Бағдод академияси «Дорул ҳикма»га IX асрнинг 16-20 йилларида келганлар. Шу вақтдан бошлаб Ўрта Осиё фани, фалсафаси, адабиёти ва маданияти таркибида мустаҳкам босқич сифатида, яъни Ўрта Осиё маҳаллий маданиятининг янги босқичи сифатида шакллана бошлаган эди. Демак, араб маданияти ва исломнинг Ўрта Осиё халқлари маданиятига, руҳиятига таъсири ҳақида ҳам худди мана шу вақтдан бошлаб гапириш мумкин.

Бу муаммони бир қанча характерли йўналишлари бўйича кўриш мумкин. Булар: Моварауннаҳр халқларининг исломга қадар бўлган маданияти ва унга исломнинг муносабати, бу халқлар маданиятига исломнинг кириши, кейин шаклланган ислом руҳияти, маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, маориф, таълим, тарбия, дунёвий фанлар, илоҳиёт, фалсафа, адабиёт, ахлоқий-ҳуқуқий ҳаёт ва унинг ислом қоидалари асосида бошқариш, меъморчилик ва бошқалардан иборат. Буларнинг ҳаммасида ислом ижобий роль ўйнайди. Бусиз у жамиятда ўз ўрнини ва кўп асрлар давомида кишиларнинг турмуши, руҳияти ва онига таъсирини сақлаб қола олмаган бўлар эди. Исломнинг тарқалиши халқларнинг исломга қадар бўлган маданияти, диний мафқураси, оташпарастлик, буддийлик, маздакийлик, монийлик билан боғлиқ бўлган дунёқарашлари йўқ қилинган эди.

Абу Наср Форобийнинг психологик қарашлари

Абу Наср Форобий Яқин ва Ўрта Шарқда илғор ижтимоий-фалсафий оқимнинг асосчиларидан бири бўлиб, «Шарқ Аристотели» деган унвонга сазовор бўлган машҳур мутафаккир. Форобий (873-950) дунёқарашининг асоси, яъни дунёнинг тузилиши ҳақидаги тушунчасини «пантеистик» деган фикр ташкил этади. Мавжудот ягона бошланғичдан поғонама-поғона вужудга келган, яккаликдан кўпликка, ранг-барангликка борган. Унинг дунёқарашдаги асосий мақсадлардан бири илмий-фалсафий усулнинг

мустақиллигини назарий жиҳатдан асослаб беришга, унинг инсон тафаккурига, ақлий билимига асосланганлигини исботлашга интилишдир.

Форобий билишнинг икки шакли босқичини - ҳиссий ва хаёлий, ақлий билишни бир-биридан фарқлайди. У сезги ролига тўхталиб, беш турга бўлади.

Форобий сезгини билишнинг манбаи деб ҳисоблаган, унинг қарашлари Аристотелнинг «сезмаган одам ҳеч нарсани билмайди ҳам, тушунмайди ҳам» деган қарашларига ўхшаб кетади.

Форобий инсон (руҳ) жонининг бир тандан бошқасига ўтиб, кўчиб юриши мумкинлигини инкор этади ва уни балки тан каби индивидуал «субстанциясининг бирлиги» сифатида тушунади. Унинг фикри изчил эмас эди. Бундай иккиланиш Аристотелга ҳам хос бўлган.

Форобийнинг руҳий жараёнлар, уларнинг билиш ва мантиқ тизими ҳақидаги таълимоти ўрта асрлар фалсафасининг катта ютуғи эди.

Ал Хоразмийнинг психологик қарашлари

Абу Абдуллоҳ ал Хоразмий ҳам Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирларидан бири ҳисобланади. Абу Абдуллоҳ ал Хоразмий дунёқарашининг муҳим томони, унинг кенг билими, илмнинг кўп жабҳалари масалаларини тушунишга объектив ёндашишга қаратилган. Хусусан, унинг тиб, одам анатомияси ва физиологияси соҳасидаги билими ҳиссий сезгининг моддий асосларини қидиришга ёрдам беради. «Шахсий руҳ - у мияда бўлиб, ундан бадан аъзоларига асаб орқали тарқалади» дейди. Ўрта аср Шарк **перипатетик**лари учун ақл билимнинг яна бир манбаидир. Улар ақлни икки турга - туғма ва орттирилган ақлга ажратишади. Хоразмий ақлни одам нафсларининг кучларидан бири деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, Абу Абдуллоҳ ал Хоразмийнинг психологик фалсафий қарашлари ўз даври илмий дунёқарашининг ривожига катта ҳисса қўшган.

Абу Али ибн Синонинг психологик қарашлари

Абу Али ибн Синонинг (980-1037) психологик - фалсафий қарашлари, илмлар таснифи, таърифи ва таркиби ҳақидаги фикрлари унинг «Тиб қонунлари» асарида инсон физиологияси ва психологияси асосида талқин этилади. Ибн Сино сезгини ташқи ва ички сезгиларга ажратади. Ташқи сезги инсонни ташқи олам билан боғлайди, улар 5 та: кўриш, эшитиш, таъм - маза билиш, ҳид ва тери сезгиси. Булар инсоннинг маълум органлари - тери, кўз, оғиз, бурун ва қулоқ билан узвий боғлиқ.

Ички сезгилар - бу умумий, чунончи, таҳлил этувчи, ифодаловчи, эслаб қолувчи (хотира), тасаввур этувчи(хаёл) сезгилардир. Ибн Сино мияни барча сезгилардан боровчи нервлар маркази, умуман инсон нерв системасининг маркази эканлиги ҳақидаги таълимотни олға сурган. Инсон тана ва жондан ташкил топади, мия инсонни бошқариб турувчи марказдир.

Ибн Синонинг илмий психологик - фалсафий фикрлари ноёб олтин ҳазина бўлиб ҳисобланади.

Абу Райҳон Берунийнинг психологик қарашлари

Абу Райҳон Берунийнинг (973-1043) фикрича, инсон ҳайвондан ақл билан фарқ қилади. Лекин инсоннинг ҳайвондан тубдан фарқ қиладиган бу

хусусияти қандай бўлганлигини тушунтирганда Оллоҳга мурожаат қилиб, инсонни худо азалдан шундай яратган дейди.

Берунийнинг руҳий ва моддий эҳтиёжларнинг роли ҳақидаги фикри ўша давр учун ниҳоятда қимматли фикр эди. У жамият юзага келишида кишиларнинг моддий эҳтиёжлари ролини кўра олади.

Берунийнинг фикрича, ақл, меҳнат, эркин танлаш инсоннинг ҳаётини ва ижтимоий ҳолатини белгилайди. Инсон ўз эҳтиёжларини меҳнат туфайли кондиради, дейди.

Рудакий (IX асрнинг 50-60 йиллари - 941) руҳ билан материянинг муносабати масалаларида идеалистик мавқеда туради. Руҳни «ота»га қиёс қилади, моддий нарсаларни «она»га ўхшатади. Унинг фикрича, барча нарсаларни яратувчи биринчи сабаби Оллоҳдир. Моддий нарсаларни ҳам инкор этмайди. Моддий нарсалар асосида тупроқ, олов, сув ва ҳаво ётади. Рудакий инсон ақл ва идрокини улуғлайди.

Умар Хайём (1040-1123) билиш назарияси унинг табиий ва илмий қарашлари билан узвий боғланган. Умар Хайёмнинг материализми, унинг динга қарши атеистик мулоҳазалари билан муштарак. Маълумки, идеалистлар ва ислом дини пешволари, шу жумладан Ғаззолий ҳам зўр бериб ердаги ҳаёт аҳамиятини инкор этишга, у дунё, жаннат ва дўзах тўғрисидаги фикрларни олға суришга интилдилар. Умар Хайём эса ислом динининг нариги дунё, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах тўғрисидаги таълимотларни рад этди.

VIII асрда исломда турли йўналишлар пайдо бўлди. Булардан мутакаллимлар, уларнинг психик таълимотига кўра ҳиссий билишнинг аҳамиятини, билимларимизнинг воқеликка мувофиқ келишини инкор этишдир. Улар нимаики ўзлари учун номақбул бўлса (ҳиссий билиш билан боғлиқ бўлган сезги маълумотлари ва билимни инкор этиш ёрдамида) ҳаммасини инкор этадилар ва уларга нимаики тасдиқлаш лозим бўлса, ҳамма тасаввур қилиш мумкин бўлган нарсага йўл қўйиш ёрдамида ҳаммасига йўл қўйиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Мутаазалийлар таълимотида муҳим масалалардан бири - инсон иродасининг эркинлиги тўғрисидаги масаладир. Инсон ўз ҳатти ҳаракатларида эркиндир. Инсоннинг эркин иродаси ҳақидаги фикр худонинг «олий қудрати» тўғрисидаги диний ақидаларга зид келади. Мутаазалийлар тақдирнинг аввалдан белгилаб қўйилганлиги тўғрисидаги таълимотни - таваккул таълимотини инкор этадилар.

Сўфизм таълимотида бутун одам худонинг мужассамланишидан бошқа нарса эмас. Худо ҳамма кўринадиган нарсаларда мавжуд. Нрсалар эса ўз навбатида худога мавжуд. Дунё - руҳ шаклида бутун оламга тарқалган худо сингари ягонадир. Инсон эса ана шу руҳнинг бир қисми, эртами кечми у билан қўшилади. Бу қўшилиш худога яқинлашишнинг асосий босқичи - шариат, тараққиёт, маърифат ва ҳақиқат олиб келади. Сўфизмга кўра худо билан қўшилишнинг ўзи - энг олий роҳат. Сўфизм худога ақл ёрдамида ишониш эмас, балки унга ички ҳиссиёт орқали яқинлашишга катта эътибор беради.

Таянч тушунчалар: детерминизм, индетерминизм, рационалистик психология, сўфизм.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўрта аср мутафаккирларининг психологик қарашлари.
2. Детерминизм ва индетерминизм оқим тарафдорларининг фикрларидаги фарқ.
3. Рационалистик психология.

5-мавзу. Онг ҳақидаги психологик тасаввурлар

Режа:

1. Онг психика мезони сифатида
2. Онгнинг тузилиши
3. Онг тўғрисидаги психологик тасаввурлар
4. Рухдан онг сари ёки Декартнинг онг ҳақидаги таълимоти
5. Спиноза психологияси

Психика воқеликнинг киши миёсида акси сифатида ҳар хил даражалар билан фарқланади. Психиканинг одамга хос бўлган олий даражаси онгни ташкил этади. Онг психиканинг, уни яхлит бир ҳолга келтирувчи шакли бўлиб кишининг меҳнат фаолиятида бошқалар билан (тил ёрдамида) доимий мулоқот қилиш жараёнида шаклланишини ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари натижаси ҳисобланади. Шу маънода онг олимларнинг таъкидлашича, ижтимоий маҳсул бўлиб, анланган борлиқдан буюк бошқа нарса эмасдир.

Онгнинг тузилиши, унинг муҳим психологик таърифи қандай? Унинг *биринчи таърифи* номининг ўзидаёқ берилган бўлиб онг, англаш деганидир. Кишининг онги бизнинг теварак - атрофимизни қуршаб турган олам ҳақидаги билимлар мажмуасидан таркиб топади. «Онгнинг яшаш усули ва онг учун ниманингдир борлиги - билимдир». Шундай қилиб, онгнинг тузилишига муҳим билиш жараёнлари кирадики, улар ёрдамида одам ўз билимларини доимо бойитиб боради. Бу жараёнлар қаторига сезгилар, идрок, хотира, хаёл ва тафаккурни қўшиш мумкин. Сезгилар ва идрок ёрдамида миёга таъсир ўтказувчи қўзғатувчиларнинг бевосита акс этиши натижасида онгда борлиқнинг ўша лаҳзада киши тасаввурида ҳосил бўлган ҳиссий манзараси гавдаланади. Хотира онгда ўтмиш образларини қайтадан гавдалантирса, хаёл эҳтиёж объекти бўлган, аммо ҳозирги пайтда йўқ нарсанинг образли моделини ҳосил қилади. Тафаккур умумлашган билимлардан фойдаланиш йўли билан масаланинг ҳал этилишини таъминлайди. Айтиб ўтилган психик билиш жараёнларидан исталган бирининг батамом барбод бўлиши у ёқда турсин, бузилиши ё издан чиқиши ҳам онгнинг барбод бўлишига олиб келади.

Онгнинг иккинчи таърифи - унда субъект билан объект ўртасида аниқ фарқланишнинг ўз ифодасини топиши, яъни одам «мен» деган тушунчага нима тегишли эканини аниқ билади. Тирик организмлар дунёси тарихида биринчи бўлиб ундан ажралиб чиққан ва ўзини атроф муҳитга қарама-қарши қўйган инсон ўз онгида ушбу қарама-қаршилик ва тафовутни сақлаб келмоқда.

Жонли мавжудотлар ичида унинг ўзигина ўзини билишга, яъни психик фаолиятини ўзини тадқиқ этишга йўналтиришга қодирдир. Одам ўз ҳатти-ҳаракатларини ва умуман ўзини-ўзи онгли равишда баҳолайди. «Мен»нинг «мен эмас»дан ажратиши ҳар бир киши болалигида бошдан кечирадиган йўл бўлиб, унинг ўзини-ўзи англаши жараёнида юз беради.

Онгнинг учинчи таърифи - одамнинг мақсадни кўзловчи фаолиятини таъминлашдир. Фаолиятнинг мақсадларини яратиш онгнинг функциясига киради. Бунда фаолият мотивлари юзага келади ва чамалаб чиқилади, иродавий қарорлар қабул қилинади, ҳаракатларни бажаришнинг қандай бориши ҳисобга олинади, унга тегишли тузатишлар киритилади ва ҳоказо.

Инсон табиат томонидан берилган нарсанинг формасини ўзгартириш билангина чекланмайди, табиат томонидан берилган нарсалар билан бирга ўзининг онгли мақсадини ҳам амалга оширади, бу мақсад қонун сифатида кишининг иш усулини ва бу ишнинг характериини белгилаб беради ва киши ўз иродасини ана шу мақсадга бўйсундириши лозим. Мақсадни кўзловчи фаолиятнинг амалга ошишида ва йўналишида касаллик оқибатида ёки бирон-бир бошқа сабабларга кўра ҳар қандай бузилишнинг юз беришини онгнинг бузилгани деб қарамоқ керак. Ниҳоят онгнинг тўртинчи таърифи - унинг таркибига муайян муносабатнинг киритилишидир. «Инсоннинг муҳитига бўлган муносабати унинг онгидир».

Киши онгига муқаррар равишда ҳис-туйғулар олами кириб келади. Унда мураккаб объектив энг аввало одамни ўзи ҳам жалб этилган ижтимоий муносабатлар ўз аксини топади. Бу ўринда ҳам (жалб этилган ижтимоий) бошқа кўпгина ҳолларда бўлгани каби патология нормал онгнинг моҳиятини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради. Айрим руҳий касалликларга чалинганда онгнинг бузилганлиги айнан ҳис-туйғулар ва муносабатлар соҳасидаги бузилиш билан белгиланади: бемор бунга қадар беҳад севган онасини суймайдиган бўлиб қолади, яқин кишилари тўғрисида зарда билан гапирди ва ҳоказо. Онгнинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча ўзига хос хусусиятлари шаклланиши ва намоён бўлишининг муқаррар шарти тил ҳисобланади. Нутқ фаолияти жараёнида одам билимлар ҳосил қилади, киши дунёга келгунга қадар унинг учун инсоният яратиб берган, тилда мустаҳкамлаб, унга етказган инсон тафаккури бойликлари билан ўз ҳаётини бойитади. А.И Герцен шундай деб ёзган эди: «Ҳар бир киши илдизлари сол бўлмаса одам ато замонларига бориб етадиган даҳшатли шажарага таянади: соҳил бўйидаги тўлқин каби орқамизда бутун бошли океан - бутун бир дунё тарихининг шиддати ҳис этилади; шу дақиқада бизнинг миямизда барча асрларнинг ғоялари ...Тил алоҳида объектив систематик унда ижтимоий тарихий тажриба ёки ижтимоий онг акс этгандир. Конкрет одам томонидан ўзлаштирилган экан, тил маълум бир маънода унинг реал онги бўлиб қолади. Тил - амалий, ҳақиқий онгдир, бошқалар учун ҳам мавжуд бўлган ва худди шу туфайли мен учун ҳам мавжуд бўлган онгдир...» - деб қайд этган эди. Онг тушунчаси психологияда, психиатрияда ва бошқа фанларда унинг юқорида келтирилган асосий таърифларига мос келадиган маънода ишлатилади. Психиатрларни беморда онги бузилганлиги масаласи доимо қизиқтиради, шу

туфайли улар онг деганда беморнинг ўз - ўзига қаердалиги, вақт қачонлиги, теварак-атрофдаги вазият қандайлиги тўғрисида ўз шахсий ҳолати ҳам ҳаракатлари ҳақида ҳисоб бериш имкониятларни тушунадилар. Онги яхши сақланиб қолган одам мияга келаётган янги ахборотга ўзидаги мавжуд билимларни ҳисобга олган ҳолда баҳо беради ва ўзини теварак-атрофдаги муҳитдан алоҳида ажратиб, бошқа одамларга ва фаолият вазиятга нисбатан таркиб топган муносабатлар системасини сақлаб қолади ҳамда ана шу барча маълумотлар асосида ўз хатти-ҳаракатини идора қилади. Онг ижтимоий маҳсул бўлиб, фақат одамларга хосдир. Ҳайвонларда эса онг бўлмайди.

Психиканинг куйи даражаси онгсизликдан иборатдир. Онгсизлик - кишини ўзини тута олмайдиган қилиб қўядиган таассуротлар билан боғлиқ психик жараёнлар, ҳаракатлар ва ҳолатлар йиғиндиси. Психик ҳолат сифатидаги онгсизлик воқеликни акс эттиришнинг шундай бир шакли ҳисобланадики, бунда ҳаракат вақти ва ўрнини мўлжал қилиш яхлитлиги йўқолади, хатти - ҳаракатнинг нутқ ёрдамида бошқарилиши бузилади. Онгсизликка қуйидаги психик ҳодисаларни киритиш мумкин: уйқу пайтида юз берадиган психик ҳодисалар (туш кўриш), сезилмайдиган, лекин ҳақиқатда ҳам таъсир кўрсатадиган қўзғатувчиларга жавоб реакциялари- олдинлари онгли ҳаракат бўлиб лекин такрорланавериб автоматлашиб кетган ва шунга кўра эндиликда англамайдиган бўлиб қолган ҳаракатлар, фаолиятга ундовчи, аммо мақсад ҳиссини англамайдиган айрим майллар ва ҳоказо. Онгсизлик ҳодисаларига бемор кишининг психикасида рўй берадиган баъзи бир патологик ҳодисаларни англаш, кўзига йўқ нарсалар кўриниши ва шу кабиларни ҳам қўшиш мумкин. Шуларга асосланиб онгсизликни онгга қарама-қарши деб ҳисоблаш, уни ҳайвонлар психикасига тенглаштириш нотўғри бўлар эди. Онгсизлик - бу кишининг худди онглилик каби ўзига хос психик киёфасидирки, у киши миясида борлиқнинг етарли даражада бир хил бўлмаган қисмлар акси тарзида инсон ҳаётининг ижтимоий шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлгандир.

XVII аср психологлар кўз ўнгида психикага бўлган қарашларнинг тубдан ўзгариши даври сифатида намоён бўлади. Психологик фикр тараққиётидаги янги даврни "фанлар маликаси" бўлиб ҳисобланган механика таъсирида пайдо бўлган концепциялар очиқ берди. XVII асрга оид психологик фикрларнинг ўзига хос томонлари талқинда очиқ намоён бўлади.

а) тушунтириш учун ҳеч қандай руҳга муҳтож бўлмаган тана-механик система ҳақидаги таълимот;

б) ички кузатиш орқали ўз психик ҳолати ҳақида ҳамма нарсани билиш мумкин бўлган индивиднинг онги ҳақидаги таълимот;

в) инсон фаолиятини унга фойдали нарсалар томон йўналтирувчи ёки зарарли нарсалардан қайтарувчи эҳтирослар (аффектлар) ҳақидаги таълимот;

г) физиологик ва психологик томонлар ўртасидаги муносабати ҳақидаги таълимот.

Бу таълимотларнинг асосида фаннинг улуғ заҳматкашлари Рене Декарт (1598-1660), Бенедит Спиноза (1632-1677), Томас Гоббс (1588-1679), Джон Локк (1632-1704), Гомфриц Лейбниц (1646-1716) кабилар турар эди.

Француз математиги, табиатшунос ва файласуфи Декартнинг исми билан психология тарихидаги ғоят муҳим босқич боғланган. Айнан у ўзининг онг ҳақидаги таълимоти билан Аристотелнинг рух ҳақидаги таълимотидан психика тўғрисидаги тушунчаларнинг ажралиб чиқиши учун асос яратди. У автомат каби механик ишловчи организм моделини танлайди ва у билан ўша кунларгача рух билан бошқарилувчи бўлиб ҳисобланган тирик танани унинг таъсиридан "халос этди". Шу даврда Гарвей томонидан қон айланишининг кашф қилиниши "организм механик машина" деган фикрни ривожлантирди. Унда юрак қон ўтказувчи насос бўлиб ҳисобланади ва бу жараёнда рухнинг ҳеч қандай функцияси йўқ деб таълим берилди. Декартгача барча фаолият жараёнлари ердаги ҳаёт ташқарисидан энергия олувчи махсус агент рух билан бошқарилади, деб ҳисоблаб келинди. Аммо Декартдан бошлаб, тана механика қонунларига асосан тузилган автосистемадир, ундаги органларнинг ишлаши ҳам тананинг фаолияти ҳам, бошқа таналар билан алоқаси ҳам рухга муҳтож эмас, деб таъкидланди. Лекин бу билан рух "ишсиз" бўлиб қолдими? Йўқ, Декарт рухни ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган олий субстанциягача кўтарди. "Рух онгнинг узлуксиз бўлмаган ҳодисалари-фикрларидан иборат" деб айтди олим. Рухнинг бирдан бир асосий белгиси унинг фикрлашидир. Фикрлашдан тўхташ рухнинг йўқ бўлишига олиб келади, деб ҳисоблайди. Декарт тана ва рух субстанцияларини ўзаро таққослаш шунга олиб келадики, Декарт тана ўз табиатида бўлинувчи, рух эса бўлинмас, шунинг учун у турли хил нарса деган хулосага келди. Декарт дуализмининг маъноси шуки, тана ва рух мустақил субстанциялардир. Уларнинг ҳар қайсиси мавжуд бўлиши учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож эмас. «Рух бутунлай менинг танамдан айри бўлиб, у танамсиз ҳам мавжуд бўла олади». «Биздаги иссиқлик ва ҳаракат фикрга боғлиқ бўлмагани учун улар фақат танамизга тегишлидир» деб ёзади Декарт.

Буни Декарт рухсиз таналар ҳам, масалан, олов иссиқликка эга бўлиши ва ҳаракатланиши билан исботлашга ҳаракат қилади. Декартнинг фикрича, ҳаётни рух билан боғлаганлар хато қиладилар. Негаки "ўлим ҳеч қачон рух туфайли содир бўлмайди, балки тананинг муҳим қисмидаги бузилиши туфайли рўй беради".

Декартга кўра асосларнинг асоси шубҳаланишдир. Унинг фикрича ҳамма табиий ва ғайри табиий нарсалардан шубҳаланиш керак. Чунки шубҳаланганда одам фикрлайди. Бунда Декартнинг машҳур афоризми- мен фикрлаяпман, бундан чикди мавжудман. Ўзининг асосий фикрларини Декарт «Ақлни бошқариш қоидалари», «Рухлар эҳтирослари», «Одам ҳақида» номли асарида баён этди.

XVIII асрнинг энг йирик кашфиётлари қаторига рефлекс тушунчасининг пайдо бўлишини киритиш мумкин. Рефлекс тушунчаси Декарт физикасида пайдо бўлди. Агар Гарвей ўз кашфиёти билан рухни ички аъзоларнинг бошқарувчиси сифатида инкор этган бўлса, Декарт рухни ташқаридан таъсир этиш хусусиятидан маҳрум қилди. У фанга физиология ва психологияда

фундаментал бўлган рефлекс тушунчасини (терминини эмас) киритди. У даврда нерв системаси тўғрисидаги билимлар ҳам оз эди. Декарт уни ингичка кувурчалар - «трубкачалар»дан иборат деб тасаввур қилди. Декартнинг тасаввурида гўё шу трубкачалардан майда енгил ҳавосимон зарралар ҳаракатланади. Бу зарраларни Декарт «ҳайвон рухлари» деб номлади. «Мен рух деб атаган нарсалар кичиклик ва тез ҳаракатланишдан бошқа ҳеч қандай хусусиятга эга бўлмаган таначалардан ўзга нарса эмас. Булар қоннинг энг ҳаракатчан зарралари бўлиб, доим мия томонидан ҳаракатланади», деб тушунтирмоқчи бўлди Декарт. Унинг рефлекс схемасига кўра ташқи импульс нерв трубкачалари ичида жойлашган нерв "ипларининг" учига таъсир қилиб, улар шу "ип" чиққан миянинг қисмини гўё арқоннинг бир учи иккинчисини ҳаракатга келтирганидек кўзғатади. У ердан «ҳайвон рухлари» нерв орқали тегишли мускулга ўтиб, қисқаришга мажбур қилади. Шу тариқа ҳаракат рўй беради. Шунинг учун қайноқ буюм кўлни куйдириб тортиб олишга мажбур қилади. Бунда худди ёруғлик нурининг кўзгудан қайтганидек реакция содир бўлади. Хатти - ҳаракатларнинг рефлексор табиатини рухга мурожаат қилмай очиб бериб Декарт умид қиладики, келажакда анча мураккаб ҳодисаларни ҳам у таърифлаб берган физиология механика қонидасига кўра тушунтириш мумкин бўлади: «масалан, ит ўлжани кўргач, унга ташланади, лекин ўқ овозини эшитса, албатта қочади. Шунга қарамай овга ўргатилган итлар ўлжани кўргач тўхтади. Ақлсиз ҳайвонлар миясида шундай ўзгариш ҳосил қилиб, уларни ўргатиш мумкин экан, эҳтимол одамга бирор нарсани ўргатишда бундан ҳам яхшироқ нарсаларга эришса бўлар» деб тахмин қилди Декарт. У бундан шундай хулоса чиқарди: «рухнинг кучи эмас, балки механика қондалари асосида рўй берувчи танадаги ўзгаришлар асосида инсон аввало ўз табиатининг, қолаверса ташқи оламнинг ҳукмдориға айланиши мумкин».

Декартнинг биринчи оппоненти бўлиб голландиялик файласуф Спиноза чиқди. Гегелнинг фикрича, Б.Спиноза Декарт фалсафасидаги дуализмни олиб ташлади. Унга кўра ягона ва абадий ажралмас хусусиятларга эга бўлган субстанция - бу табиат. Шунинг учун одамни субстанциялар учрашадиган «жой» сифатида Спиноза инкор этади. Одам бир бутун моддий ва рухий мавжудот деб билади. Ҳеч ким Спинозачалик Декартнинг дуализми организмга машина сингари муносабатда бўлганини англамаган. Ўзининг энг машҳур психологик асари «Этика»да файласуф дастлаб субстанциялар масаласида тўхталади. Шу ерданоқ унинг қарашлари Декартнинг қарашларидан узоқлашади. Декартдан фарқли равишда Спиноза монистик таълимотни илгари сурди. Субстанция деганда Спиноза биздан ташқарида жойлашган табиатни тушунади. Бу субстанция ўз навбатида бир қанча хусусиятларга эга бўлиб, инсон уларнинг фақат иккитаси - тана ва фикрни билган. Шунинг учун рух ва тана битта индивидуални, яъни фикрлайдиган танани ташкил этган. Алоҳида рухий субстанциянинг борлигини Спиноза инкор этади, лекин материя ва тафаккур бирлиги муаммосини охирида очиб беролмади. Субстанциялар таълимоти асосида Спиноза инсоннинг ҳиссий ҳолатлари - аффектлар масаласини ёритиб берди. Ўзининг аффектлар

ҳақидаги таълимотида аффектларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг табиати: одамларнинг аффектларга қуллиги ва аффектларнинг кучи; инсон озодлиги ва инсон ақлининг кучи масалалари юзасидан тўхталди. Аффектларни Спиноза табиий ҳодиса деб билади. Аффектлар орасидан Спиноза 3 тасини алоҳида ажратиб кўрсатади. 1. Хоҳлаш. 2. Қониқиш. 3. Қониқмаслик. Қолган барча эмоциялар шулардан пайдо бўлади, деб ҳисоблайди Спиноза. Спиноза аффектлар бутунлай инсон иродасига боғлиқ ва уларни тўлиқ бошқариш мумкин, деган фикрга қўшилмайди. Бу борада у аффектларни инсон устидан ўтказадиган ҳукмронлиги ҳақида фикр юритади. Барча аффектлар Спинозанинг фикрича, инсонни шундай ҳолатга олиб келадики, бунда у ўз-ўзини бошқара олмайди. Тасодифларга қарам бўлиб, аниқлик кўз олдида, ноаниқлик томон боради, озодлик эса аффектларга эргашишда эмас, балки уларни ақлга бўйсундиришдир. Спиноза психологияси онгнинг психологик объект сифатида шаклланиши йўлидаги Декартдан кейинги муҳим қадам бўлди.

Декарт дуализмининг танқид қилинишидан бошқа йўналиш англиялик файласуф Томас Г**оббс** номи билан боғлиқ. Гоббс руҳни алоҳида мавжудлик сифатида мутлақо инкор этди. Унинг фикрича дунёда Галилей томонидан очилган механика қонунларига бўйсунувчи моддий таналардан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Барча психик ҳодисалар ҳам шу қонунларга бўйсунадилар. Моддий нарсалар Гоббс фикрича, организмга таъсир этиб, сезгини ҳосил қилади. Инерция қонунига кўра, сезгидан унинг кучсиз изи сифатида тасаввурлар пайдо бўлади. Улар эса фикрлар занжирини ҳосил қилади ва бу фикрлар сезгилар қандай кетма-кетликда алмашган бўлса, шундай тартибда жойлашади. Бундай боғланиш кейин ассоциация номини олди. Агар аввалги ҳаракат яна такрорланса ва устунлик қилса, кейингилари ҳаракатланувчи материя билан боғлиқ бўлгандан текис столда томчининг ҳаракатланаётган сув ҳам ҳаракатланганидек унинг кетидан ҳаракатланади. Асосий психологик феноменлардан бири сифатида ассоциацияларни Декарт, Спиноза ҳам тан олишган. Лекин тафаккур ва иродага нисбатан билимнинг қуйи шакли деб ҳисобланган. Гоббс биринчи бўлиб ассоциацияни психологиянинг универсал қонуни сифатида таърифлайди. Ўзининг қобилиятлар ҳақидаги таълимоти билан Гоббс Декартни "Туғма ғоялар" ҳақидаги гипотезасини қаттиқ танқид қилди ва одамларда бир-биридан устун туғма белгилари бўлмаслигини исботлашга интилди. Гоббс бевосита Ф.Бэконнинг давомчиси сифатида эмпирик йўналиш намоёнчаси сифатида танилди.

Эмпирик психологиянинг «отаси» Гоббснинг ватандоши Ж.Локк бўлган. Унинг «Инсон ақли ҳақидаги тажриба» асари психологиянинг кейинги тараққиётига кучли таъсир этди. Локкнинг мақсади инсон билишининг пайдо бўлиши ва ривожланишини тажрибавий ўрганишдан иборат эди. Бунда у «туғма ғоялар» ғоясини инкор этиб, билимларнинг манбаи индивиднинг ҳаётий тажрибаси деб билади. Тажрибанинг ўзида эса Локкнинг фикрича 2 манба бор: сезги ва рефлексия. Сезги объектдаги, табиатдаги барча моддий нарсалар бўлиб, уларнинг маҳсулоты фикрлардир. Яъни «Биз сарик, оқ яшил,

иссиқ, совук, юмшоқ, қаттиқ, ширин, аччиқ ва бошқалар ҳақидаги фикрларни шу манба орқали оламиз» деб ҳисоблайди Локк. Рефлексиянинг объекти ақлимиз фаолияти билан эгалланган ва биз ташқаридан ололмайдиган фикрдир. Онгнинг объекти шу фикрдир, чунки онг Локкнинг берган таърифига кўра ақлимизда рўй бераётган нарсаларни идрок этишдир. Локк тажриба манбаларини ўзаро фарқласада, уларни бир-биридан ажратмайди. Унинг фикрича, сезги билимнинг боши, рефлексия сезги асосида пайдо бўлади. Буни у шундай таърифлайди: «Ақлда бирорта нарса ҳам йўқки, у сезгида ҳам мавжуд бўлмаса». Локкнинг фикрига кўра, фикрлар икки хил - оддий ва мураккаб бўлади. Оддий фикр фақат битта тушунчани ўзида сақлайди. Бошқа фикрлар парчаланмайди. Мураккаб фикрлар оддий фикрларни қўшиш, таққослаш, умумлаштириш ва абстрактлаштириш натижасида пайдо бўлади. Оддий фикрлар йиғиндиси онгни ташкил этади. Мураккаб фикрларнинг ҳосил бўлиш манбаларидан бири сифатида Локк ассоциацияни келтиради. У фанга биринчи бўлиб «фикр ассоциацияси» деган атамани киритган.

Таянч тушунчалар: онг, Спиноза психологияси, Декарт таълимоти.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Декартнинг онг ва руҳ ҳақидаги қарашлари
2. Спинозанинг «Аффект» ҳақидаги фикрлари
3. Т.Гоббс ва Ж.Локкнинг психологияга қўшган ҳиссалари

6-мавзу. Психологиянинг мустақил фан сифатида вужудга келиши ва унинг ривожланиши

Режа:

1. Психологиянинг мустақил фан сифатида шаклланиши
2. Психологик жараённинг оддийдан мураккабга қараб ўсиши
3. И.М.Сеченовнинг психика ҳақидаги янгича тасаввурлари

Психологиянинг мустақил фан сифатида ажралиб чиқишига табиат ходисаларнинг тажрибалари ва детерминик тадқиқот муваффақияти орқали замин тайёрланган.

Психология тарихчиси Норденшел айтишича, ўша пайтда кўп органик ходисаларга янги тушунчани қўллашга шошилишар эди. Шу янги тушунчани маъноси шундай иборат эдики, бутун борлиқ жонлими, жонсизми-битта ягона содда аниқ бир сабаб боғланишидир, бунга таяниб мураккаб ҳаётий кўринишларини соддага айлантириш мумкин, деб айтган.

40 - йилларда виталистик қарашнинг тарафдори И.Мюллернинг бошчилигида ёш олимлар гуруҳи ўз устозига қарама-қарши чиқишди. Шу ўқувчилар, жумладан Гельмгольц ва **Дюба Рейман** томонидан «яширинча

коллеж» ташкил қилинди, кейинчалик у тарихга физика-химиявий мактаб деб киритилган эди.

Бу мактабнинг доҳийлари - Гельмголтц, **Дюба Рейман** ва бошқалар психологияни тажрибали фан қилиб кўрсатди.

Гельмголтц, Дюба Рейман ва бошқалар онгни материя сабаблари орқали тушунтириб бўлмайди, деган фикрга келишган.

«Бу жараёнда инсоннинг ақли» жаҳон сирига дуч келиб, уни ҳеч қачон енгиб бўлмайди» -деди Дюба. Табиат ҳодисалари устидаги жуда кўп изланишлар ва муваффақиятли тажрибалар психологиянинг алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишига катта омил яратади. Психология фанининг ривожига ҳар хил фанлар, йўналишлар олимларнинг ҳиссаси жуда каттадир. Масалан: табиий ҳодисаларга физикавий математиклар кўзи билан қараш, яъни энергияни сақланиш қонуни ҳеч қандай ўзгаришсиз тирик организмга тадбиқ қилишни аввалдан фан тасдиқлаб берган бўлса, кейинчалик ундан воз кечилди, бунга сабаб Дарвин таълимотларини психология фанига қўшган ҳиссаси ва бошқалардир.

Дарвин 1970 йилда ўзининг «Одамнинг пайдо бўлиши» номли асарида одамдаги ва ҳайвондаги эмоционал ҳолатларни таққослаб кўрди ва бу ҳолатлардаги ҳаракатлар мимикани келиб чиқиши ва буларни маъноси ҳақида фикр юритди.

Дарвиннинг фикрича, бу ҳаракатлар ва мимикалар инсоният тарихида ибтидоий жамоа тузуми даврида керак бўлган, яъни ҳаётий зарурияти бўлган ҳайвонлар ўлжасига ташланишдан олдин оғизларини катта очиб ўкиргани сингари одам ҳам ов пайтида бу ҳаракатлари билан ўзини ҳимоя қилган ва ҳоказо. Дарвин ҳозирги турли мимика ва ҳаракатларни ана шу ибтидоий одамдан қолган рудиментлар деб фикр билдирган.

Буларга одам ўрганмайдиган, балки инсонга инстинкт сифатида табиат томонидан берилади, деб айтган. Бу билан Дарвин одамнинг эмоционал ҳолатини ҳеч қандай одам психологиясига боғламай, балки уни ҳеч қандай ҳиссиз, фикрламасдан бажариладиган бир физиологик ҳаракат деб таърифлайди. Бу билан Дарвин катта хатога йўл қўйган эди. Инсондаги бу ҳаракат ва мимикалар, интонация бу - жамият ривожланишининг маҳсулидир. Жамият ривожланиши билан биологик формалар ҳам ўсиб, ривожланиб боради.

Бора-бора рефлекс ҳақидаги таълимотлар ҳам ўзгарди. Масалан, Холл ва Мюллер рефлексор ёйини ҳеч қандай ўзгармайдиган йўллариини боғланиш деб одамдаги турли реакциялар ташқи муҳит ўзгаришида онгнинг таъсири деб тушунтирганлар. Улар рефлексор ҳаракатларида психик таъсирни умуман инкор этдилар ва бу ҳаракатга фақат физиологик маъно бердилар, холос. Уларнинг бу таълимотини 1853 йили немис физиологи Афльюгер инкор этди, бунинг учун у битта бақани бошини олиб, унга таъсир қилганда унинг қолган қисми худди бир бутун организм, психологик жараён эканлигини тасдиқлаб берди.

Мюллернинг фикрича, ҳар бир сезги органи бу алоҳида махсус энергия билан зарядланган аппаратдир. Сезиш эса маълум бир ҳаракат сабабли бу

энергиянинг аппаратдан чиқиши билан ҳосил бўлади деб таъкидлайди. Гельмголд эса буни яъни сезишни психология билан боғлайди. Шундай қилиб, психология фани жуда кўп тортишувларга сабаб бўлди.

Психофизиология деб ном олган йўналишда эса ҳамма психик ходисалар маълум бир қонуниятга бўйсундилар ва буни математик ҳисоблаш йўли билан ўрганиш мумкин дейилади. Бу йўналишда немис олими Густав Фехнер иш олиб борди. У 1820-1830 йилларда Лейпцигда физика фанини олиб борар эди ва электр соҳасида кўп тажрибалар ўтказар эди. Шунда у психология билан қизиқиб қолади. Унинг фикрича, онг бутун коинот бўйлаб сочилиб тарқатилган, коинотдаги турли жисмларга эса жон берилган, материя эса психикани тескари томони, аниқроғи сояси холос дейди. Буни эса математик ҳисоблашда тасдиқлашга ҳаракат қилган.

XIX аср ўрталарига келиб нерв ҳаракатлари жуда ҳам катта тезликда ўтади, ҳатто ёруғлик тезлигига тенг деб ҳисобланар эди ва буни ҳисоблаш мумкин эмас деб келинар эди. Лекин 1850 йилда Гельмголд бу муаммони ечди. Ҳисобига кўра, бу ҳаракат унча катта эмас, секундига бир неча ўн метр эди холос. Бу тадқиқотига кўп олимлар ҳатто Гельмголднинг ўз устози Мюллер ҳам ишона олмади. Гельмголд тажрибаси фақатгина физиология билан боғлиқ бўлиб қолмай, балки психологияга ҳам тааллуқли эди. Бу билан у нерв системасидаги жараёнлар физиологик жараёнлар каби маълум.

Психологиянинг алоҳида фан сифатида ажралиб чиқишида фақатгина физиологик тажрибалар сабабчи бўлмасдан, балки фалсафанинг ҳам роли каттадир. Бу йўлда инглиз файласуфлари Джон Милл, Спенсер ва бошқалар кўп тадқиқотлар олиб борганлар. Ота-бола Миллар «психологик химия», «психологик физика» йўналишларини яратдилар. «Психологик химия» йўналишида онгни бир неча майда элементларга бўлиш мумкин деб ҳисоблар эдилар. Онгни синтез қилиб худди кимёвий реакциялардан янги модда олингани каби, янги натижаларга эришиш мумкин деб ҳисобланар эди. Онгни майда атомларга бўлиб, кимёда Менделеев жадвалидаги каби янги атомлар олиш мумкин. Миллнинг бу йўналиши кейинчалик психологизм деб ном олган.

Александр Бэн ўзининг кўп йиллар мобайнида машҳур бўлган икки асарида яъни «Эмоциялар ва эрк», «Сезги ва интеллект» асарларида психология билан физиологияни яқинлаштиради. У ўзининг бу асарларида психологияни кўзда кўринарли томонлари: рефлекслар, инстинктга ва одатга кўпроқ эътибор берди. Рефлекс организмнинг ташқи муҳит таъсирига стереотиплар билан жавоб беради, хулқ-атвор турли-туманлигини тушунтиришга жавоб бера олмас эди. Ҳаракатнинг хоҳиши ва эрки билан Бэн ўзининг таълимотида онгни фаолиятини организм фаолияти билан яқдил деб билади, психология ва шунга ўхшаш бошқа йўналишларни инкор этади.

Биологик эволюцияни психология билан боғлаш давр талабига айланиб борди. Герберд Спенсернинг «Психология асослари китоби» бунга жавоб эди. Лекин бу асар кўп вақт эътибордан четда қолди. Дарвиннинг эволюция таълимотидан кейин эса Спенсер эволюцион психология асосчиси деб эълон қилинди. Унинг фикрича, онг бу яшаш учун курашнинг муҳим куролидир.

Психология бу ички ҳодисаларни ўзаро муносабати ёки ташқи ҳодисаларни ўзаро муносабати эмас, балки бу икки ҳаракат ҳодисанинг таъсиридир. Шундай қилиб, психология фанининг мустақил фан сифатида ажралиб чиқишига, унинг ривожланишида ҳеч қайси фан йўналиши четда қолгани йўқ. Психология алоҳида фан сифатида ўрганилаётганлигига юз йиллар бўлди. Унгача узоқ вақт давомида бу фалсафа, диний билимлар каторида эди. Психология бошқа номлар билан ҳам ўрганилар эди. Масалан: пневматология, ментал фалсафаси ва ҳоказо.

Психология тарихини биз фақатгина фалсафада эмас, балки юқорида айтганимиздек биология, медицина, педагогика, социологияда ҳам кўришимиз мумкин.

1873 йилда Сеченовнинг психологияни қайта ишлаб ўрганишни объектив фан сифатида таклиф этадиган «Психологик этюдлар» асари нашр қилинди. Бу асарнинг асосини материалистик методология ташкил этар эди. Сеченов помешчиклар оиласида катта бўлган. У Петербургдаги ҳарбий инженерлар билим юртини тамомлаб, олий техника инженери маълумотини олгандан сўнг Москва университетининг медицина факультетига ўқишга кирди. III курсдан бошлаб фалсафа фанининг таркибида бўлган психология билан шуғуллана бошлади. Унинг таъбирича, «фалсафага москвачасига иштиёқ» ижодида кейинчалик муҳим рол ўйнайди. Университетни тамомлаб, Германиядаги Гельмгольц Дюба-Рейман лабораториясига илм ўрганиш мақсадида борди.

1860 йилда Германиядан ватанига қайтган Сеченов Петербургда медицина-хирургик академиясининг 1-рус физиологик мактабини ташкил қилди. Бу мактаб физика-кимёвий йўналишда эди. Бу даврда келиб Россияда эски иқтисодий тараққиёт емирилаётган, синфлар орасидаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар ривожланаётган эди. Бу зиддиятлар билан бир пайтда одам танасининг тузилиши, унинг организми ва психик функциянинг ўзгариши масаласи ҳам мавжуд эди. Сеченов ва Чернишевскийнинг асосий рақибларидан бири бўлган П.Д.Юркевич шундай ёзган эди: ҳозирги замонда физиологлари кундалик ҳаётидаги ўзгаришларни ҳамда бу ўзгаришларни пайдо бўлиши ва сабабларини ортиқча ўрганмоқда. П.Д.Юркевич ва унинг тарафдорлари фикрини «Современик» журнали ходимлари қоралашиб чиқдилар. Улар физиологик ва психологик ҳодисаларнинг материалистик дунёқараш нуқтаи-назарида ёқлаб чиқдилар. И.М.Сеченов революцион-демократик интеллегенция билан яқин алоқада бўлиб «Нима қилмоқ керак?» асарини яратган.

Жон ҳақидаги баҳслар кескинлашган пайтда Сеченов мия устида олиб борган экперементларида тормоз марказлари, яъни ҳаракат активлигини ушлаб турадиган қўзғалиш, «локализация» қилинган нерв марказларини очиб беради. Бу буюк кашфиёт эди.

Бу билан у нафақат бош мия физиологиясида янги бўлим очди, балки бу организмнинг функциялари ҳақидаги тасаввурларни умуман ўзгартириб юборди. Бу кашфиёт физиологик онгга тормозланиш ҳақида янги тушунча олиб кирди. Олим бу билан эса тормозланиш ва қўзғалиш ўртасидаги ўзаро

муносабатга алоқадор бўлган нейродинамик муаммоларнинг кенг комплексини очиб берди. Лекин бу кейинроқ содир бўлган эди.

Ўша вақтда Сеченов учун муҳим нарсаси шу эдики, у тажриба йўли билан мия моддасини кичкина бир бўлагидан чиқаётган ирода асрлар бўйи юракдан чиқади деб ҳисобланиб келинаётганлиги нотўғри эканлигини исботлаб бериш керак эди. Яъни инсон иродаси фақат руҳга эмас, балки инсон организмнинг бир бўлаги ҳисобланган мия фаолиятига бўйсунганини исботлаш керак эди. Ахир ирода феъл-атворнинг энг ишончли белгиси кўзғовчиларга қарши тура олишни билиш, шартсиз импульсларни ушлаб қолиш эди. Бу белгиларнинг ҳаммаси эксперимент гувоҳлик бергани каби марказдан мияга тортилади. Бу кашфиётдан фойдаланиб, Сеченов 1863 йил «Современник» журнаliga ўзининг «Инсон миясининг рефлекслари» номли биринчи психофизиологик трактатини ёзди. Сеченов мақоласидаги ғоялар рус замини бўйлаб узоқларга тарқалди.

Сеченов 1866 йилда «Нерф системасининг физиологияси», 1867 йилда «Сезги органининг физиологияси» номли асарини ёзди. Сезги органининг физиологияси устида иш олиб бориш жараёнида Сеченов психологияга ҳам тўхталиб ўтди.

Кавелиннинг асарига жавобида ҳамда «Ким ва қандай психологияни ўрганади?» (1872) номли мақоласида Сеченов психологияни махсус фан сифатида тан олади. Унинг фикрича, психологиянинг физиологлар яхши ўргана оладилар.

1870-йилларнинг бошларида ҳали психология фан сифатида тан олинмаган эди, шунинг учун файласуфларда уни тушунадиган ғоялар юрар эди.

Инсон психикаси ҳақида Сеченовга Лейбниц, Шопенгауэр, Гельмгольц ва бошқалар ўз фикрларини билдирган эдилар.

Сеченов таълимотига биноан психика юксак даражада ташкил топган материянинг хусусияти ёки миянинг маҳсулидир. Одатда психика ташқи дунёнинг сезги органлари орқали инсоннинг миясида бевосита таъсир этиш асосида вужудга келиб, билиш жараёнлари, шахснинг хусусиятлари, ҳолатлари, диққати, ҳис-туйғуси, характер хислатлари, қизиқиш ва эҳтиёжларида ўз ифодасини топади.

Психиканинг негизида миянинг рефлектор фаолияти ётади. Ташқи дунёдан кириб келадиган кўзғатувчиларга ички ёки ташқи биологик органлар жавоб реакциясини билдиради. Бош мия катта ярим шарларида вужудга келадиган муваққат боғланишларни психик ҳодисаларнинг физиологик асослари ҳисобланади ва улар ташқи таъсирининг натижасида ҳосил бўлади. Муваққат нерв боғланишлари нерв жараёнларининг **иррадицияси**, концентрацияси ҳамда ўзаро индукцияси қонунлари замирида рўй беради. Бу қонунлар йиғиндисидан муваққат боғланишлар ассоциациялари қандай юз бераётганини, қандай шарт-шароитда тормозланиши муваққат боғланишларнинг йўқолаётганини ёки пайдо бўлаётганини тушунтириш имконини беради.

Психофизиологик қонуниятларига биноан миyanинг функцияси муваққат нерв боғланишларининг бирлашиши механизми ҳамда анализаторлар фаолияти механизмлари таъсирида ҳосил бўлади. Психикани тадқиқ этиш инсоннинг бутун онгли фаолиятини унинг ҳам назарий, ҳам амалий ҳаёт фаолиятини ўрганишдир.

Сеченов ҳам ўзининг «Бош мия рефлекслари» асарида ўша замон физиологиясининг илғор ютуқларига ва шахсий текширишларига асосланиб туриб, одамнинг психик фаолияти қандайдир моддий бўлмаган руҳнинг намоён бўлиши эмас, балки фақат миyanинг фаолиятидир холос, деб дадиллик билан айтади. Сеченов психик жараёнларнинг асоси бош мия рефлексларидир, деган таълимотни илгари суради. «Онгли ва онгсиз психиканинг барча ҳаракатлари, - деб ёзади у, - ўзининг келиб чиқиши жихатидан рефлекслардир». У илмий психологиянинг асосий вазифаси бош мия функциялари бўлган психик жараёнларнинг келиб чиқишини ўрганишдан иборат деб ҳисоблайди. У яна шундай дейди: «Психик ҳодисаларнинг илмий жихатдан ҳақиқий анализ қилиб беришнинг калити физиологиянинг кўлидадир».

Сеченовнинг психик жараёнларни моҳиятини тушунтириб берадиган асосий қонун - қоидалари мана шулардан иборат эди.

Таянч иборалар: физиология, витализм, “яширин коллеж”, параллелизм, “эмоция ва эрк”, бош мия рефлекслари, рефлексология.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Психологиянинг мустақил фан сифатида шаклланиши
2. Психологик жараённинг оддийдан мураккабга қараб ўсиши
3. И.М.Сеченовнинг психика ҳақидаги тасаввурлари

7-мавзу. Чет эл психологиясида очик инқироз. Чет эл психологиясининг ривожланиши

Режа:

1. XVIII аср психологиясида эмпиризм ва ассоциологизм
2. Францияда материалистик психология
3. Чет эл психология мактаблари
4. Хулқни қиёсий ўрганиш

Асрнинг энг етук намоёндаларидан бири, швейцариялик олим **Альберт Галлер** (1708-1777) эди. Унинг "Физиология асослари" асари (1757) тарихчилар томонидан "Бу замонавий физиология ўтмишдаги ҳаммасидан чегара чизиги вазифасини бажарган" деб баҳоланди. Галлер Декартдан ўзининг физиология ва тиббиётнинг ривожланишдаги асрий тажрибаси билан фарқ қиларди. Декарт ўзининг "нерв машинасини" кўраётганда, Галлер бутун организмни яққол тушунтиришга ҳаракат қилган. XVII асрдаёқ мускул ва нервларни ўрганиш, миyanинг айрим қисмларини олиб ташлаш, амалиёт - ҳаммаси Декарт схемасини тасдиқлаб, унинг кўп бўлимлари ҳақида

иккилантиришга олиб келди. Нерв-мускул «машинасининг айрим қисмлари бир - бирдан ажратиб олингандагина, ишни қила олиши мумкин». Декартнинг бу нарсага қўшилиши, улар ўзининг бирлиги билан шу нарсага кодирдир, деб изоҳ берилган. Галлерда мускул кучи махсус куч деб юритилган. Бу мустақил кучдир, лекин у бошқа куч - нерв кучи билан боғлиқдир. Бу фикр асосида нерв мускул толаларини фаолиятига ундайди деган хулосага келиш мумкин. Бу иккала куч ҳам моддийдир ва улар табиатдаги бошқа кучлар каби биргаликда шундай ҳаракат қилади. Детерминацион руҳ таъсиридан Галлер, фақатгина нерв ҳодисаларига эътибор берибгина қолмай, балки психик ҳодисаларга ҳам эътибор бериш керак деб ҳисоблайди. Унинг қарашларига биноан бу ҳодисалар мураккаб ҳаракатларда ва бошқа воқеаликда бевосита иштирок этади.

Галлер бу мураккаб ҳаракатларни "тубан идрок" деб юритган. Бу психик ҳодисани Галлер ҳаётнинг ҳаракат кучи эмас, балки нерв механизмини ишлаш элементи, табиий қонунларга бўйсунувчи деб талқин қилган. Галлернинг физиологик системаси нерв психологик ҳодисаларга материалистик қарашларнинг ривожланишида бир бутун муҳим звенони ташкил этган. Табиат ҳодисаси бўлган инсон танасини тушунтириб, унга тааллуқли бўлмаган факторлар билан эмас, у Декарт схемасининг янги элементлари билан тўлдирди. Галлернинг жон машинаси Декартнинг ташувчи кучидан фарқлироқ ва автоматлашмаган сифатларини намоён қилади. Бу нарса табиий фанларнинг психологик ғоялари тўғрисидаги муҳим силжиш бўлди. Психика ташкил этилган материя сингари тушунча деган фикрга ўтилди. Механика эмас, балки биология онгнинг детерминизми бўлиб қолди.

Биологияда бу қайта йўналиш рефлекс ҳақидаги тасаввурларнинг янги бошланишидаги ривожланишга шароит яратди. Бу ҳолат агар Декарт ва Гартлида кўринган бўлса, у ҳолда чех физиологи Прохазка Галлернинг йўналишини ривожлантиришда биологик асосланишга эришди. Тана фаолияти билан психик фаолиятни боғлиқликда ифодаладиган ғоя ва оммавий физиологик тасаввур бўлиб, "умумий сезги"даги мия қисмларини ҳис қиладиган сезги ҳақидаги таълимот кўп асрлар чўзилган эди. Бу танада «сезги» давомли мияда ранг-баранг танада, каварик танада, тўрт унсурли танада ва бошқа таналардан изладилар.

Бу қидирувларда Декарт фикри шу ҳақида акс этдики, кенг бўлмаган калб учун унча катта бўлмаган мия бўлаги кифоя этади, бу уни ўз фаолиятини юргизишга етарлидир. Прохазка "Мускул қисқаришидаги ҳиссий таъсирларни ўтиш принципи бўйича ҳаракатга келтирадиган марказий нерв системасининг бир бўлими бу термин билан ифодаланади.

Прохазка табиатнинг ҳамма ҳодисаларига хос бўлган тўғрилиқ ва зарурият билан пайдо бўлган нерв акти қонунияти каби рефлекс характеристикаси билан чегараланмайди. У шундан келиб чиқадики, рефлектор ҳаракатининг қонунияти оддий физик акс эттиришга айнан бир бирига ўхшамаганлиги учундир.

Рефлекс Прохазка бўйича ҳар қандай ташқи кўзғовчи билан чақирилмайди. Балки фақат ҳис қилишга асосланган кўзғовчи билан

чақарилади. Ҳис қилиш ҳамма жойда билиш акти бўладими, йўқми фақат ва фақат битта умумий маънога "ҳаёт компасига" эга бўлади. Билиш билан кузатиладиган ҳис қилиш ва билиш билан кузатилмайдиган сезиш бизга ҳаёт эҳтиёжларини кўрсатиб берадиган ҳаёт компаси бўлиб хизмат қилади ва зарурий таъсирларни кенг тушуниш имкониятини беради. Бу йўналишни ривожлантириб, Прохазка нафақат ҳис қилиш, балки психик қонуниятни бир мунча мураккаб формасини организмни мослаштиришни ҳаёт шартларига бўйсундиради.

Прохазка ўзининг "Физиология" ёки инсон ҳақидаги таълимот асарида рефлекс ҳақидаги тушунча бутун нерв системасини бутунлигича тушунтириши зарурлигини тасдиқлади. Бу ерда унинг схемаси билан тўқнашди. Организмнинг ташқи олам билан узлуксиз боғлиқлиги дастлаб механистик дунёқараш принциpidан келиб чиқди.

Декарт ўзининг ҳаракатлари миқдорини сақлаш принциpigа асосланди. Бу қонун универсал характерга зид келмас эди. Қачонки, агар тирик тана ўзидан қувват ажратиб чиқармас экан, у Декарт бўйича уларни пайдо қилмайди, балки, ўз хулқида ташқи танага сўзсиз тобе бўлади. Прохазка шунингдек, организмнинг табиатга боғлиқлик ғояси ва у билан чамбарчас боғлиқлигига асосланади. Ундай бўлса ҳам бу боғлиқликни асоси сифатида ва боғлиқлик ҳаракат миқдорини сақлаш қонуни эмас, балки ташқи муҳит таассуротига танлаб олинган реакцияларни рўёбга чиқариш шароитида бажариладиган тирик танани ўз-ўзини ҳимоя қилиш қонуни намоён бўлади. Бу турдаги реакцияларни ўз навбатида ташқи олам хусусиятини фарқлаш қобилияти ва уларни организм эҳтиёжига муносабати бўйича баҳолаш дейилади.

Бундай қобилият Прохазка бўйича психик қобилият деб аталади.

Францияда материалистик психология.

Францияда энг аввало Вольтер (1694-1778) ва Кондольяк (1715-1780) тажрибали билимлар метафизика ва схоластиканинг ўткир танқидчилари томонидан фикр юритилган. Кондольяк ўзининг "Ҳис қилиш ҳақидаги трактат"ида (1754) ўз олдида ҳар хил ҳал қилинган шу вазифани кўйдики, у сезгилар билишга соф қобилиятнинг дастлаб бошқа нарсани ўз ичига олмайдиган ҳайкал моделини таклиф қилди. Ҳайкал биринчи бўлиб ҳис қилишни олади. Бир ҳид бошқаси билан алмашади ва бу ҳамма нарсани билишга етарли бўлади. Декарт ўзининг қалб актларида туғилган ғоялар ҳисобига муносабатда бўлди, Локк эса рефлексия ҳисобига, кучли ва кутилмаган ҳис қилиш диққатни пайдо қилади: бу ҳис қилиш яна такрорланса, бизнинг олдимизда хотира пайдо бўлади. Икки ҳис қилиш солиштириш, фарқ, муҳокама ва шу каби интеллектнинг мураккаб ҳаракатигача бўлган яқинликни беради. Ҳар бир ҳис қилиш сезиш тонига эга. У ёқимли ва ёқимсиз бўлади. Ижобий ва салбий йўналишдаги ирода импульси пайдо бўлади.

Кондольяк ҳайкали Декартнинг жонли машинасидан шуниси билан фарқ қилардики, унинг танаси психик йўналишлари учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Кондольяк сенсуализми феноменалистик характер касб этди.

Франциянинг жамоатчилик ҳаёти секин - аста материалистик дунёқарашни эски тартибларини бузишга йўналтирилган хулосаларни талаб қилди.

Француз врачлари Ламетри (1709-1751) сенсуализмни Декартнинг жонли танани машина шаклидаги хулқи ҳақидаги таълимоти билан бирлаштирди. У тасдиқладик, икки субстанцияни Декарт томонидан бўлиниш теологлари алдаш учун ўйлаб топилган "стилистик айёрлик" эканлигини жон ҳақиқатдан ҳам мавжуд, фақат уни танадан ажратиш мумкин эмас, тана қанчалик машина бўлса, у ҳолда одам ҳам уни жонли қобилиятлари билан бир бутунликда ҳис этадиган, фикрлайдиган ҳузур-ҳаловатга интиладиган қурилмадир. Машина сўзи остида моддий детерминация кўринишдаги система кўзда тутилган.

1748 йил Лондонда инглиз олими Шарканинг "Одам-машина" деб номланган ва ўз номи билан чақириқ сифатида янграган трактати босмадан чиқди. Бу нарсга гўё китоблар атрофида бўрон кўтарди. Ламетри трактати Француз философ-психологик фикрларни ривожлантиришга жанговар материализмга айланма бурилиш намойиш этди. Нерв - мускул физиологияси тадқиқотлари фалсафий материализм учун бекорга кетмади ҳамда бутун одам психикасини машина шаклилик принципини ёйиб Ламетри "портизм билим" тана субстанциясига олиб кирди. Ламетри ўз меҳнатини Галлерга тасодифан бағишлади. Материя Ламетри фикри бўйича ўзининг тузилиш қувватида фикр юритиш қобилиятидир. Тузилиш ҳақидаги тушунча детерминизм принципи умумий силжишда муҳим силжишни симптоми бўлади.

Эмпиризм тажрибани, ҳиссий иродани билишнинг бирдан бир воситаси деб ҳисоблаб, мантиқий анализ ва назорат умумлаштиришнинг аҳамиятини камситувчи таълимот.

Эмпирик психология мавҳум психологияга қарама-қарши бўлиб, тажрибага асосланган психология ҳисобланади. Эмпирик психологияга кўра психологиянинг предмети онг ҳодисасидир. Психологиянинг методи эса ўз-ўзини кузатишдир. Эмпирик методга кўра онг ҳодисаларини экспериментал равишда ўрганиш мумкин эмас.

Эмпирик онг ҳодисаларини фақат ассоциацияларнинг, энг оддий элементларнинг қўшилишидан иборат деб ҳисобланади.

Ассоционализм психик фаолиятининг барча қонуниятларини фақат ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши ва юзага чиқиб кетиши деган қонидани илгари сурувчи оқим XVIII асрда Англияда пайдо бўлган. Бунда материалистик оқим асосчиси Гоббс, идеалистик оқим асосчиси Беркли бўлган.

Олимларнинг ассоциация ҳақидаги фикрлари янги механиканинг илдизига бориб тақалади.

Беркли ва Юнгнинг ассоциациянинг хоссаларига айлантиришга бўлган уринишларини олимларнинг тартиб ва психик ҳодисаларни моддий-маънавий илмий дунёқарашидан келиб чиқиши билан исботламоқчи бўлдилар.

Онгли равишда бир фактордан иккинчи бир факторга қонуний ўтиш нейродинамика билан аниқланиб, бу илмий қарашга идеологик дунёқараш, ижтимоий кучларини кўтарилишини ифодалаш, моддий жиҳатдан психик қўллашга қизиқиш киради.

XVII ва XVIII асрларда нерв механизмининг ҳеч қандай реал физиологик таянчга эга эмас эди. XIX асрда физиология кескин ўзгара бошлади, инсон онгининг шу кунгача ўрганган билимлари Декарт ва Ньютоннинг физикадаги янгиликлардан сўнг кескин ўзгаради.

Гартлиочиларнинг фикрича, инсон миясининг психологик тўқималари психик ҳаётнинг «симфония»сини яратишда реал ҳаётнинг ўзгариши катта таъсир кўрсатади. Лекин Гартли ва унинг тарафдорларини фикрини олимлар реал ҳаётини инсон ўзининг ақл-идроки билан ўзгартириши мумкинлиги билан инкор этадилар.

Шундай қилиб, ўтган асрда содир бўлган ходисалар инсон танасини эмас, балки инсон миясидаги ақлни натижасидир.

Бунинг исботи сифатида Томас Брауннинг (1778-1870) “Инсон онги фалсафаси ҳақида лекциялар” трактатини мисол қилиш мумкин.

Томас Браун асли касби врач, Эдинбург университети профессори шотланд фалсафа мактабига ҳурмат билан қарайди. Браун маърузаларида шотланд мактабининг ассоциациянинг йўналишлари билан суғорилган бўлиб, Риднинг психологик қизиқишлари ва Беркли ҳамда Юнгнинг идеологик ассоционизмдан юқори кўйган.

Шотланд мактаби тарафдорлари билан биргаликда идеологик ассоциация тарафдорлари онгнинг психологик ўзгариши фақат ташқи факторларга эмас, балки ички факторларга ҳам боғлиқлигини исботлашди. Шу факторлар Брауннинг тенденцияни икки хил йўналишда синтез қилишига сабаб бўлади.

Брауннинг ассоциатив психология тарафдорлари томонига ўтиши, уни шотланд мактаби тарафдорларидан онгнинг қобилятга, ақлга ёки кучга қараб ўзгаришини исботлади.

Брауннинг шотланд мактаби тарафдорлари идеализмга содиқ ҳолда Д.Юмнинг скентизми ва солипсистик қарашларига қарши боришди.

Улар Брауннинг фикрича ҳаётни реал тушунишга ҳаракат қилишган. «Ассоциация» термини материалистик дунёқараш ифодалаганлиги учун Браун бу терминни «сунестия» сўзи билан ифодалади.

Браун аргументациясига танқидий назар билан қаралганда, унинг асосий роли бу ғоялар макон ва замонни биргаликда бир-бирига боғлашдир.

XVIII асрнинг классик ассоционизми Ньютон механикасидаги кучларни тушунтириш ҳисобига олинган. Ньютоннинг физика қонунлари билан биргаликда интеллектуал ишларини тушунтириш мумкин эмас эди.

Ерга тушаётган олма ҳақидаги Ньютон фикрларига боғлаб, олмани тушунтиришда Браун ассоциацияни сунестия билан тушунтиради. Браун ассоциацияни сунестия қонунларини бирламчи ва иккиламчи қонунларга ажаратади.

Бирламчи қонунда улар тажрибаларга эмас, балки ўзаро онгнинг тафаккурига ҳамда ўзаро муносабатга боғлиқлигини ифодалайди. Ассоциациянинг бирламчи қонуни зарур, аммо бунинг камчилиги шундаки, кучларни психик феноменини онгда пайдо бўлишини тушунтира олмайди.

Ўтган асрнинг 20-йилларида, яъни Брауннинг маърузалари чиққан пайтда Жеймс Миллиянинг «Инсон онгини феноменларининг анализи» номли китоби 1829 йилда нашрдан чиқди. Жеймс Миллия ассоциацияси онгнинг тафаккурига боғлиқлигини анализ қилишни интроспекциялаш деб ҳисоблар эди.

Германияда ассоциатив психология ғоялари Гербарт (1776-1841) концепцияларида ифодаланган. Бу мамалакатда Буюк Британияга нисбатан ўзгача ғоявий дунёқараш ҳукмрон эди, бунга сабаб унинг тарихий ривожланиши эди. Шунингдек фалсафий анъаналар ҳам асосий рол ўйнайди. Лейбницдан Кантгача ҳамда Гегелнинг немис фалсафаси субъектнинг бошланғич активлиги, қарама-қаршиликлар ҳамда унинг характериini шахсий ҳаётга қарабини ифодалаб беради.

Ёш авлод Фихте Шиллинг ва Гегелнинг фалсафий системасида илмий дунёқарашнинг илмий тажрибалар асосида юзага келишига ишонганлар. Кўпчилик ёшлар бу ғояларни инсон ҳаётини ҳамда табиатини ўзгартиришда фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Лекин назарий жаҳатдан немис классик идеализмдан юз ўгирдилар. Аммо танқидчилар бундан жавоб тариқасида Германиядаги Гербарт концепциясининг педагогик тажрибалари ва Бенеккеннинг фалсафий ҳулосаларини мисол қилиш мумкин.

Гербарт машҳур психологик қобилият эгаси Кристиан Вольфга ҳамда Кантнинг фалсафий қарашларга қарши чиқиб уларнинг ғояларини трансцендентал апперцепция, онгнинг акти ва ҳоказо билан номлади. Гербарт аввалги авлодни ўқитиш ва тарбиялашда ёш авлодга бемақсад, тушунарсиз ғояларини ўргатишда айблайди ҳамда қобилият, қизиқишга қараб психологиясини ўзгартириш мумкинлигини тушунтиради.

Гербартнинг асосий меҳнати «Метафизика, тажриба ва математикага асосланган психология» (1816) деб номланган.

Бу асрда Гербарт руҳининг фанга маълум бўлмаган томонларини ва бу инсон онги ва психикасига таъсир этишни ёритиб беради. Шунингдек, Гербарт психодинамикадаги ўзаро қарама-қаршилиқни ва komplikацияни ифодалаб беради.

Ҳар қандай фалсафанинг буюк асосий масаласи тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга муносабати масаласидир.

Гербарт ҳар доим қандай бўлмасин бирон тарзда дин билан боғлиқ бўлган идеализмни қатъий суратда рад қилиш билан бирга, ўша вақтда тарқалган Юм ва Кант нуқтаи-назарини, турли тусдаги агностицизм, киритизм ҳам рад қилди.

Оламнинг бирлиги унинг борлигида эмас, унинг моддийлигидадир. Бу моддийликни фалсафа ва табиёт илмининг узоқ ва қийинчилик билан тараққий қилишини исбот қилиб келмоқда.

Ҳаракат материянинг борлиқ формасидир, ҳеч қаерда ва ҳеч вақт ҳаракатсиз материя, материясиз ҳаракат бўлган эмас ва бўла олмайди.

Агар тафаккур ва билиш нима, улар қаердан олинадиган саволга жавоб, уларнинг киши миясининг маҳсули эканини ва одамнинг ўзи эса табиат

маҳсули бўлиб, маълум табиий шароитда у билан бирга ривожланганлиги кўриш мумкин. Шунга биноан ўз-ўзидан тушунарли, киши миясининг маҳсули эканини ва одамнинг ўзи эса табиат маҳсули бўлиб, маълум табиий шароитда у билан бирга ривожланганлигини кўриш мумкин. Шу ғояларни Т.Браун, Жеймс Миллия ва Бенекке тасдиқлаган.

Ассоциация ҳақида фикр юритилганда инглиз психологлари Юм ва Гартлини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки улар XVIII асрдаёқ ҳар хил психик ҳодисалар ва элементлар идеал-тасаввурларнинг яхши бўлиб бирлашишини асосий қонун сифатида ассоциациялар ҳақидаги таълимотини илгари сурдилар. Ассоциациялар ҳақидаги бундай таълимот бир вақтда ҳам идеалистик, ҳам материалистик йўналишда пайдо бўлади.

Идеалистик йўналишнинг вакили бўлган Давид Юм онгнинг барча мураккаб ҳодиса ва маҳсуллар ўзининг «мени» эканлигини (ўз-ўзини) англаш, ўзаро ташқи боғланишлар ассоциациялар билан боғланган «тасаввур бирикмалари» дир холос, деган таълимотни илгари суради.

Материалистик ақлнинг вакиллари Давид Гартли (1705-1757) ва унинг шогирди Жозеф Пристли (1733-1804) эдилар. Улар ассоциация тасаввурларини миядаги физиологик боғланишларга тенглаштириб қўйдилар. Гартли психологияга руҳнинг физикаси деб қаради.

Ассоциациялар ва уларнинг инсон психик фаолияти таркибидаги муҳим роли ҳақида таълимот XIX асрда жуда кенг тарқалди. Эмпирик психологиянинг «Ассоциатив психология» деб аталган алоҳида оқим пайдо бўлади. Бу оқим XIX асрнинг уч чораги мобайнида мавқени эгаллаб қолди.

Ассоциатив психология вакиллари барча мураккаб психик жараёнлар (хотира, тафаккур, нутқ, хаёл, ирода) бир хил бирламчи психик элемент бўлган сезгилардан ва уларнинг нусхаси бўлган тасаввурлардан ҳосил бўлади деб даъво қиладилар. Айрим сезги ва тасаввурларнинг ассоциатив қонунига биноан ўзаро механик боғланишлар билан бирлашадилар. Масалан: хотира жараёнлари - ассоциацияларга тенглаштириб қўйилади, яъни эсда қолдириш янги ассоциациялар ҳосил қилишдир, эсга тушириш эса аввал мустаҳкамланган ассоциацияларнинг жонлантиришдир.

Ассоциатив психология вакиллари шундан иборатки, улар онгнинг юксак мураккаб жараёнларини, яъни тафаккур, нутқ ва идеалларнинг тажриба асосида (асосан ўз-ўзини кузатиш билан) ўзгаришини диққат марказида тутдилар.

Бироқ кейинчалик ассоциатив психология вакиллари ва бошқа психологларнинг бу таълимоти амалда ўзининг яроқсизлигини кўрсатади. Психик ҳаётнинг мураккаб ҳодисаларини фақат ассоциатив жараёнларга тенглаштириб қўйиш мумкин эмаслиги маълум бўлди.

Ассоциатив психология тарафдорлари сифатида англиялик Жеймс Милль (1773-1836), Александр Бэн (1818-1903), Герберт Спенсер (1820-1903), германиялик Теодор Циген (1862-1950), Эббингуаз (1850-1909)ни айтиш мумкин.

АҚШ даги психологик инқироз мамлакат ривожланишининг ички шароити даврида авж олади, яъни бир пайтда ривожланган капиталистик

давлатга айланаётган саноат ривожланишининг ўсиши, рақобатнинг кучайиши одамларнинг ҳаёт тарзини кескин ўзгартириб юборади. Мазкур ҳолатда эса ҳамон Библия концепцияси гуллаб яшнамоқда эди.

1890-йилларда кўплаб Америка университетларида тарбиявий психология лабораториялари вужудга кела бошлади. Америка психологларида энг йирик намоёндаси Жемс Кэттел бўлган. 1892 йил бир вақтнинг ўзида АҚШга икки Европа психологи Э.Титченер ва Г.Мюнстерберг келади.

Америка психологияси ўз миқёси ва хилма-хиллиги билан Европа психологиясини сиқиб чиқара бошлайди. АҚШдаги психология фанини ривожланиши жараёнини тўғри баҳолаш учун Европа мамлакатлари ва Америка континенти ғоявий шароити орасидаги фарқни ҳисобга олиш керак эди, Европа мамлакатларида психология фалсафадан ажралиб чиқаётган бўлса, Америкада бир вақтнинг ўзида ҳам фалсафадан, ҳам диний эътиқоддан мустақил бўла бошлади.

Функциянинг структурага қарама - қарши қўйилиши.

Экспериментал психология аввало "Вундт" дастури бўйича ишлаб чиқилди. Биринчи бўлиб элементларга бўлиш ва структурага муносабатларини топиш талаб қилинар эди. Бу структурага функция қарама-қарши қўйилган эди. Бу қарама-қаршилиқ Европада ҳам, Америкада ҳам катта исён, қаршилиққа сабаб бўлди.

Янги психологиянинг методларини ўрганган ёшлар ҳаммаси функционалистлар эдилар.

Вильям Жеймс.

Вильям Жеймс таълимоти янги психика таълимотига ўтишда салмоқли ҳисса қўшди. Роджернинг фикрига асосан Жеймс қарама-қарши турди. Уни шахснинг кучли психофизик боғланишлари қизиқтирар эди.

Жеймс 1870 йиллардаёқ психологияга мурожаат қилди. У Гарвард университетида дарс бериш давомида физиологиянинг психологияга таъсири ҳақида маърузалар ўқиди. 1880-йилларда у журналларда психофизиологик саволлар билан чиқди 1890 йилда эса унга катта шуҳрат келтирган "Психология негизлари" китоби нашрдан чиқди. У психологиянинг ўқув дастурига айланди. Жеймс ўқитувчилар билан психология ҳақидаги суҳбатларида Вундтнинг мактабини танқид қилди. У ўзининг физиологиянинг психологияга таъсири курсини Вундт фикри бўйича эмас, Спенсер фикри бўйича ўқиди. Унинг таъкидлашича, психика функциясининг қиммати фақат эволюцион таълимотининг (ўқишнинг) негизидагина кўриниши мумкин. Вундт психологияни алоҳидалик объекти билан қўшиб кўрсатди. Жеймс эса субъектни ажратиш йўллари ахтарди. Жеймснинг диққат марказида шахснинг интеграцияси, ўзини тутиши иродага боғлиқ хусусиятлари киради.

Онгдан ташқари, индивид организм билан мужассамлашган. Жеймс "Эмоция нима бу?" мақоласида эмоция - бу одам ўзини-ўзи ҳис қилишидеб айтади. Кейинчалик ҳамма онг моторлидир деб хулоса қилади. Бу хулоса "прогматизм" билан боғлиқдир.

Мистицизм

Жеймс бошқа бир томондан мистик тажрибани ўрганади. Унинг таълимоти бўйича онг аниқланган пайтда шахс билан бирга бўлади.

Онгнинг йўқолиши ва неореализмнинг пайдо бўлиши

Онг алоҳида ҳисоблансада, унга боғлиқ бўлмаган объектдан ажралган ҳолда эмас, Жеймс индивидуал онгнинг турлилиги, уни қайтарилмаслигини тушуниб етгач, онг тўғрисидаги "образлар йиғиндиси жойлашган бир идиш" деган ғояни рад этади.

Хўш, "Образлар йиғиндиси" қаёққа йўқолди? Бу саволга Жеймс 1904-йил "Онг мавжудми?" деган мақоласида жавоб берди. У ўз мақоласида онг ичида мавжуд деб ҳисобланган нарсалар ундан ташқарида эканлигини тушунтириб берди. Онг объект билан муомалада ва алоқада бўлиши мумкин, лекин улар бундан ҳеч нарса олмайдилар ҳам, йўқотмайдилар ҳам. Онг алоҳида мавжуд нарсадир.

Неореализм тушунчасини юзага келтирган Жеймс субъективизм устидан ғалаба қилишига, онгнинг реаллигини исботлашга ва бу билан феноменлар маълумотларини тугатишга уринди. Бу уринишлар онгнинг реаллигига шубҳа билан яқунланди.

Жеймс дунёқараши традицияси жуда идеалистик эди. Унинг онгни реал эканлиги, унга, предметга, шахсга қарагандек қараш кераклигини исботлаш учун қилган ҳаракатлари зое кетди, у феноменализм доирасини енга олмади. Жеймснинг психик тушунчалар изланиши икки йўналишда борди, яъни табиий илмий ва мистик йўналишларда кўпроқ изланишлар олиб борди.

Функционал психологиянинг тарафдорларидан бири Джон Дрюидир. У ўзининг "Психологияда рефлектор акт ҳақида тушунча" номли мақоласи билан танилади. Америка психология тарихи адабиётида бу мақолани функционал психологиянинг Вундт Титченер структурал мактаби билан чегара учун сабаб қилиб кўрсатилади.

Лекин қандай қилиб рефлектор акти ҳақидаги тушунча структуралистлар билан кураш ва турли қарашлар учун асос бўла олади? Ахир структурализмнинг дохийлари Вундт ва Титченер нерв ходисалари ҳақида билим психология учун фойдали, лекин у психологик ходисалар ҳақидаги билимни кенгайтира олмайди деб ҳисоблайдилар. Улар Дрюи ўз мақоласида «элементализм» бутунликни айрим бўлақларга бўлиб ташлади, деб танқид қиладилар.

Дрюи ўз мақоласида психологик фаолият у оқимдир, лекин онг эмас, активлик эса бутун организмни унинг нерв структураси билан ва муҳит билан эканлигини кўрсатиб беради, дейди

Дрюи аниқ фактлар асосида изоҳладики: ҳаракатдан сезиш боғлиқлиги ва сезишдан ҳаракат боғлиқлигини мавжуддир. Ҳаракат ҳақиқатдан ҳам сезгининг ривожланишида бевосита иштирок этади. Лекин образ ва қўзғовчи объект бир хил эмас.

Муҳит ва координатсион субъект принциплари

Конкрет психологик анализ объекти ахлоқ ҳисобланган бир пайтда психология ривожланишидаги ушбу қурилиш билан Дрюнинг фикри

боғлиқдир. У рефлекс тўғрисидаги детерминистик тушунча психологик реалликни ўрганишга тўсқинлик қилишини исботлаб берда.

Бошқа бир томондан Дрюи бу реалликни Титченердан бошқача тушунди, яъни униинг остида "материя"ни эмас, бошқа субъект кечинмасини, кординация жараёнида эса субъект ва муҳитни тушунди.

Дрюи субъектив идеализмни тараққий этган илмнинг янги поғонасига кўтарди, қачонки турли ўзгарувчи қарашларни психологик функцияларни шарҳлаб бериш зарур бўлган бир пайтда улар дунёда яратган тушунчалардан, яъни индивиднинг ҳис этишида, ҳаракати тўғрисидаги тушунчаларни исботлади.

Чикаго мактаби.

Жеймс ва Дрюилар функционал психологиянинг Чикаго мактаби дастурини тайёрлашади. Бу дастур 1906 йилда Д.Н.Энжело томонидан Америка психология ассоциациясига тақдим қилинади. Унда функционал психологик жараёнлар ҳақида белгиланади. Жараён эҳтиёж билан муҳит ўртасидаги бирламчи вазифани бажаради. Онгнинг асосий белгиланиши "янгича нисбатан аккомодация"дир. Организм психофизик бутунлик сифатида ҳаракат қилади. Шунинг учун психология онг билан чегараланиб қолмайди. Бу соҳада Энжело структурал психологияга хужум қилади.

Агар Титченер психологияни бошқа фанлардан қатъий чегараланишини талаб қилса, функционалистлар унинг неврология, социология, антропология билан ҳамкорлигини тарафдорлари бўлишди. Чикаго мактабида мушаклар тузилиши ва эҳтиёж факторига катта аҳамият берилган.

Онгнинг ва хулқнинг фаолиятини ўрганувчи психофизик тартиб Америка функционализмида табиий-илмий бўёққа эга бўлиб Европа йўналишидан кескин фарқ қилади. Лекин уларни умумийлик томонлари кўп бўлган.

Қисқа вақт мобайнида гуллаб яшнаган функционал мактабнинг теологизми структурализм сингари парчаланиб кетди, бошқа оқимлар томонидан сиқиб чиқарилди. Шу оқимлар функционализм муаммоларини "ютиб" юборади. Функционализмнинг фалсафий лойиҳаларининг бир нарса эканлигини кўрсатди.

Психологик мактаблар

XIX ва XX асрдаги психология - бу асосан эмпирик психологиядир. Психологияда XVII асрда пайдо бўлган бу йўналиш XIX ва XX асрнинг бошларида ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига эришди. Унинг ютуқларига эришувига сабаб эксперимент методининг татбиқ қилиниши эди. Унинг предмет доираси жуда кенгайди. Юқорида айтилгандай, психология фанининг махсус ўз вазифалари ва методларига эга бир қанча шахобчалари майдонга келди.

Эмпирик психология бир бутун нарса эмас эди. Бу психологиянинг ичида бир қанча йўналиш ва оқимлар мавжуд эди. Психология тарихида булардан анча машҳур ва муҳимлари ассоционизм, интеллектуализм, волюнтаризм, гештальтпсихология ва фрейдизмлар эди.

Интеллектуал психология - бу психиканинг асосий элементи ва психологик фаолиятнинг асосий функцияси ақл-интеллектдир деб ҳисоблайдиган йўналиш. Интеллектуалистларнинг фикрича, турли-туман психик жараёнлар, шу жумладан эмоционал ва ирода жараёнлари ҳам сезги, тасаввур ва тушунчаларнинг кўшилишидир деб тушунтирилади. Ассоциатив психологиянинг вакиллари ҳам интеллектуалистларга киради, чунки улар ҳам бирламчи ва асосий элемент тасаввурлардир деб ҳисоблаганлар. Психология ва педагогикада интеллектуализмнинг энг кўзга кўринган вакили Гербарт ҳисобланади.

Волюнтаристик психология, интеллектуализмдан фарқ қилиб психик ҳаётнинг асоси сифатида шахснинг иродасини, активлигини, фаоллигини илгари суради. Барча мураккаб психик жараёнлар, хусусан, тафаккур ҳам инсоннинг иродавий активлиги деб талқин қилинган.

Волюнтаристик психологиянинг вакиллари Г.Линне (1889-1941), Г.Мюнстерберг (1863-1916) эдилар. Вилгельм Вундт ҳам гарчанд ироданинг асосий ҳислардир деб ҳисоблаган бўлса ҳам волонтарист эди.

Фрейдизм - бу ўз номини австрия невропатологи ва психологи Зигмунд Фрейд (1856-1939) номидан олган бўлиб, психология ва невропатологиядаги алоҳида йўналишдир.

Фрейд таълимотига кўра, шахс психологик ҳаётининг асоси жинсий лаззат олишга қаратилган, туғма онгсиз майл(инстинкт)дир. Лекин тарихан таркиб топган одат, ахлоқий принциплар туфайли, ижтимоий «цензура»нинг мавжудлиги туфайли бу майл тўғридан-тўғри тўсилади. Шунинг учун ҳам баъзи кишиларда бу онгсиз табиий майл билан англаб турилган вазият ўртасида ички руҳий конфликт (тўқнашув) пайдо бўлади. Бу тўқнашувлар баъзан асаб касаллигига (неврозга) олиб келади.

Кишилиқ жамиятида кўпчилик кишиларнинг ҳаёти ва тараққиёти жараёнида бу табиий онгсиз майл энергияси меҳнат фаолиятига ақлий ва ижодий фаолиятга қаратилади ва сарф этилади. Ҳаётнинг юксак соҳасига энергиянинг шу тариқа кўчирилишини сублимация деб аталади. Фрейднинг айрим шогирдлари унинг таълимотига баъзи бир ўзгаришлар киритганлар. Масалан, Адольф Адлер (1870-1937й.) фикрича, психик ҳаётнинг асосини сексуал (жинсий) майл эмас, балки устунликка, ҳокимиятга, бошқа кишилар устидан ҳуқумронлик қилишга бўлган табиий майл ташкил қилади.

Гештальт психология ёки бошқачасига структура, яхлит психология. Бу йўналишнинг асосий вакиллари Х.Эренфельс (1859-1932), В.Келлер (1887-1967), К.Кофка (1886-1941) лардир. "Гештальт" тушунчасини фанга Эренфельс киритган. Бу психологлар барча мураккаб психик жараёнлар элементлар ҳодисалардан-сезгилардан таркиб топади деб ҳисобланган ассоциатив психологияни танқид қилиб чиқдилар. Гештальт психологиянинг вакиллари бу таълимотга қарама-қарши ўлароқ, ҳар бир психик ҳодисанинг мазмуни унинг таркибига кирган қисм ва элементларнинг йиғиндисига нисбатан мазмундорроқ ҳамда бойроқдир. Айрим элемент ва қисмларнинг йиғиндиси бутуннинг мазмунини белгиламайди, балки, аксинча, бутун (яхлит структура)қисм элементларнинг хусусиятларини белгилаб беради.

Бу психик структуранинг яхлитлиги назарияси, аввало идрок фактлари, асосида ишлаб чиқилган эди. Идрок - бу сезгиларнинг йиғиндиси эмас, балки яхлит образдир, деб таъкидланарди. Психик маҳсуллар ва структураларнинг яхлитлиги ҳақидаги бу таълимот кейинчалик хотира, тафаккур ва ирода ходисаларига ҳам татбиқ қилинган эди.

Бу алоҳида-алоҳида йўналиш ва оқимлар, бир қанча умумий хусусиятга эга бўлган ҳолда «Эмпирик психология» деган умумий ном остида бирлашдилар.

Психологиянинг предмети ва методларини бир хилда тушуниш бу барча оқимларнинг бирлашувига сабабчи бўлди.

Эмпириклар психологияни руҳ ҳақидаги фандир деб эмас, «руҳий ходисалар» ёки «онг ходисалари» ёки бўлмаса фақатгина онг ҳақидаги фандир деб таъкидладилар. Бу «руҳсиз» психологиядир (Н.Н.Ланге), «ҳеч қандай метафизикасиз психологиядир» (А.И. Введенский).

Эмпирик психологиянинг тарихий хизмати шундан иборатки, унинг вакиллари илмий жиҳатдан ўрганиш предмети сифатида руҳни инкор қилди. Бу ҳолатни психологиянинг метафизик ва идеалистик қарашлардан холи бўлиш йўлидаги катта қадами деб ҳисоблаш мумкин.

Юқорида айтилганидай, эмпирик психологиянинг асосий методи кузатиш, тажрибадир. Лекин табиат фанларидан психология соҳасига кўчирилган бу метод ички метод ички тажриба сифатида бошқача тус олади.

Эмпирик психология объектив кузатиш методидан ҳам, эксперимент методидан ҳам фойдаланган: психик ходисалар ҳар хил махсус асбоблар ёрдами билан махсус лабораторияларда ўрганилди; материалларни текшириш ва яқунлашда математик статистика (корреляция) методларидан фойдаланилди.

Эмпирик психологиянинг психология фани тарихидаги иккинчи катта хизмати тажрибадан фойдаланишдан, психологик экспериментлар ўтказишнинг метод ва техникасини ишлаб чиқишдан иборат.

Психология томонидан экспериментнинг тадбиқ қилиниши туфайли инсон психологияси соҳасида бой материаллар тўпланган. Бу материалларнинг кўпчилик қисми ҳозиргача ҳам аҳамиятини йўқотмаган (масалан, Вундт ва Эббингаузнинг экспериментал ишлари) эмпирик психология аниқланган маълумотлар ва ишлаб чиққан экспериментал метод ва усуллар амалиётда ҳам, масалан, медицина ва педагогика соҳаларида фойдали бўлиб чиқди.

Таянч тушунчалар: Нерв машинаси, неврологик амалиёт, детерминацион руҳ, физиологик система, ирода импульси, ассоциация, скептизм, классик идеализм, психодинамика.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Алберт Галлер таълимоти ҳақида нима биласиз?
2. Прохазканинг сезги ҳақидаги таълимоти нима?

3. Францияда материалистик психология.
4. Функционал психология ҳақида гапиринг.
5. Чикаго мактаби.

8-мавзу. XIX асрда психология фанининг таракқиёти

Режа:

1. Сизги органлари психофизиологияси.
2. XIX асрда психик фаолият ҳақидаги назариялар
3. Психик кўринишларнинг детерминация спецификациясини ўрганишда Гельмголтц роли
4. Психофизика
5. Нерв системасини ўрганиш

Сизги органлари психофизиологияси.

Сизги органларининг психофизиологияси рефлекслар акти илмига ўхшаб, узоқ муддат механистик детерминизм таъсирида бўлди. Ташқи туртки ва механизмдек анатомик тузилиш фақат шу иккита факторлар ҳаракат ва сенсор актлар тўғрисидаги детерминистик билимни ташкил қилар эди.

Ҳар ҳолатда механизм ўзини тўкнашувини туғдирар эди. Рефлекс тўғрисидаги илмга ҳаракат реакциясининг мақсадга мувофиқлиги ва вариантвлиги қийинчилик туғдирар эди. Сизги органларини ўрганишда эса ўзига қабул қилишда предметлилиги, ташқаридан проектлаштирилганлиги тўсқинлик қилар эди. Сабаб сезгини назариясига кўра қабул қилиш органига буюмни таъсири тез келар эди.

Эффектдан буюм тўғрисида онгдаги информацияга ўтиш йўли туртки ва органни материал ўзаро ҳаракати аниқланмади. Улар ўзаро ҳаракатдан ташқаридан изланди. XIX асрнинг биринчи ярмида баъзи психофизиологлар Вебер, Пуркинъеда сенсор ва ҳаракат сферасида ўзаро боғланиш бор, деган фикр туғилди.

Кейинчаликдаги ҳар хил рецепторларни фаолиятини экспериментал ўрганиш сезги образларини яратилиши илмий табиий анализни имкониятини кенгайтирди. Тажриба, машқ кўп нарсани тушуна олиши мумкинлигини аниқлади. Физиолог учун машқ материал органини активлигини назорат қилиш ва объектив ўрганиш учун қулай бўлди.

Сизги органларини физиологияси ривожланган сари қабул қилишни (ўзлаштириш) детерминловчи муносабати тўғрисидаги баҳс ниҳоятда кучайган эди.

"Манивизм - эмпиризм" антитезаси пайдо бўлди. Бу антитеза, айниқса, яққол масофа кўриниши табиати ҳақидаги баҳсда билинади. Баҳсда бу кўриниш ўз асосида кучланиш (нативизм) ёки тажрибада олганлиги (эмпиризм) деган савол турарди.

Эмпириклар ва нативистлар ўртасидаги баҳс шуни билдирадики, табиий ташкил тўғрисидаги тушунча қайта кўриб чиқишга муҳтож. Бунини сезги органлари физиологияси муваффақиятлари ҳам талаб қиларди.

Гельмгольц (1820-1894) бу муваффақиятларга янги асрни очди.

XIX асрда уни номи билан физиологик тушунчани тубдан ўзгариши боғланган. Янги кучли илмий тадқиқот йўналиши нерв толасида қўзғалишни тарқалишини тезлигини ўлчаш имкониятига эга бўлади.

Гельмгольцни "Эшитиш органларини мусиқа назариясининг физиологик асоси сифатида ўрганиш" ва «Физиологик оптика» асарлари ҳозирги замон сезги органларининг физиологиясини фундаментини ташкил қилди. Гельмгольцни физиолог сифатида кўрсатган хизмати айниқса, фалсафани қизиқтириб келаётган баъзи масалаларни тушунтириш принципи ва методларини физиологияга тарқалишида муҳим аҳамиятга эга.

Гельмгольц табиатшунос сифатида материализмга яқин. Контнинг фалсафаси И.Мюллер концепцияси билан бирлашиб у ҳам ҳар бир сезги органи аппарат бўлиб "махсус энергия" билан зарядланган, сезиш шу энергияни баъзи бир физик сабаб ҳаракатини озод бўлиши натижасида ўтади.

Бу концепциядан келиб чиқиб, Гельмгольц органга тааллуқли бошланиш сенсор элементлари борлигини қабул қилади. Сезгини "тоза ҳолати"ни ўрганиш қийин, чунки табиий вазифаси атроф муҳитда ориентация мақсадига хизмат қилишдан иборат. Шунинг учун сезгини ўзини эмас, предметни сезги сифати англади. Унда қандай қилиб сезгини ташқи шароит билан боғлаш керак, агар сезги у шароитларга тобе бўлмаган органни анатомик тузилишига солинган деган фикр юритилган бўлса?

Гельмгольц фикрича, муаммони символлар назарияси ҳал қилади: сезгиларни объектив дунёга муносабати символ ёки белги формасига эга. У сезги органларини табиатшунослик ўрганиши учун Мюллер доктринаси хавфли эканини назарий жиҳатдан тушуна олмас ва уни физик қўзғалиш, нерв моддасидаги жараён ва сенсор акти ўртасидаги тўғри сабабли боғланиш деб ўйлар эди. Бу Гельмгольц назариясини уни сезги органларининг психофизиологияси тўғрисидаги материалистик йўналишдаги ёзган ишларига қарама-қарши бўлди. Аммо Мюллер схемаси Гельмгольцни конкрет экспериментал ишларида бошқаради, методологик томони уни қониқтиради дейиш хато ҳисобланарди.

Мюллер билан бошқа-бошқа йўлдан келганини, Гельмгольц нативизм ва эмпиризмни ғояларини солиштириб тушунтиради. Мюллер фикри бўйича сезги органига оддий, сенсор сифат солинган. Асосий детерминант сифатида бошланғич органик тузилиши берилган. Субъектив дунёни тасвирини қабул қилишдаги асоси ўзгартирилган ҳолатда бўлади.

Гельмгольц унга қарама-қарши буюмни образини, шакллантиришда муҳим аниқловчи фактор деб тажрибани қўйди. Уни экспериментларида муҳим дақиқа бўлиб сенсор фаолиятини ташқи объектларга тобелиги бўлиб чиқди. Қабул қилиш факторларини предметлилигини физиологик оптикасини феноменларини кўпини тушунтириб берди. Кўп тажрибалардан бирини деб ҳар хил кўринишдаги призмалардан фойдаланишни айтиш керак.

Нурларни синиши предметни нотўғри қабул қилинишини айтмаганда тажриба қатнашчилари призма орқали тўғри кўришни ўрганиб олишди.

Бунга кўп тажрибалар ёрдамида эришилди. Экспериментлар шуни тасдиқладики, сезги орқали қабул қилиш сенсор эффектига тобе бўлмасдан, предметни ўз ҳолатини қабул қилар эди.

Психик кўринишларни детерминация спецификасини ўрганишда Гельмголтц олдида яна бир ҳал қилувчи ҳолат ташқи объектни қабул қилиш ундан олдинги тажрибага тобелигини кўрсатиш эди. Гельмголтц "онгсиз ақлий хулоса" тўғрисидаги назарияни олдинга суради.

Гельмголтц «онгсиз ақлий хулоса»ни структурасини бир неча бор қайтарилган, шунинг учун ўрганиб олган тушунча ассоциацияси деб топди.

Ақлий хулосани категориясини пайдо бўлиши физиологик ўрганишларда уларни илмий табиийлигини тебрантириб юборишади, чунки ақлий хулоса механизми сенсомотор реакцияси билан тушунтирилади. Масалан, предметни катта-кичиклиги тўғрисидаги хулоса кўздаги тасвир катта кичиклигига ва кўз мушакларини куч билан ишга солиш ўртасидаги боғланиш орқали олинади. "Онгсиз ақлий хулосалар" тўғрисидаги ишига шундай тушунча характерики, бунга асосан "хулоса қилиш" операцияси ақл билан эмас, сенсомотор актларини солиштирган ҳолда келиб чиқади. Бу жараёнда албатта ҳаракатланувчи реакциялар қатнашади. Шундай қилиб сезги органлари ва ҳаракат органлари ўртасидаги узилишни енгиш имкони пайдо бўлди.

Гельмголтц гипотезасидан сўнг янги психология фаоллари Сеченов ва Вундтлар ҳам муҳим тушунтириш аҳамиятини тан олишди. Гельмголтц гипотезасини идеалистик файласуфлар предмет дунёси ўз операциясини англай олмаётган интеллектни ишини бир варианты деб тушунтирдилар.

Яна бир томони детерминизм билан бирга ишлатилиши мумкин бўлмаган гипотеза, "интервация сезгиси"дир. Гельмголтц сезгини махсус синфи борлигини айтади. Бу сезги индивид ўз ирода кучи билан мускулларини интервация қилганда пайдо бўлади.

Шундай қилиб, Гельмголтц системасида туғма тузилиш таъсири минимумга туширилиб, муҳим рол тажрибага берилди, предмет образини шаклланишида сенсор ва интеллектуал дақиқа бирлиги тасдиқланди. Шу билан бирга Гельмголтц эксперимент йўли билан психик ҳаётда маълум ҳолда феномен эмас, у ўз қонунига эга бўлган фаолият деган фикрни илгари сурди.

Гельмголтцни сезги органлари психофизиологияси тўғрисида эришганлари психик кўринишдаги детерминацияни махсус хусусиятини ёритди. Янги фан фалсафа ва физиологиядан ўзга фан яратилишига олиб келди.

Психофизика.

Психик кўриниш аниқ қонуниятга боғлиқ деган ғоя психофизика оқимини изланишларида тасдиқланган. Бу оқимнинг ташкилотчиси немис олими, физиолог Густав Фехнер(1801-1887) эди. Аниқ маълумот ва метафизик спекуляция уни фикрлашида боғланиб кетган. Олим XX асрнинг 20-30 йилларида Лейпцигда физикадан дарс бериб электр бўйича изланишлар олиб борган. Психологик саволларга қизиқиш ўшанда пайдо бўлган. У узок касалликдан сўнг кўзи хиралашиб қолганда фалсафа билан шуғулланган, уни фикрича бутун коинотда онг тарқалган.

Осмон жисмлари тирик, материя эса психикани орқа кўринмас томони, буни Фехнер математика ва эксперимент билан тасдиқламоқчи эди. Бир вақтлар Герберт психик ҳаётни математик формулалар билан боғламоқчи бўлганида мағлубиятга учради. Бу ҳисоблаш материя қалбаки бўлгани учун содир бўлди.

Физиолог олим Э.Х.Вебер(1796-1878)ни ишининг тақдири эса ўзгачароқ бўлди. Тери ва мускул сезгисини эксперимент йўли билан ўрганиб Вебер физик кўзгатувчи ва сенсор реакцияси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни математик формула билан ечиш мумкин деган хулосага келди. Вебер фикрича, кўшимча кўзгатувчи ҳар бир ёрдамчи берилган масофага нисбатан бир хил масофада бўлиши керак, шунда аранг сезилиш фарқи бўлади. Бу хулосани аҳамияти катта. Ташқи кўзгатувчидан олинган сезишни тартибли характерда эканлигидан ташқари методологик жиҳатдан психологияни келажаги учун муҳим хулоса, яъни сон ва ўлчовга бутун психик кўринишлар тобелиги физик кўринишга сабаб бўлди.

Вебер 1834 йили биринчи ишидаёқ кўзгатувчининг интенсивлиги ва сезиш динамикаси ўртасидаги муносабатга эътибор берди. Аммо илмий дунёда уни ишига қизиқиш бўлмади.

Веберни "сезиш доиралари" гипотезаси "тана юзаси сезиш доираларига бўлинган бўлиб, ҳар бири бир нерв толасига эга", деган хулоса Фехнерни ўйлантириб қўйди. Агар бутун коинотни планетадан молекулагача икки томони бўлса "ёруғ" яъни психик имконият бўлса ва "соя" яъни материяли бўлса, демак уларни ўртасида математик тенглама сифатида функционал муносабат бўлиши мумкин. Логарифм жадвалида психик ҳаётни ҳисоблаш мумкиндек бўлди. Фехнер материалистларга қарама-қарши қалб ҳолатлари ҳақиқатлиги ва уларнинг ҳақиқий ҳажмини физик ҳажмдек аниқ ҳисоблаш мумкин деб исботлашга интилан. Фехнер ишлаб чиққан метод узоқ давомий йиллар экспериментал психологияга таъсирини ўтказди. Уни формуласи сезги интенсивлиги кўзгатувчи интенсивлик логарифмига пропорционаллиги психологияга математик ўлчов киритиш намунаси бўлиб келди. Кейинчалик аниқландики, бу формула универсал бўла олмас экан. Тажрибалар унинг чегараси борлигини кўрсатди. Вебер бошлаган Фехнер лидери бўлган бу оқим сезги органлари физиологияси ўзагидан чиқиб кетди. Улар очган қонуният психик ва физик (физиология эмас) ҳодисаларини қамраб олади. Фехнерни ўзи психофизикани ташқи ва ичкига бўлди, ташқисида физик ва психик муносабат, ичкида психик ва физиологик муносабатни тушунар эди.

Аммо иккинчи режа (ички психофизика) тобелиги у яратган қонуни қизиқишидан ташқари ҳолатда қолди. Шундай қилиб, психофизика психологик фактлар ва ташқи кўзгатувчини контрол қилиш, ўзгартириш, ўлчаш, ҳисоблаш мумкин бўлган муносабатини ўрганади. Бу билан психофизика сезги органларини психофизиологиясидаи фарқ қилади.

Нерв системасининг анатомик ўрганиш рефлектор концепциясининг мустаҳкамланишига ва кейинги тараққиётга замин яратади. Улардан бири инглиз неврологи Чарльз Белл (1774 - 1842) эди. У 1811 йили ўз дўстлари

даврасида “Янги мия анатомиясининг қайта ишланган проекти” трактати ҳақида сўзлади.

Қадимий билимларни рад этиб ва ўз малакаларига суянган ҳолда Чарльз Белл ҳақиқатдан ҳам ягона нерв турли хил ўз хусусиятларига эга бўлган нерв билан боғлаганлигини таъкидлаган эди. Бу эса нерв толалари туташган мия майдонига боғлиқ.

Бу ерда эса Ч. Беллнинг проекти миянинг бошидан олувчи ҳамма нерв толаларини кузатиш ва шунингдек фақат миянинг структурасини сезги ташувчиси сифатида тушунишдан иборат. У руҳий ҳаётнинг элементларини скалпел ёрдамида аниқлади. Лекин анализ асбоблари интроспекуляр эмас, балки хирургия пичоғи эди. Белл бош миячага етиб кела олмади, лекин орқа поғонада у муҳим маълумотлар берди, яъни орқа мия нервларини олдини ва орқа қисмлари функцияларини фарқлаш аҳамиятини кўрсатади. Бу янгиликка мувофиқ Ч.Белл ҳақиқий илмий фактга сенсорли нервлар ёрдамидаги қонуний ҳаракат жавоби тариқасидаги реффлекторлар ҳақида тушунча беради.

Қисмлар функцияларини турлича эканлиги ҳақидаги бу маълумот Чарльз Беллгача ҳам мавжуд эди. Лекин ҳеч ким буни асослаб текширмаган эди. Ч.Белл эса буни экспериментал асосида исбот қилди.

Бир неча вақт ўтганидан кейин физиологик адабиётларда Ч.Белл томонидан ҳали қўлланмаган «рефлекторли дуга» термини киритилди. Белл ўзининг бу таълимотини трактатда кўрсатди, лекин озчиликни ташкил этадиган одамлар қаторида исбот қилган, шу сабабли уни бу иши унча машҳур бўлмади, лекин Белл кейин бу ишнинг аналогик қарорига келган француз физиологи Ф.Мажанди (1783-1855)дан сўнг бу умуммиллий таълимотга айланди.

Нерв импульсини орқа мия орқали афферент нервларга ўтиши қонуни Белл-Мажанди номи билан атала бошланди. Буни маъно жиҳатдан физиологлар қон муносабатлари билан таққослашди.

Кейинчалик XIX аср 30-40-чи йилларида рефлекс ҳақидаги билимларнинг давомчиси сифатида инглиз врачлари Маршал Холл ва немис физиологи Иоганс Мюллер (1801-1858) ни кўрсатиб ўтиш зарур.

Холл рефлексларига фақат табиати психик бўлган актларни боғлайди. Чунки рефлекс билан ҳаракатни бир-биридан чегараланган ҳолда сезгиларни чақирган орқа мияни орқа қисмлари иккита умуман ҳар хил бўлган нервлар, яъни сенсорли ва эксимоторли нервлардан иборат.

У «рефлекс сезувчи толаларни кузатмасдан уларда ҳал бўлган эксимоторли нервларни чақиради» деган фикрда туриб олади. Яъни таълимотини олиб кириш билан Холл турли психик ҳолатларга эътибор бермаган ҳолда, рефлектор фаолиятини турли тазйиқларини йўқотмоқчи бўлади. Мюллернинг фикрича, Холлнинг сезишни келтириб чиқарувчи (Масалан, акса уришдан сўнг, йўталдан ва ҳоказо) рефлектор ҳаракат билан ҳаракат билан ҳаракат ўртасида боғлиқликни инкор этган фикр нотўғри. Лекин Мюллер 1883 йилда чиққан “Инсоннинг физиологияси” асари ёрдами билан бу қарашлар нерв системасини физиологиясида рефлекс ҳақидаги назариялар

энтузиазми билан биргаликда қабул қилинди. Бу неврологик касалликларни ўрганишда янги томонларни очди.

Бу руҳ ҳақидаги тушунча фарқидан холи қилди ва ички стимулларнинг ўзаро муносабати, нервларнинг боғлиқлигини тана реакцияларидан чиқариб ташлади. Бу билан бирга ҳолатнинг барча мувозанати рефлексор принциpidан холи бўлишини тушунтириш мумкин эмас эди(Холлнинг трактатига мувофиқ).

Рефлексорнинг механик ҳаракат сифатида кўрсатилиши организмнинг анатомик жиҳатдан қурилиш ва ташқи кўринишида нима кечишидан қатъий назар “рефлексорли дуга”ни синтез қилувчи объект ёки ситуация ҳолатини кераклигини танлаб олишда куч ахтаришга мажбур этар эди. Бу кучни Холл ва унинг ҳамфикрлари ҳеч ҳам тўғри келмаган Декартдан яъни онгнинг асосий субстанциясидан излар эдилар.

Сезги органлари ҳақидаги билимлар.

Прохазка, Белл ва Мажандининг рефлексор механизмларининг ҳаётий фаолиятдан иборат ишлари нафақат мускуллар физиологияси, балки сезги органлари физиологиясига ҳам оид эди. Буларда улар нерв элементларини кўзгатишда ёрдам берадиган фақат бир эффект - бу сезиш эканлигини таъкидлар эди. Яъни сенсорли жараёнлар - нерв структурасининг турли морфологик томонларининг миянинг махсуслаштирилган майдонларига ўтказувчи йўллари ҳам исбот қилинган эди.

Нерв системасининг ҳаракатли ва сенсорли қисмларга бўлиниши психофизиологияда сезги органларини пайдо бўлишига олиб келади.

XIX асргача сенсор жараёнлари ичида кўриш жуда катта қизиқиш туғдирган эди, буни муҳим янгиликларни кашф этилган (масалан: аккомодация, ранглар жилоси ва бошқалар) математиклар ҳам, физиклар ҳам ўрганишар эди. XIX асрнинг биринчи 10 йиллигида кўзнинг ҳаётий функцияси сифатида физиологик система сифатида интенсив ўрганиш бошланади.

Физиологияда сезги органлари, шунингдек тадқиқотчилар бошқа физиологик объектларда рўй бермаган муаммоларга дуч келишди.

Чунки бу органлар нарсаларнинг моҳияти ҳақида маълумот берувчи сенсорли органлардир. Бу маълумотлар инсон онгига сезувчи ички кузатиш натижасида киради. Психофизиологияда сезги органлари ўз-ўзини кузатиш(интроспекция) қоидаларини кенг қўллаш билан бирга боғлиқ бўлса ҳам бу органларнинг ҳақиқий илмий анализи фаолияти худди шу субъектив феноменларни моҳиятини очишни чегаралай олмади. Бу уларнинг келиб чиқиши ва сабабини топишни талаб қилар эди. Оптика билан акустика ташқи оламнинг физик процесслари билан психик кўринишларига хизмат қилар эди. Янги физиологик нерв системаларини кўринишини ва моҳиятини тушунтириб беради.

“Сезги органларнинг специфик энергияси” принципи И.Мюллер ва бири-биридан мустақил ҳолда янги усулнинг назарий қисмига хизмат қилади. Белл ва Мюллер ҳам тана органларига материалли таъсир этиш сезишнинг сабабчиси эканлигини қўллаб - қувватлаган эдилар. Лекин улар нерв

системасининг моҳиятидан ташқари олинган маълумотлар ўз кўринишининг бошқача эканлигини инкор этишган.

“Сезги органларнинг специфик энергияси” принциписиз Юн-Гельмголтс унинг рангли 3 компоненти назарияси, Э. Вебернинг “сезиш доиралари” ҳақидаги таълимотлар ва бошқа гипотезалар рўй бериши мумкин эмас. Бу принцип сезишнинг идеаллик фикрларини буларнинг ҳар бири ўзининг “энергия” нервлар кўринишига эга бўлишини аниқлаган ҳолос.

Чарльз Белл ўзининг муҳим яъни кўзнинг мускуллари ёрдами билан нарсалар образда жойлашишини таъкидлаган эди. Шундан сўнг субъектив образ рефлекс принципи бўйича ишлайдиган нервли - мускулли объективлик ўртасидаги боғлиқлик пайдо бўла бошлади. Беллнинг “нervли доира” яъни, миянинг мускуллар билан ва мускулларни мия билан боғловчи сезгининг рефлектор табиатдаги тушунчалар ҳақидаги таълимоти қойилмақом жавоб эди.

У биринчи бўлиб сезги образларнинг туғилишида ҳаракат акти ҳақидаги сенсорли ва мускулли жараёнлар орасидаги алоқани «доиравий» ғоя билан боғлаб олиб боради.

Кейинчалик Белл бу ҳақида, яъни нафақат кўриш сезгиси, балки эшитиш ҳам мускул фаолиятини билан эшитиш сезгиси ўртасидаги боғлиқлик, деб ёзади. У сезиш қобиляти нафақат нервли туташилар кенглигига боғлиқ эканлигини ва “бу қобилят ҳаракат билан сезгининг боғлаш натижасида келиб чиқади”, деб таъкидлаган эди.

Ньютон ранглари экспериментал физика жиҳатидан ўрганиб, ўзининг машҳур оптикасини яратди, бу рангли сезишнинг кўринишлари моҳияти ҳақидаги қонунлардан иборат эди. 1801 йилда инглиз врачлари Юнг (1773-1829) бошқа бир фикрни ўртага ташлади, яъни тўрпардада учта турдан иборат тола бўлиб, булар ёрдамида рангли нурлар сочилади ва натижада қизил, яшил ва кўк ранглари сезгисини ҳосил қилади.

Аристотелнинг тадқиқотларига қайтган ҳолда шунини айтишимиз мумкинки, у оддий рангларга оқ ва қора ранглари киришини таъкидлаган эди. Унинг фикрича, бошқа ранглари маълумоти ҳавода иштирок этади. Қуёш эса оқ, жигарранг ва ҳатто қизил рангда идрок қилинади.

Таянч тушунчалар: психофизиология, рефлекслар, сенсор, механистик, детерминизм, анатомик тузилиш, фактор, сенсор актлар, рефлектор концепцияси, сенсорли нервлар, рефлекторлар, нерв импулси.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Сезги органлари ҳақидаги билимлар.
2. Психофизиология нима?
3. Бош мия ҳақидаги билимлар.

9-мавзу. Ўзбекистонда психология фанининг ривожланиши ва ҳозирги ҳолати

Режа:

1. Ўзбекистонда педагогик ва психологик лабораториялар очилиши
2. Институтлар очилишидаги олимларнинг хизматлари
3. Ўзбекистонда психология ривожига катта ҳисса қўшган олимлар

Дастлабки педагогик ва психологик марказлар 1918 йили Тошкент ва кейинчалик Чимкент шаҳрида ташкил қилинган. Педагогик музей ва педагогик лаборатория универсал ўқув тарбия муассасаси бўлиб таълим тарбия билан боғлиқ бўлган ҳамма вазифаларни қамраб олади. Бунинг ёрдамида таълим методлари ишлаб чиқарилган, шу ернинг ўзида синалган ва республиканинг бошқа ўқув муассасаларига тарқатилган. Ишнинг бундай ташкил қилинганлиги тадқиқот қилишга имкон берган. Педагогик лаборатория ҳақида низомда шундай дейилган: бу жой педагогик фикр ва ишнинг маркази бўлиши лозим. Шунинг учун педагогик ишнинг ҳар бир янгилигини ўқитишда лабораторияда тўпланган бой тажрибадан фойдаланиш имконияти берилиши керак, бу имконият бевосита мактабларга берилиши лозим. Бошқа лаборатория ва кабинетлар билан бир қаторда педагогик лаборатория ва педагогик музейда экспериментал психологик лабораторияси ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда турли хил психологик тажрибалар амалга оширилган. 1919 йили 1 апрелда Кавман Хорват маориф комиссарига хат йўллаб, давлат кўзи ожиз, гунг, руҳий касал ва психик тараққиёти ҳамда психикаси мувозанатсиз болаларни ўз тарбиясига олиши зарурлигини таъкидлаган. Худди шу мақсадда бутун бир махсус муассасалар тизимини ташкил этишни таклиф этган. Хорватнинг таклифи бир неча йўналиш бўйича диққатга сазовордир. Биринчидан, бу комплекс характердаги иш бўлиб, бирон бир психоневрологик касаллик назардан четда қолмаган. Иккинчидан, бу режада қаттиқ кетма-кетликнинг бир неча босқичи назарда тутилган.

1. Касаллик диагностикаси (тадқиқот даражаси);
2. Касалларни даволаш (амалий тиббий даражаси);
3. Касалларни тарбиялаш ва таълим бериш (амалий таълим даражаси).

Биринчи даражани психологик лаборатория, иккинчи даражани махсус даволаш муассасаси, учинчи даражани мактаблар амалга ошириши кўзда тутилган. Туркистондаги муассасалардан бири «ўзбек давлат илмий тадқиқот институти», ҳозирги Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 1929 йили ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунга қадар бу институт ўқитишнинг педагогик концепцияларини, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия назариясини яратувчи ягона марказ ҳисобланади. 30-йиллар бошларида институт таркибида қуйидаги кабинетлар мавжуд бўлган:

1. Социал гигиена.
2. Иқтисод.
3. Педалого педагогик.
4. Психологик лаборатория.

Институт ташкил бўлган вақтдан бошлаб ерли халқ хусусиятлари ва ижтимоий муҳитни чуқур тадқиқ қилиш, болаларнинг психологик ижтимоий-

маданий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда дарсларни яратиш билан шуғулланди. Институт фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат эди:

1. Илмий эскпедициялар уюштириш;
2. Болалар характерини ўрганиш;
3. Педагогик кадрлар тайёрлаш.

Ушбу институтнинг фаолияти Бендриков, Заварова, Юсупов, Токанаев, Дебензов, Миршарипов, Муҳиддинов каби олимларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқ. 30 йилларда бу институтда жаҳон психология фанига катта ҳисса қўшган олимлардан бири Александр Романович Лурия ишлаган. У институт доирасида ўтказган тадқиқотлари асосида кейинчалик “Билиш жараёнларининг тарихий тараққиёти ҳақида” деган асарини нашр қилди. Ўзбекистонда психология фанининг шаклланишига катта ҳисса қўшган олимлардан яна бири П.Иванов ҳисобланади. 1927 йил Самарқанддаги ўзбек педагогика институтида (педакадемия) экспериментал психология лабораториясини ташкил қилган. 1940 йилда у педагогика институтлари талабалари учун психологиядан биринчи ўқув қўлланмасини нашр қилган. Кейинчалик 1934 йили Самарқанд педагогика институтининг ўзбек давлат университетига айланиши муносабати билан Иванов ўз лабораторияси билан Низомий Номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига кўчиб ўтади. Педагогика ўқув муассасаларида илмий педагогик потенциалнинг етишмаслиги туфайли дастлабки психология дарслари таржимонлар ёрдамида олиб борилган кейинчалик бу таржимонларнинг ўзлари мустақил равишда психологиядан ўзбек тилида маърузалар ўқий бошлашган. Алиасқар Усмонов, Тоҳирийхон Аскархўжаев, Байбурова, Раҳматова ва бошқалар психология ўқитувчилари бўлишган. Ивановнинг (1891-1968 йиллар) психологиядан 75 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган. Унинг 1927 йилда нашр қилинган «Умумий педагогика» бўйича қисқа очерк, «мактабшунослик» тарбиянинг умумий методлари 40-йиллар ва 54-йилларда «Умумий психология», 62-йилда «Таълимнинг психологик асослари» каби асарлари Ўзбекистонда психология фани ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди. Ш.А. Байбурова, Усмонов кабилар бевосита унинг раҳбарлигида фаолият кўрсатишди. 1959 йил унинг раҳбарлигида М.Г.Давлетшин, Бекбоев, Музаффаровлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. 1963 йил Ўзбекистонда психологиядан биринчи бўлиб Краснобоев Илья Берович (1896-1963) Тошкент Давлат университети филология факультети логика ва психология кафедраси мудири «Юқори синф ўқувчиларида эътиқод, ахлоқий тушунчаларнинг шаклланиши» мавзусидаги докторлик ишини ҳимоя қилган. Краснобоевнинг илмий фаолияти 20-йилларда Ўзбекистонда тадқиқотлар билан боғлиқ. Унинг раҳбарлиги остида логика ва психология кафедраси аъзолари: З.Мўминова, В.Я. Марос, А. Абдусатторов, В.И.Софер, А. Гулямов, Р.В. Гулямовлар турли хил объектларда психология ва логика бўйича илмий тадқиқотларини олиб борганлар. Бу тадқиқотлар Ўзбекистонда халқ таълими билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. М.Воҳидов (1927-1989 йиллар) 1955 йилда Ленинградда номзодлик ишини ҳимоя қилган. У дастлаб Андижон

педагогика институтида, сўнгра Қори Ниёзий номидаги педагогика илмий тадқиқотлар институтида ишлаган. 1966 йил Тошкент Давлат университети психология кафедраси мудири этиб сайланган. Зинин, Л.И. Софер иштирокида ва марказнинг истеъдодли олимлари ёрдамида бу ерда ўқув экспериментал лаборатория ташкил қилинган. М.Воҳидов томонидан мактабгача педагогика билим юртлари учун, педагогика институтлари учун дарсликлар ёзилган, охириги йилларда М.Воҳидов, А.Петровскийлар таҳрири остидаги «Умумий психология» дарслиги таржима қилинган ва айни пайтда миллий ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзбек тилида дарслик яратиш билан машхур бўлган.

Давлетшин Муҳаммад Габдулғалимович 1923 йилда туғилган. Тошкент Давлат Университетининг психология кафедра мудири, психология фанлари доктори, 1957 йилда ««5» ва «7» синф ўқувчиларида техник қизиқишларнинг шаклланиши» мавзусида номзодлик, 1971 йил «Ўқувчиларни техник қобилиятлар психологияси» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. М.Г.Давлетшин раҳбарлигида, унинг бевосита маслаҳатлари ёрдамида Ўзбекистонда 100 дан ортиқ номзодлик ва докторлик ишлари ҳимоя қилинган. Ўзбекистонда турли хил муаммолар бўйича умумий, ёш психологияси, социал психология бўйича Ф.С. Исмоилова, Д.З. Зайнобиддинов, Мажидов, И.Маҳмудов, Л.К. Саитов, М.И. Мусаева, В.Г. Горобец, Д.Д. Шарипов, Р.К. Шохназаров, Ж.У. Мавлонов, В.Мажитова, М.И.Сагатов, Д. Эгамбердиева, Г. Абдусаматов, К. Собиров, А. Синдаров ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Бундан ташқари турли мавзуларда 25 та иш ҳимоя қилинган. Булардан нутқ психологияси бўйича 7 та иш: (П.П.Замин, Н.Н. Нигматов, А.И. Аржоновна, Х. Очилова ва бошқалар), хотира психологияси бўйича 4 та иш: (П.И. Иванов, М.В. Воҳидов, Х.М. Гафурова, В.П. Иванова); диққат бўйича М.Х. Раҳмонова; таълим-тарбия бўйича 14 та иш (Ғозиев, Қодиров, Расулов, Усмонова, Краснобоев, Токарева ва бошқалар);

Меҳнат психологияси бўйича 4 та иш (Турғунов, Сотиболдиев, Елисеев, Холматов); шахс мавзуси бўйича 3 та иш (Ғофуров, Саидуллаев, Шаковолов); дифференциал психодиагностика бўйича 1 та иш (Мадмаров); юридик психология бўйича 2 та иш (Ибрагимова, Запрягаев); спорт психология бўйича 3 та иш (Гаппаров, А.Гайнутдинов, Р.Гайнутдинов); нейропсихология бўйича 1 та иш (Бобожонова); психология тарихи бўйича (С.Рахимов) социал психология бўйича 3 та иш (Каримова, Абдумўминов, Турсунов) ва бошқа турли психологияни бўлимлари бўйича кўпгина олимлар иш олиб бориб, Ўзбекистонга психология фанини олиб кириб, тўлалигича очиб бердилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда психология тармоқлари кучайиб, унга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги етишиб чиққан барча олимларимиз Ўзбекистондаги психологияни чет мамлакатлар психологияси каби юқори чўққига чиқишида катта ҳисса қўшишга интилмоқдалар. Одамлар онгига эса миллий психология асосида, яъни миллийлик руҳида тарбиялаб, уларни онгига психологияни синдирмоқдалар. Ўзбекистонда психология фанининг ҳозирги аҳволи илгаригидан анча ривожланган. Чунки бу фанни ўқитиш бўйича муассаса тайёрлов курслари ва марказлар очилиб кишилар онгига етиб

бормокда. Ўзбекистонда психология фанини ривожланишида Б.Қодиров, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, М.Воҳидов, М.Давлетшин, Э.Ғозиев ва бошқа олимларнинг ҳиссаси катта. Ҳозирги кунда психология фани ҳам ўз тармоқларини ривожлантирмокда. Хулоса қилиб айтганда, психология фанини ривож и одамлар ҳаётига яъни яшаш тарзига ўз таъсирини кўрсатмокда.

Таянч тушунчалар: педагогик-психологик марказлар, экспериментал лабораториялар, психоневрологик касаллик

Мавзун и мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўзбекистонда психология фанининг ҳозирги ҳолати.
2. Ўзбекистонда психологиянинг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар.
3. Ўзбекистонда биринчи экспериментал лаборатория ҳақида гапиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Али Ибн Сино. «Тиб қонунлари асари». Тошкент – 1992 й.
2. Ғозиев Э.Ғ. «Тафаккур психологияси» Тошкент – Ўқитувчи – 1990й.
3. Ғозиев Э.Ғ. Психология (Ёш даврлари психологияси). Т. 2002.
4. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. Т., 1990.
5. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. Т., 2010.
6. Ғозиев Э.Ғ. Хотира исихологияси. Т., 1994.
7. Давлетшин М.Ғ. «Психология тарихи» дастур. Т.-1996 й.
8. Давлетшин М.Ғ., Тўйчиева С.М. Умумий психология. Тошкент. 2002.
9. Искандаров Б. «Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар.» Тошкент. «Ўзбекистон». –1993 й.
10. Каримова В. Психология. Ўқув қўлланма,- Т.: А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти. 2002.
11. Каримова В., Акрамова Ф. Психология. Маърузалар матни. Т., 2002.
12. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. - Т.: Ўқитувчи. 1994.
13. Нишоновна З.Т. «Психология тарихи» Т-2002 й.
14. Петровский «Умумий психология» Тошкент – «Ўқитувчи» – 1992 й.
15. Хайруллаев М.М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар». Тошкент -1995 й.

Интернет сайтлари

1. <http://www.psychology-online.net>
2. <http://flogiston.ru/>